НАРИМОН ДЕХКАНОВ

# ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАРИМОН ДЕХКАНОВ**

# ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

Устозимиз А. В. Шароповга мустаҳкам соғлик ва оилавий бахт тилаб
Н. Деҳқанов

**Тошкент – 2015**

**УЎК: 332S(S52)**
**КБК: 66.3(o`zb)8**

**Дехканов Н.Б. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Монография. / – Т.: “IQTISODIYOT”, 2015. – 156 бет.**

Мазкур монографияда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ тарихий жараёнлар манбалар асосида тадқиқ этилган. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларни ривожлантиришдаги фаолияти таҳлил қилинган.

Ушбу монографиядаги маълумотлардан мустакил Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ва давлат бошқарувига доир тадқиқотларни тайёрлашда, олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари талабаларини ўқитишда, таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашда, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ўтказишда фойдаланиш мумкин.

**Масъул мухаррир:** **Турсунбой Файзуллаев**
сиёсий фанлар доктори, профессор
**Такризчилар:** **Рўзимат Жўраев**
тарих фанлари номзоди, доцент
**Анваржон Эркўзиев**
тарих фанлари номзоди

*Монография Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг амалий тадқиқотлар дастури доирасидаги ЁА2-ОТ-0-14679 ЁА2-15 –“Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари” гранти юзасидан тайёрланди*

**УЎК: 332S(S52)**
**КБК: 66.3(o`zb)8**

**ISBN 978-9943-986-27-5**

Namangan davlat universiteti
Inv. № 271364

© “IQTISODIYOT” нашриёти, 2015.

## МУНДАРИЖА


КИРИШ.......... 4

I боб ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН.......... 18

1.1. Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги тарихида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ўрни масаласи.......... 18

1.2. Ўзбекистон мустақилликка эришиши арафасида халқ депутатлари маҳаллий Советлари фаолияти: муаммо ва нуқсонлар.......... 33

II боб. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ.......... 54

2.1. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришнинг Ўзбекистон тажрибаси.......... 54

2.2. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳудудий вакиллик органи – Олий Мажлис Сенатини шакллантиришдаги иштироки.......... 67

III боб. ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ.......... 85

3.1. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг минтақалар тараққиётидаги ўрни ва ролининг ошиб бориши.......... 85

3.2. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ривожлантиришдаги фаолияти.......... 105

ХУЛОСА.......... 127

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.......... 130

ИЛОВАЛАР.......... 144

# КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида мамлакатни модернизация қилиш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг роли босқичма-босқич ортиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида миллий давлатчилик асосларини яратиш, давлат бошқарувини демократлаштириш борасида, хусусан, ҳудудларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш ҳамда уларнинг амалий фаолияти соҳаларида катта тарихий тажриба тўпланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнниг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли асарларида “Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вақтда “Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?” деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим”[1] деган кўрсатмалари тараққиётнинг ҳозирги, жамиятни янада демократлаштириш ва либераллаштириш жараёни изчил давом эттирилаётган босқичида ўзбек давлатчилигига янгича шаклу шамойил бериш юзасидан тўпланган тарихий тажрибани илмий ўрганиш ва таҳлил қилишни тақозо этади.

Ўзбекистон давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан бери ўтган давр давомида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдек мураккаб ва масъулиятли йўлни босиб ўтди. Президент И.А. Каримовнинг “Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз – бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир. Бу – жаҳон цивилизациясига қўшилиш, чинакам сиёсий-иқтисодий истиқлолга эришиш йўли”[2] эканлигини, босиб ўтилган мазкур йўлни “ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва

[1] Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. –7-8 б.
[2] Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. –28 б.

аҳамиятини йўқотмаганини..."[3] таъкидлаганлари бежиз эмас. Табиийки, мамлакат раҳбари томонидан илгари сурилган бу фикр барча ижтимоий-сиёсий ва гуманитар фанлар, хусусан Ўзбекистон тарихи фани олдига масъулиятли вазифаларни қўйди.

Шунинг учун ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолиятини тарихий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш қуйидаги омилларга кўра долзарбдир:

*биринчидан,* Ўзбекистон тарихида республика маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг тарихий тажрибаси ҳозирга қадар махсус диссертацион тадқиқот сифатида ўрганилмаган;

*иккинчидан,* Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг тарихий тажрибасини тадқиқ ва таҳлил қилиш нафақат илмий, балки вакиллик органлари фаолиятини ўзгарувчан вазиятларга мослаштиришни ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганлиги сабабидан амалий аҳамиятга ҳам эга;

*учинчидан,* ушбу илмий иш мустақиллик йилларида миллий давлатчилик анъаналарини тиклаш соҳасида ўтказилган туб ислоҳотлар моҳиятини очиб бериш, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш амалиёти ва унинг фаолият юритиш тамойилларида тўпланган тажрибанинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беришда муҳим аҳамият касб этади;

*тўртинчидан,* мазкур тадқиқот маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш асосида миллий давлатчилик тараққиётида қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, улардан сабоқ чиқариш ва бартараф этишда илмий асос бўлиб хизмат қилади;

*бешинчидан,* ушбу мавзуни илмий асосда ўрганиш Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти бошқарув тизимида халқнинг иштироки даражасини аниқлаш имконини беради;

*олтинчидан,* бу илмий иш XX асрнинг 90-йиллари ва XXI асрнинг бошларида республикада амалга оширилган сиёсий ислоҳотлар, бошқарув соҳасидаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказилиши, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатларини ифодалаш мақсадида Олий Мажлис Сенатини маҳаллий давлат ҳокимияти

---

[3] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли // Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Т.: Ўзбекистон, 2008. –4 б.

вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланиши жараёнларини очиб беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, монографияда ижтимоий-гуманитар фанларнинг, хусусан Ўзбекистон тарихи фанининг долзарб масалаларидан бири бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари (халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари)нинг республика учун хос бўлган тамойиллар асосида шаклланиши, уларнинг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожидаги фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ тарихий тажриба мисол ва далиллар, амалий ёндашувлар асосида ёритиб берилади.

Мазкур тадқиқотнинг даврий чегараси 1995 йилдан, яъни маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда демократик тамойил – кўппартиявийлик асосида сайловлар ўтказилишидан 2010 йилгача, яъни Олий Мажлис юқори палатасини маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатларидан иборат қилиб шакллантирилиши, шунингдек, Сенат ва маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигида маълум тарихий тажриба тўплангунигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ўзбекистон азал-азалдан қадимий давлатчилик анъаналарига эга мамлакат эканлигини таъкидлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз асарларида ўзбек давлатчилигининг шаклланиши, унинг ривожланиб бориши босқичлари, миллий давлатчилик тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишдек зарурият пайдо бўлганини ҳам кўрсатиб ўтди ва соҳа мутахассислари олдига юксак вазифаларни қўйди[4]. Шу билан бирга “илмий ишларни мувофиқлаштириш, уларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон ва минтақавий жараёнлар билан, шунингдек ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган халқлар ва давлатлар цивилизациясининг тарихий-маданий мероси билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш”[5] белгиланди.

Мамлакат раҳбари И.А.Каримовнинг ушбу назарий, айни чоқда илмий методологик кўрсатмаларига таянган ва тадқиқ этилаётган масалаларнинг таркибий тузилиши ҳамда моҳиятидан келиб чиққан ҳолда мавзуга алоқадор бўлган кенг қамровли адабиётлар ва манбалар таҳлил қилинди. Бунда совет даври ва мустақиллик даврида бажарилган тадқиқотлар, хорижда чоп этилган илмий ишлар

---

[4] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. 11–б.

[5] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012, 5-сон, 42-модда.

ўрганилди ва қуйидаги тўрт гуруҳга туркумлаштирилди: 1) тарихий адабиётлар ва тадқиқотлар; 2) ҳуқуқий асарлар ва тадқиқотлар; 3) сиёсий адабиётлар ва тадқиқотлар; 4) хорижий адабиётлар ва тадқиқотлар.

**Биринчи гуруҳ**га мансуб бўлган асарлар, адабиётлар ва тадқиқотларни қуйидаги туркумларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

а) совет даври адабиётлари;

б) мустақиллик даври адабиётлари ва тадқиқотлари.

*Совет даври адабиётлари*да мазкур даврда амалга оширилган партиявий маъмурий бошқарув сиёсатининг моҳияти, унинг "ижобий ва прогрессив аҳамияти" масалаларига тўхталиб, унга коммунистик партиянинг раҳбарлиги таъкидланган. Бундай адабиётлар жумласига М. Гуминская, Д. Манжара, Б.Л. Менелис, В.Я. Непомнин ва бошқаларнинг асарларини киритиш мумкин[6]. Масалан, М.Гуминская совет давлатида овул, қишлоқ ва шаҳар вакиллари йиғилишларини ташкил этиш масаласини таҳлил этар экан, мазкур жараёнда коммунистик партия томонидан илгари сурилган синфийлик тамойилига асосланади ва сиёсий тафаккури ҳамда билими етарли бўлмаган йўқсилларни етакчи куч сифатида илгари суради. Шу билан бирга коммунистик партиянинг бу соҳадаги раҳбарлик ва йўналтирувчилик ролини кўрсатишга ҳаракат қилади[7].

Шунингдек, ўрганилаётган масалани илмий таҳлил қилиш XX асрнинг 60-80-йилларида, айниқса қайта қуриш сиёсати шароитида бироз жонланди. Жумладан, С.К.Абдураззаков, А.А.Аъзамхўжаев, А.Аимбетов, М.Имашев, М.Баймаханов, Н.Н.Демочкин, А.Камилов, А.И.Лепешкинларнинг илмий тадқиқотлари ва асарларида[8] совет давлатида маҳаллий ҳокимият вакиллик органларини ташкил этилиши ҳамда уларнинг фаолияти масаласи алоҳида тадқиқот объекти сифатида танланган.

*Мустақиллик йилларида* Ўзбекистонда давлатчилик тарихини ўрганиш устувор масалалардан бирига айланганлиги ва у тарихчи

---

[6] Гуминская М Как организовать делегатские собрания в городе, кишлаке, ауле. – Москва, 1930; Манжара Д. Борьба за власть советов. – Ташкент, 1935; Менелис Б.Л. Городские советы Узбекистана на новом этапе. – Ташкент, 1934; Непомнин В.Я. Исторический опыт строительства социализма в Узбекистана (1917-1937 гг). – Т.: Госиздат УзССР, 1960.

[7] Гуминская М. Как организовать делегатские собрания в городе, кишлаке, ауле. – Москва, 1930. – С. 12-23.

[8] Демочкин Н.Н. Советы 1905 г. – органы революционной власти. – Москва, 1963; Лепешкин А.И. Советы – власть трудящихся. 1917-1936. – Москва, 1966; Аимбетов А., Баймаханов М, Имашев М. Проблемы совершенствования организации и деятельности местных Советов. – Алматы: Наука, 1967; Аъзамхўжаев А.А. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва ривожланиши. – Т.: Фан, 1974; Абдураззаков С.К. Административно-территориальное устройства Узбекской ССР. –Т.: Узбекистан, 1987; Камилов А. Повышение роли Советов в условиях перестройки // Общественные науки в Узбекистана, 1989. -№ 4, -С. 18-23.

олимлар диққат марказидаги мавзулардан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик ва бошқарув анъаналарининг вужудга келиши ва ривожланиши масалалари Е.В.Абдуллаев, А.Х.Саидов, Э.Ртвеладзе, Қ.У.Усмонов, Ш.Ҳ.Воҳидов, Р.Э.Ҳолиқова, Н.Жўраев ва Т.Файзуллаевлар муаллифлигида яратилган бир қатор тарихий адабиётларда ўз аксини топган[9]. Муаллифлар томонидан Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган илк давлатлардаги маҳаллий бошқарув анъаналари ва уларнинг қадимдан то бугунги кунга қадар бўлган тарихий кўринишлари илмий таҳлил этилган. Мазкур адабиётларда маҳаллий бошқарув анъаналарининг ривожланиши, уларнинг қўшни ҳудудлар тажрибаси асосида такомиллашиб, бойиб бориш жараёни қиёсий жиҳатдан ўрганилган.

Мавзу тарихшунослигида "Ўзбекистон давлатчилик тарихи" китоби муҳим аҳамият касб этади. Мазкур китоб ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва илк ривожланиш босқичларига, давлатчиликнинг ижтимоий-иқтисодий институтларига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, китобда бошқарув тизими ва маъмурий бўлинишда оқсоқоллар, аҳоли табақалари ва уларнинг тутган ўрни масалалари таҳлил қилинган[10].

Н.Жўраев ва Т.Файзуллаевлар муаллифлигида яратилган "Мустақил Ўзбекистон тарихи" китобида биринчилардан бўлиб маҳаллий давлат ҳокимиятини шакллантириш билан боғлиқ қимматли тарихий маълумотлар тўпланган. Унинг аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, мазкур асарда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг шаклланиши, унинг ривожланиши билан боғлиқ тарихий тажрибалар етарлича очиб берилмаганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин[11].

Ўзбек давлатчилигига оид адабиётлар ичида "Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари" номли тўплам алоҳида аҳамият касб этади. Тўпламда давлатчилик масаласига совет тузуми давридаги ёндошувга муносабат билдирилиб, мустақиллик йилларида мавзунинг янги илмий-услубий асосларда ўрганилиши ва таҳлил этилиши

---

[9] Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т.: Адолат, 2001; Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2004; Воҳидов Ш., Холикова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX-XX аср бошлари). –Т.: Янги аср авлоди, 2006; Jo'rayev N., Fayzullayev T. Mustaqil O'zbekiston tarixi. 3-kitob. – T.: G'.G'ulom nomidagi NMIU, 2009.

[10] История государственности Узбекистана. Том I, – Т.: Узбекистан, 2009. – С. 86-88, 95, 98-99, 166-167, 189.

[11] Jo'rayev N., Fayzullayev T. Mustaqil O'zbekiston tarixi. 3-kitob. – Toshkent.: G'.G'ulom nomidagi NMIU, 2009. – 664 b.

учун имкониятлар вужудга келганлиги кўрсатиб ўтилган ҳамда унда тадқиқ этилаётган мавзуга оид материаллар ҳам ўз аксини топган[12].

Истиқлол йилларида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тарихи масаласини илмий тадқиқ этиш кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат эътиборида бўлди. Жумладан, Г.О.Астанова, Х.М.Ғанибоев, С.Б.Тиллабоев ва Г.Б.Умаровалар масалани ўзларининг тадқиқотлари даврий чегаралари ва мавзулари бўйича ёритишга ҳаракат қилганлар[13]. Мазкур тадқиқотлар орасида Х.М.Ғанибоев, Г.М.Умарова ва С.Б.Тиллабоевларнинг илмий изланишлари методологик жиҳатдан тадқиқот учун аҳамиятлидир.

С.Б.Тиллабоевнинг тадқиқотида Фарғона вилояти мисолида Россия империяси мустамлакачилиги шароитида Туркистон ўлкасидаги маъмурий-ҳудудий бошқарув тизими ва унда маҳаллий аҳоли вакилларининг иштироки масаласи ўрганилган бўлиб, унда муаллиф Туркистон генерал-губернаторлиги даврида волостлардаги бошқарув тизими сайлов қурултойидан иборат деб ноаниқ хулоса беради ва маҳаллий ҳокимият тизимида вакиллик органларини шакллантириш Россия империяси мустамлакачилик сиёсати манфаатларига бўйсундирилганлигини етарлича очиб бермайди[14].

Х.М.Ғанибоевнинг илмий ишида совет мустамлакачилигининг дастлабки даврида Ўзбекистондаислоҳотларни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органларининг ривожланиши ва ўрни масаласини тарихий манбалар асосида ёритишга ҳаракат қилинган. Ушбу тадқиқотда ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши нуқтаи-назаридан қараганда баҳсли фикр-мулоҳазалар ҳам илгари сурилган[15]. Масалан, тадқиқотда “1924 йилда амалга оширилган миллий давлат чегараланиши натижасида Туркистон, Бухоро ва Хоразм халқлари ўз тарихида биринчи бор миллий давлатчилигига

[12] Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари / Масъул муҳаррирлар Д. А. Алимова, Э. В. Ртвеладзе. – Т.: Шарқ, 2001. – 224 б.

[13] Астанова Г.О. Историография политических процессов в Бухаре в 1920-1924 гг. Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 1994; Ганибоев Х.М. Развитие местных органов власти и их роль в осуществлении демократических реформ в Узбекистане (1924-1929 гг.). Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 1994; Умарова Г.Б. Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва такомиллаштириш тарихи (1991-2001 йиллар). Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2003; Тиллабоев С.Б. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасида маъмурий-ҳудудий бошқарув тизими ва унда маҳаллий аҳоли вакилларининг иштироки (Фарғона вилояти мисолида). Тарих фан. номз. ... дисс. – Т., 2006.

[14] Тиллабоев С.Б. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасида маъмурий-ҳудудий бошқарув тизими ва унда маҳаллий аҳоли вакилларининг иштироки (Фарғона вилояти мисолида). Тарих фан. номз. ... дисс. – Т., 2006. – 178 б.

[15] Ганибоев Х.М. Развитие местных органов власти и их роль в осуществлении демократических реформ в Узбекистане (1924-1929 гг.). Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. –Т., 1994. – 24 с.

эга бўлди"[16], деган илмий ва ғоявий хато фикр билдирилади. "1926 йил республикада ўтказилган районлаштириш натижасида аввалги "область-уезд-волость-сельсовет" каби тизим ўрнига "округ-район-сельсовет" деб аталувчи маъмурий бошқарув тизимининг вужудга келиши"[17] ижобий тажриба сифатида талқин қилинади. Шуни таъкидлаш керакки, тарихий тараққиётнинг кейинги йилларидаги республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши округ мақомидаги ҳудудий-маъмурий бўлинишлар ўзини оқламаганлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам 1941 йил март ойида округлар ўрнига вилоятлар мақомидаги ҳудудий бўлинишлар вужудга келди. Жумладан, 1941 йилнинг 6 мартида Фарғона маъмурий-ҳудудий бўлиниши ўрнида Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ташкил қилинди.

Мустақиллик йилларида Г.Б.Умарова томонидан ёзилган илмий ишда Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва уни такомиллаштириш тарихи ўрганилган бўлсада, тадқиқотда ўзини-ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар очиб берилмаган[18].

Шунингдек, Н.С.Расулованинг мавзуга даврий чегара жиҳатидан яқин бўлган диссертациясида Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг шаклланиши ва ривожланиши мавзуси ўрганилган бўлиб, муаллиф маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари масаласига халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтган сайловларни ёритиш жараёнидагина тўхталган[19].

Бундан ташқари Н.С.Ўроқова[20], А.Х.Ғозиев[21], Ф.Ж.Ёрматов[22], Т.А.Хатамовлар[23] тадқиқотларида ҳам мустақиллик йилларида Ўзбекистонда саноат, кадрлар тайёрлаш тизими ва таълим соҳасидаги

---

[16] Ганибоев Х.М. Развитие местных органов власти и их роль в осуществлении демократических реформ в Узбекистане (1924-1929 гг.). Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 1994. – С. 14.

[17] Ўша жойда, –С .15.

[18] Умарова Г.Б. Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва такомиллаштириш тарихи (1991-2001 йиллар). Тарих фан. номз. ... дисс. – Т., 2003. – 158 б.

[19] Расулова Н.С. Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши: муаммо ва ечимлар (1991-2008 йиллар). Тарих фан. номз. ... дисс. автореферати. –Т., 2010.

[20] Ўрокова Н.С. Ўзбекистонда мустақиллик даврида саноат соҳасидаги ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни (жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. номз. ... дисс. автореферати. –Т., 2004.

[21] Ғозиев А.Х. Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини амалга оширилиши (Фарғона водийси вилоятлари академик лицейлари ва касб-ҳунар коллежлари мисолида). Тарих фан. номз. ... дисс. автореферати. – Т., 2006.

[22] Ёрматов Ф.Ж. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. номз. ... дисс. автореферати. – Т., 2010.

[23] Хатамов Т.А. Ўзбекистон умумтаълим мактаблари таълим ислоҳотлари тизимида: муаммолар, ечими ва истиқболи (1991-2009 йиллар). Тарих фан. номз. ... дисс. автореферати. – Т., 2010.

амалга оширилган ислоҳотлар, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг шаклланиши ва бу борада давлат ва ҳомий ташкилотлар томонидан олиб борилган ишлар тадқиқ қилинган. Бироқ мазкур тадқиқотларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг бу жараёнлардаги фаолиятига эътибор қаратилмаган. Ваҳоланки, қонунда белгиланган ваколат нуқтаи-назаридан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳар бир ҳудуд учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширилишини, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб қилишни таъминлайди.

**Иккинчи гуруҳ**га мавзуга оид масалалар ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган адабиётлар ва тадқиқотлар киради. Мазкур гуруҳга мансуб адабиётлар ва тадқиқотларни ҳам хусусияти жиҳатидан икки давр – совет даври ва мустақиллик йиллари туркумига ажратиш мақсадга мувофиқдир.

*Совет даври*да маҳаллий давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий асослари масалалари С.А.Авакьян, И.А.Азовкин, Б.Н.Габричидзе, Е.В.Додин, А.В.Москалевларнинг илмий тадқиқотлари ва асарларида ўрганилган[24]. Мазкур илмий ишларнинг асосий хусусияти, уларнинг барчаси совет давлатининг "одилона" маҳаллий давлат бошқарувини амалга оширганлигини илмий жиҳатдан асослашга қаратилганлигидир. Амалда эса, совет ҳокимияти бошқарув тизимида маҳаллий давлат бошқаруви идоралари юқори ташкилотларнинг, аниқроғи коммунистик партия ва унинг маҳаллий ташкилотлари қарор ва кўрсатмаларини сўзсиз, оғишмай бажарадиган қуйи органлар ҳисобланган холос.

*Мустақиллик йиллари*да Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолиятини ҳуқуқий нуқтаи назардан ўрганиш соҳасида кенг кўламли ишлар қилинди. Бу масала А.А.Дадашева, А.Э.Йўлдошев, Г.Р.Маликова, С.Султонов ва О.Хусановларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган[25]. Улар

---

[24] Азовкин И.А. Местные советы в системе органов власти. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 1964; Габричидзе Б.Н. Аппарат управления местных Советов. – Москва: Юридическая литература, 1971; Додин Е.В. Отделы и управления исполкомов местных Советов. – Москва: Юридическая литература, 1971; Авакьян С.А. Правовое регулирование деятельности местных Советов. – Москва: Юридическая литература, 1974; Москалев А.В. Теоретические проблемы совершенствования местных Советов народных депутатов (организационно-правовые аспекты). Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – М., 1990.

[25] Султонов С. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари: вужудга келиши ва тараққиётининг асосий босқичлари (1917-1937 йиллар). Юридик фан. докт. ... дисс. – Т.т, 1995; Хусанов О. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар. Юридик фан. доктор. ... дисс. – Т., 1995; Йўлдошев А.Э. Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари: ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини ташкил этиш муаммолари. Юридик фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004; Маликова Г.Р. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий

орасида А.А.Дадашеванинг Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши ва ривожланиши муаммосига бағишланган диссертациясини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Мазкур тадқиқотда гарчи давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши жараёнларини очиб бериш мақсад қилиб олинган бўлсада, тадқиқотда асосан ҳокимлик институтини ташкил қилиш, ҳокимлик идораларининг ўз-ўзини бошқариш органлари билан муносабатлари масалаларининг ҳуқуқий жиҳатлари кўпроқ таҳлил қилинган[26].

**Учинчи гуруҳга** мансуб асарлар ва илмий тадқиқотларни сиёсий фанлар нуқтаи назаридан яратилган ишлар ташкил этади. Ушбу тадқиқотларда ўрганилаётган масаланинг сиёсий жиҳатлари ўз ифодасини топган бўлиб, улар демократик жамият қуриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг иштироки масаласига кўпроқ эътибор қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур тадқиқотлар сирасига Р.З.Жумаев, И.Эргашев, Р.Т.Жўраев, Ҳ.Х.Жўрақобилова, М.М.Муллажонова, М.Тўрақулов, Ш.Т.Қудратхўжаевлар тадқиқот ишларини киритиш мумкин[27]. Жумладан, М.Тўрақулов ва Ҳ.Х.Жўрақобиловаларнинг илмий ишларида фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳаллий давлат вакиллик идоралари ва кадрларнинг роли, бу жараёндаги асосий муносабатлар тизимида масъулият масаласини ошириш муаммолари илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинган.

Шу ўринда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари масаласи **хориж тадқиқотларида** ҳам ўрганилганлигини таъкидлаш лозим. Ушбу тадқиқотлар мазкур мавзуни ёритишда назарий жиҳатдан ёрдам беради ва уларни тўртинчи гуруҳга киритиш мумкин.

---

масалалар). Юридик фан. номз. ... дисс. – Т., 2004; Дадашева А.А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши ва ривожланиши (назария ва амалиёт). Юридик фан. номз. ... дисс. – Т., 2008.

[26] Дадашева А.А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вужудга келиши ва ривожланиши (назария ва амалиёт). Юридик фан. номз. ... дисс. – Т., 2008. – 160 б.

[27] Эргашев И. Политика государства независимого Узбекистана на селе: теория и практика. Автореф. дис. ... докт. полит. наук. – Т., 1995; Унинг ўзи. Ўзбекистондаги демократик жараёнлар: уйдирма ва ҳақиқат // Халқ сўзи, 2004. 18 май; Жумаев Р.З. Проблемы формирования и укрепления политической системы Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... докт. полит. наук. –Т., 1996; Қудратхўжаев Ш.Т. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. Сиёсий фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004; Муллажонова М.М. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда ижтимоий ва сиёсий институтларнинг роли. Сиёсий фан. номз. ... дисс. –Т., 2005; Тўрақулов М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимиятининг роли. Сиёсий фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006; Жўрақобилова Ҳ.Х. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришда маҳаллий бошқарув ходимларининг масъулиятини ошириш омиллари. Сиёсий фан. номз. ... дисс. –Т., 2009; Жўраев Р.Т. Манфаатлар мутаносиблиги: назария ва амалиёт. – Т.: Академия, 2010.

Хусусан, А.Ф.Денисов, Л.Т.Жанузакова, И.В.Захаров, В.С.Кашо, Л.И.Левитин, Д.Н.Матвеев, И.И.Овчинников, А.И.Савватеев, А.А.Таранов, Э.А.Уткинлар асарларида хориж мамлакатларида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг шакллантирилиши ва фаолият олиб бориш тартиби тадқиқ этилган[28]. З.К.Бжезинский ва Л.И.Левитин асарларида эса Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодийислоҳотлар моҳияти таҳлил қилинган[29].

Юқорида кўрсатиб ўтилган асарлар ва илмий тадқиқотлар тадқиқ қилинаётган муаммони илмий - назарий, методологик жиҳатдан мушоҳада қилишда ёрдам берса-да, уларда мустақиллик йилларида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг шаклланиши ва ривожланиши масаласи тадқиқот объекти сифатида танланмаган ҳамда Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг тарихини ёритиш ҳозирга қадар махсус ўрганилмаган. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг тарихий тажрибаси масаласи Ўзбекистон тарихи фанида ўз ечимини кутаётган муаммолар сирасига киради.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ тарихий жараёнларни илмий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиш, ўтиш даврида бу борада тўпланган тарихий тажрибани умумлаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётида тутган ўрнининг босқичма-босқич ошиб боришини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг юқорида қайд этилган мақсадларидан келиб чиқиб, қуйидагилар асосий вазифалар қилиб белгиланди:

---

[28] Кашо В.С. Организационно-правовой механизм взаимодействия местных Советов народных депутатов и органов территориального общественного самоуправления. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 1991; Таранов А.А. Местное самоуправление. – Алматы, 1997; Овчинников И.И. Теоретико-правовые основы местного самоуправления в Российской Федерации. Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Москва, 2000; Захаров И.В. Правовой статус депутата представительного органа местного самоуправления (проблемы теории и практики). Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2001; Левитин Л.И. Узбекистан на историческом повороте. – Москва: Вагриус, 2001; Уткин Э.А., Денисов А.Ф Государственный и муниципальное управление. – М.: "Тандем", 2001; Жанузакова Л.Т. Сессия – основная форма деятельности маслихата // Маслихат. – 2003. - № 1-2; Саватеев А.И. Местное самоуправление как институт развития гражданского общества. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – Екатеринбург, 2005; Матвеев Д.Н. Институт местного самоуправления в политической системе современной России. Автореф. дис. ... канд. полит. наук. – М., 2008.

[29] Бжезинский З.К. Великая шахматная доска: господство Америки и его геостратегические императивы. Пер. с англ. О. Ю. Уральской. – М.: Международные отношения, 1998. – 256 с; Левитин Л.И. Узбекистан на историческом повороте. – М.: Вагриус, 2001. – 350 с.

– маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини ўзбек миллий давлатчилиги тарихий тажрибасида муҳим ўрин тутганлигини, бу масала Ўзбекистон тарихшунослигида қайдаражада акс этганини назарий қарашлар ва тарихий далиллар асосида кўрсатиш;

– мустақиллик йилларида Президент И.А.Каримовнинг миллий давлатчилик таълимотида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари масалаларининг ёритилишини ўрганиш;

– маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари тушунчасининг Ўзбекистон мустақиллиги йилларида янгича мазмун-моҳият касб этганини қиёсий далиллар асосида тарихий мисоллар билан очиб бериш;

– маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида янги йўналиш, яъни Олий Мажлис Сенатини шакллантиришдаги иштироки орқали қонунчилик жараёнларида қатнашишини манбалар асосида ёритиш;

– Олий Мажлис Сенатининг бевосита халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришдаги мувофиқлаштирувчилик ролини кўрсатиб бериш;

– маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини минтақалар ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётида тутган ўрни ва роли ортиб бориши жараёнларини таҳлил қилиш;

– маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечими билан боғлиқ таклиф ҳамда тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий давлатчилик қурилиши масалаларига бағишланган асарлари, нутқлари, хусусан, 1998 йил 26 июнда бир гуруҳ тарихчи олимлар ва журналистлар билан учрашувда берган кўрсатмалари[30], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тарих фанини ривожлантириш борасида қабул қилган Қарорида[31] баён этилган тарихийлик, ворисийлик ва тадқиқот олиб боришда ягона объектив усулдан фойдаланиш, тарихга холисона ёндошишга доир қоидалар ташкил қилади. Шунингдек, мамлакат раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қо-

---

[30] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7 – Т.: Ўзбекистон, 1998. –132-155 б.

[31] "Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" // Ўзбекистон овози, 1998. 28 июль.

нунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида[32] акс этган давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш масалаларига оид фикр-мулоҳазалари ҳамда 2012 йил 27 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорида[33] белгиланган Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тизимли равишда тарихийлик ва холислик принципларига асосланган ҳолда ўрганишни ташкил этиш, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунига баҳо беришда бир ёқлама ёндашувларга, ақидапарастликка йўл қўймаслик каби концептуал ғоялари, амалий хулосалари методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Мавзуни ёритиш жараёнида тадқиқотчи томонидан объективлик, тадрижийлик, илмийлик, холислик ва тарихийлик тамойилларига таянилди. Асосий эътибор юз берган воқеаларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир тизимлигига қаратилди. Тадқиқот жараёнида мавзуга миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғоясидан келиб чиққан ҳолда ёндошилди.

Монографияни тайёрлаш жараёнида турли манбалардан олинган катта ҳажмдаги ҳужжатлардан фойдаланилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жорий архиви, Марказий Давлат архиви, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари жорий архивлари, жумладан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши, халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши, халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгаши, халқ депутатлари Қува туман Кенгаши, халқ депутатлари Косонсой туман Кенгаши, халқ депутатлари Наманган туман Кенгаши, халқ депутатлари Хонобод туман Кенгаши жорий архивлари материалларидан фойдаланилди.

---

[32] Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Халқ сўзи, 2010. 13 ноябрь.

[33] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012, 5-сон, 42-модда.

Шу билан бирга маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини тартибга солувчи муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида"ги (1992 йил 4 январь), "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги (1993 йил 2 сентябрь), "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги (1994 йил 5 май), "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги (2002 йил 4 апрель), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги (2002 йил 12 декабрь), "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги (2004 йил 2 декабрь) қонунлари муҳим манбавий асос бўлди. Шунингдек, Президент И.А.Каримовнинг мустақиллик йилларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида сўзлаган маърузалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Марказий сайлов комиссияси ахборотномалари маълумотлари ҳам муҳим манба бўлди. Монографияда Ўзбекистон ҳамда яқин хорижда чоп этилган даврий нашрлардан, хусусан газета ва журналлардан кенг фойдаланилди. Мавжуд архив маълумотлари ва манбалар, илмий адабиётлар, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлардан кенг фойдаланиш, уларни узвий алоқадорликда, танқидий ўрганиш, қиёслаш ва таҳлил қилиш ўрганилаётган мавзуни ёритишда холислик даражасини оширишга, хулосаларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг тарихий тажрибаси илк бор махсус тадқиқот сифатида ўрганилди. Бундан ташқари тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

– Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари илк бор тарихийлик принципи асосида тадқиқ этилди;

– халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тоталитар тузум давридаги коммунистик партия кўрсатмаларини ижро этувчи органдан мустақиллик йилларида ҳуқуқий демократик давлат бошқарув тизимининг муҳим бўғинига айланиб борганлиги ёритилди;

– Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётида тутган ўрни очиб берилди;

– маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантириш борасидаги тажрибаси совет даври тажрибаси билан қиёслаб ўрганилди ва мустақиллик йилларидаги Ўзбекистон тажрибасининг ижобий жиҳатлари очиб берилди;

– Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари тизимини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини акс эттирувчи манбалар илк бор илмий истеъмолга киритилди;

– маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига қаратилган фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш тарихий тажрибасини ўрганишга бағишланган мазкур иш натижаларидан тадқиқотчилар, олий ўқув юртлари талабалари ва кенг илмий жамоа ўзларининг илмий тадқиқотлари, иш мавзуига доир дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар ёзиш, маъруза, амалий машғулотлар ўтказиш жараёнида ҳамда тарих йўналиши бакалаврлари, магистрлари учун махсус курслар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.



Namangan davlat universiteti
Inv. № 281364

# I боб. ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН

## 1.1. Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги тарихида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари-нинг ўрни масаласи

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ўзбек миллий давлатчилигидаги ўрни масаласини тарихий жиҳатдан илмий тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки тарихий воқеа ва ҳодисалар моҳиятини чуқур англаш учун, аввало, улар тарихий жараёнларда қандай юз берганлигини, ўз тараққиётида қайси босқичларни босиб ўтиб, шаклан ва мазмунан қандай ўзгаришлар юз берганини кузатиш мумкин. Бундай тарихий ёндошувсиз, айниқса, мустақиллик йилларида, миллий давлатчиликнинг узвий қисми бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар моҳиятини тушуниш, уларга холисона баҳо бериш қийин. Бу ўз навбатида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини миллий давлатчиликдаги ўрни масаласини тарихий жиҳатдан аниқлаб олишни тақозо қилади.

Шу боис, аввало, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини миллий давлатчиликдаги ўрни масаласини кўриб чиқиш учун тадқиқот давомида фойдаланиладиган вакиллик органи тушунчасини таҳлил қилиш лозим.

Маълумки, давлат ҳокимияти вакиллик органлари жамиятнинг, унинг ҳар бир қисмида яшовчи аҳоли эҳтиёжлари ва миллий манфаатларини ўзида акс эттириши лозим.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети расман эълон қилинди ва "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Конституциявий қонунга биноан Ўзбекистон мустақил, демократик давлат деб эътироф этилди ҳамда ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилаши[34] мустаҳкамланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат ва жамият қурилишининг ўзига хос моделини вужудга келтириш, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида амалга ошириладиган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – ҳокимиятнинг барча тармоқлари,

[34] Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 3-сон. –Т.: Адолат, 1993. –114 б.

жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимининг масъулияти ва самарасини ошириш ҳисобланди. Бу эса 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясида ҳам ўз ифодасини топди. Конституциянинг XXI боби "Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари"га бағишланган бўлиб, унда маҳаллий вакиллик органларининг икки бўғинли тизимда бўлиши ҳуқуқий асосланди ва ушбу меъёр 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунда ҳам акс эттирилди.

Хусусан, Конституциянинг 99-моддасида: "Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар"[35], дейилган бўлса, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасида: "Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир (таъкид – Д.Н.)"[36], деб белгилаб қўйилган.

Ўрганилаётган даврда Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органлари олий ва маҳаллий органларга ажратилди. Ўз навбатида маҳаллий ҳокимият органлари тизими маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларига ажратилган. Табиийки бу ҳол мавзу моҳиятини очиш учун, аввало, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тизими" тушунчасини методологик нуқтаи назардан кўриб чиқишни талаб қилади. Таъкидлаш лозимки, жамиятни сиёсий жиҳатдан бошқаришдан иборат бўлган муайян ижтимоий муносабатлар, масалан, референдум йўли билан фуқароларнинг давлат ишларида қатнашишини таъминлаш бевосита маҳаллий ҳокимият тизими орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият тизими муносабатларининг ўзига хослиги шундан иборатки, бу муносабатлар маҳаллий ҳокимият органлари билан узвий боғлиқ ва шу органлар орқали амалга оширилади. Бу давлат ҳокимиятининг юқори ва маҳаллий органлари ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабатлардир. Бундай муносабатлар натижасида тегишли ҳудуд аҳолиси бевосита ўз

---

[35] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. –27 б.
[36] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 9-сон. 320-модда.

депутатлари корпуси орқали халқ депутатлари Кенгашларини, яъни маҳаллий давлат ҳокимиятини амалга оширувчи органларни ташкил этади. Масалан, "сайловчилар ўз депутатларига таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат қиладилар. Депутат сайловчилардан ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда кўриб чиқади, уларни ўз вақтида тўғри ҳал этиш чораларини кўради, ўз сайлов округида фуқароларни мунтазам равишда қабул қилиб туради. Депутат шикоятларни келтириб чиқараётган сабабларни ўрганади ва зарур ҳолларда ўз таклифларини тегишли ҳокимият вакиллик органларига киритади"[37].

Халқ депутатлари Кенгаши ва ижроия ҳокимияти аппаратининг иш фаолияти устидан тегишли ҳудуд аҳолиси ўз депутатлари – вакиллари орқали назорат ўрнатади. Сайловчилар маҳаллий ҳокимият органларининг ҳамда халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тузилган бошқа органларнинг ва депутатларнинг ҳисоботларини эшитиб борадилар.

Кўплаб фуқаролар маҳаллий ҳокимият органларининг иш фаолиятида бевосита депутат, фаол ва йиғилиш қатнашчиси сифатида иштирок этадилар, умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилинишининг муҳокамасида қатнашадилар, халқ депутатлари Кенгашлари иш фаолиятини яхшилаш тўғрисида таклифларини билдирадилар.

Шунингдек, Ўзбекистон фуқаролари Конституциянинг 9-моддасига мувофиқ, бевосита жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича қонунлар қабул қилинишида умумхалқ муҳокамаси ҳисобланган референдумларда қатнашадилар. Чунки, демократик жамиятда референдум халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситаси ҳисобланади.

Юқоридагилар асосида таъкидлаш жоизки, халқ ўз вакиллари орқали умумдавлат микёсидаги, худудлар доирасидаги масалаларни ҳал қилишда иштирок этади. Бу миллий давлатчиликдаги вакиллик органлари иштирокини белгиловчи муҳим омилдир.

Ўзбек давлатчилиги масаласига оид ва ҳозирги кунда тадқиқини кутаётган мавзулардан бири истиқлол йилларида давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларини шаклланиши ва такомиллаштирилиши жараёнларининг тажрибаси ва муаммоларини ўрганиш мустақиллик йилларида тарихчи олимлар олдида турган

---

[37] "Ўзбекистон Республикасида депутатларининг мақоми тўғрисида"ги Қонун // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 11-сон. – Т.: Адолат, 1996. – 56 б.

муҳим вазифалар ҳақида фикр юритган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган?”, “Қандай тарихий босқичларни босиб ўтган?”,- деган саволлар[38]ни ўртага қўйган экан, уларга илмий асосланган жавоб бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Шу боис ҳам тадқиқот мазмун-моҳиятини очишда, аввало, Ўзбекистоннинг миллий давлатчилик тажрибасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг шаклланиши билан боғлиқ тарихий тажрибага қисқача бўлса-да тўхташ мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, маҳаллий бошқарув тизимида, хусусан ҳокимият вакиллик органлари Ўзбекистонда азалий вужудга келган демократик тамойилларнинг тарихий кўриниши бўлиб, у миллий давлатчилик анъаналарида халқ билан маслаҳатлашиш, уни давлат ишларига жалб қилиш шаклида минг йиллар давомида мазмунан ва шаклан ўзгариб, ўзига хос тажрибага эга бўлиб борди. Хусусан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳокимиятнинг вакиллик органларини шакллантириш тўғрисида И.А.Каримов “... ана шу ҳокимиятни сайлаш ва шакллантиришда халқ хоҳиш-иродасининг эркин намоён бўлишини таъминлай олмасак, энг етук, юксак демократик тамойилларга жавоб берадиган сайлов тизимини марказда ҳам, жойларда ҳам жорий этмасак, билиб қўйинглар, буларнинг барчаси ҳеч нарсага арзимайдиган қуруқ гап бўлиб қолади”[39], деб таъкидлаган эди.

Тарихий жараёнлар кўрсатганидек, вакиллик органлари барча ривожланган давлатлар маҳаллий ҳокимият органлари тизимида етакчи ўрин эгаллайди. Чунки тўғридан-тўғри, умумий, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан сайланганлиги туфайли вакиллик органи аҳоли манфаатларини кўзлаб иш юритиш ва унинг номидан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Масалан, Ўзбекистон ҳудудида қадимдан муҳим қарорлар, масалалар халқ томонидан сайланган вакиллар Кенгаши билан маслаҳат қилган ҳолда қабул қилинган. Жаҳон амалиётидан маълумки, ҳар қандай давлат бошқаруви тузумида халқнинг ҳохиш-иродаси инобатга олинмаган тақдирда, ундай тузум инқирозга юз тутган. Масала ҳоҳ умуммамлакат, ҳоҳ у ёки бу ҳудуд доирасига алоқадор бўлсин, албатта, у маслаҳатлар асосида, халқ вакиллари билан келишилган

---

[38] Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. –138 б.

[39] Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. –225 б.

ҳолда ҳал қилинган. Бу борада халқнинг ўз вакиллари ёки оқсоқоллари орқали давлат ва жамият ишларида иштироки таъминланган ва бу азалдан Ўзбекистонда анъана тусини олган.

Бугун Ўзбекистонда юз бераётган демократик жараёнларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳақидаги тушунчаларни изоҳлаганда ва миллий давлатчиликка хос азалий қадриятлар ҳақида фикр юритганда, табиий равишда ўтмишга, бу борадаги азалий анъаналарга мурожаат қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Россия томонидан Туркистон забт этилгунга қадар минтақада бошқарув тизими ҳудуддаги аҳоли менталитети, турмуш тарзи ва анъаналарига асосланган ҳолда олиб борилган. Аммо Россия босқини натижасида ўлкадаги маҳаллий анъанавий бошқарув тизимидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар мустамлака тартибини мустаҳкамлаш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди. 1867 йилда қабул қилинган "Низом"га кўра, Туркистоннинг ўтроқ аҳолиси оқсоқол тизимида ва кўчманчи аҳоли эса волост ҳамда овуллар тизимига бўлинди. Натижада, бошқарув тизимининг қуйи бўғинида ўлканинг ерли аҳолиси вакиллари волост бошқарувчиси, овул оқсоқоли, мироб, элликбоши, ўнбоши ва бошқа лавозимларда фаолият юритган. Ерли аҳоли вакилларини сайлаш тизими волост миқёсида, қишлоқ аҳолиси иштирокида амалга оширилиши кўзда тутилган бўлса-да, амалда бу жараён назорат остида бўлиб, мустамлакачи маъмурият тасдиғи билан бевосита боғлиқ бўлган. Масалан, 1913 йил 3 октябрида Андижон уезд Навкент волости бошқарувчиси лавозимига 3 йил муддатга сайлаш учун съезд ўтказилган. Ҳар 50 хонадондан биттадан вакил ҳисобида 37 кишини сайлаш учун вакил қилинган ва улар бу жараёнда қатнашган[40]. Сайловда маҳаллий аҳоли вакили сайланганига қарамасдан, уни волост бошқарувчилари уезд бошлиғи ва вилоят ҳарбий губернатори томонидан тасдиқланиши керак эди. Масалан, шундай ҳолатлар бўлар эдики, аҳоли томонидан сайланган волост бошқарувчиси мустамлака маъмурият томонидан тасдиқланмай, "сайланган шахс ўз лавозимига тайинлашга нолойиқ" деб топиларди[41].

Миллий давлатчилик тарихий тажрибасида маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ўрни масаласига бағишланган тадқиқотда Туркистонда Россия империяси истилоси давридаги маҳаллий

---

[40] ЎзР МДА, И-19 фонд, 1-рўйхат, 9783-иш, 7,13,15-вараклар.
[41] ЎзР МДА, И-19 фонд, 1-рўйхат, 9783-иш, 30, 94-вараклар.

ҳокимият вакиллик органларини шакллантиришдаги ўзига хос тартибот атрофлича кўриб чиқилган. Жумладан, унда қуйидаги фикрлар таъкидлаб ўтилади: "Қўқон хонлиги тугатилгандан сўнг Фарғона вилоятининг туб жой аҳолиси Россия империясининг мустамлакачиликка асосланган маъмурий-ҳудудий бошқарув тизимига киритилади. Бунинг натижасида туб жой аҳолининг тарихий бошқарув қоидалари ўрнига империя ва унинг мустамлакаларига мос равишдаги тартиб-қоидалар жорий қилинади... Мустамлака ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг вилоят уездларга, уездлар волостларга, волостлар ўтроқ яшайдиган ҳудудларда қишлоқларга, кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудларда эса овулларга бўлинади. Баъзи бир лавозимларга жамоа томонидан сайлаш ва ёллаш йўли билан ишга олинган"[42].

Мазкур даврда "қишлоқ жамоаларида асосан, маҳаллий феодаллар бўлиб, уч йилга сайлов асосида ташкил топган волост бошқарувчиси поғонали сайлов йўли билан, 50 хонадондан сайланган бир киши миқдорида тузилган волост кенгашида сайланиб, ҳарбий губернатор томонидан, қишлоқ оқсоқоллари эса бир хонадондан биттадан сайланган вакиллар томонидан сайланиб, уезд бошлиғи томонидан тасдиқланган"[43].

Ушбу давр маҳаллий ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш ҳам ўзига хос хусусият касб этган. Хусусан, жойлардаги қишлоқ "оқсоқоли – жамоани бошқаришда масъул киши ҳисобланган. Оқсоқол ўз жамоаси номидан иш олиб борадиган вакили бўлган... Волост бошлиқлари ўзига тегишли волостдаги қишлоқ оқсоқоли, овул бошлиғи сайланадиган қишлоқ ва овул йиғинларида иштирок этиши керак бўлган. Волост бошлиқлари ўз фаолиятлари давомида сайловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, келгуси уч йилликка ҳам сайланиш учун ўз сайловчиларига ён босишга мажбур бўлганлар... Бу даврда туб ерлик аҳоли вакиллари иштирокида қуйидаги жамоат органлари фаолият олиб борган: волост йиғилиши, қишлоқ йиғини, фавқулодда йиғин, Оқсоқоллар Кенгаши, хусусий йиғин, алоҳида съездлар. Маҳаллий бошқарув тизимида "Оқсоқоллар Кенгаши" муҳим аҳамият касб этган. Оқсоқоллар Кенгашига қишлоқ жамоасини назорат қилиш вазифаси юкланган

---

[42] Тиллабоев С. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг маъмурий-ҳудудий бошқарув тизими ва унда маҳаллий аҳоли вакилларининг иштироки (Фарғона водийси мисолида). Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006. –72-74 б.
[43] Ўзбекистон миллий давлатчилик назариясининг ҳуқуқий асослари. (Бош муҳаррир Р. Рўзиев). Учинчи китоб. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2005. –10 б.

бўлиб, уларнинг таркиби қишлоқ йиғинида сайланган. Кенгаш низоларнинг олдини олувчи, жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи бўғин ҳисобланган”[44].

Туркистон генерал-губернаторлиги даврида волостлардаги ҳокимият тизими бошқарув ва сайлов қурултойидан иборат бўлган. Волост оқсоқоллигига сайловлар икки босқичда ўтказилган. Дастлаб қишлоқ йиғини тўпланган. Унда ҳар 50 хонадон соҳибидан бир киши сайланган. Кейин қишлоқ жамоасидан сайланганлар рус маъмуриятининг кузатувчилигида ўтадиган волость қурултойига йиғилганлар. Сайланганлар умумий миқдорининг 2/3 қисми қатнашмаса, волост йиғини ўтказилмаган ҳисобланган. Волост қурултойи волост оқсоқоли, халқ судьялари – қозилар, бийлар ва уларга номзодларни сайлаш; маъмуриятнинг қуйи лавозимдаги шахслари – ариқ-оқсоқоллар, мироблар, раислар, миршаблар ва бошқаларга маош белгилаш; аҳолини сув билан таъминлаш ва унинг сувдан фойдаланишини тартибга солиш; йўллар, кўприклар, турли хўжалик қурилишларининг аҳволини назорат қилиш мақсадларида ўтказилган[45].

Бу даврда Дума аъзолигига сайловларда иштирок этиш ҳуқуқидан кўчмас мулк (шаҳар фойдасига солиқ йиғиладиган вақфлар ҳам бунга кирган-диссертант) соҳиби бўлган, 25 ёшдан ошган, Россия фуқаролигига эга аҳолигина фойдаланган. Бу талабларга жавоб бермаган аҳолининг меҳнаткаш тоифаси сайловларга қўйилмаган. Тошкент Думаси аъзоларининг 1/3 қисми шаҳарнинг “Осиё қисми”дан, 2/3 қисми “руслар яшайдиган қисми”дан сайланган. Сайловчилар мулкий ҳолатига кўра табақаларга бўлинган. Ҳар бир табақа уни ташкил этган кишилар сони қанчалигидан қатъий назар бир хил миқдордаги аъзоларни – 24 кишини сайлаган[46]. Масалан, биринчи чақириқ Дума таркибига биринчи тоифали аъзо қилиб 24 киши сайланган. Уларнинг фақат 6 нафарини маҳаллий аҳоли вакиллари ташкил этган. Иккинчи тоифали аъзо қилиб – 8, учинчи тоифали аъзо қилиб – 7 нафар маҳаллий миллат кишилари сайланган. Шундай қилиб, 80 минг кишидан иборат бўлган маҳаллий аҳоли 21 номзодни сайлаш ҳуқуқига эга бўлганлари ҳолда, унча кўп бўлмаган, 1877 йилдаги маълумотларга кўра 3921

---

[44] Тиллабоев С. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг маъмурий-ҳудудий бошқарув тизими... –76, 79 - 82 б.
[45] ЎзР МДА, И-17 фонд, 1-рўйхат, 20308-иш, 57-варақ.
[46] ЎзР МДА, И-36 фонд, 1328-иш, 18-19 варақлар.

кишини ташкил этган рус аҳолиси Дума аъзолигига 48 номзодни сайлаган[47].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳокимиятнинг вакиллик органларини шаклланиши ва ривожланиши ўз навбатида мамлакат парламентининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихий эволюцияси билан узвий боғлиқ.

Маълумки, совет ҳокимиятининг ривожланиши 1917 йилдан бошланади. Айни пайтда Ўзбекистон ҳудудида давлат ҳокимияти вакиллик органларининг шаклланиши ва ривожланиши жараёни ҳам 1917 йилдан бошланган. Шу боис Ўзбекистонда совет даврида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнларини икки босқичга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир: биринчи босқич – 1917-1924 йиллар. Бу давр Ўзбекистонда миллий-давлат чегараланишини ўтказилиши билан якунланади; иккинчи босқич – 1924-1990 йиллар. Бу давр Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши арафасида ниҳоясига етади. Шуни таъкидлаш лозимки, биринчи босқичда Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР), Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) ва Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ташкил топган бўлса, иккинчи босқичда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР) ташкил топди. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини бундай даврлаштиришни бошқа тадқиқотчилар асарларида ҳам учратиш мумкин[48].

Маълумки, ўлкада маҳаллий аҳолини сиёсий жараёнларга жалб қилиш Россиядаги 1917 йил февраль инқилобидан сўнг бироз жонланди. Чунки февраль инқилоби (1917) нафақат Россиянинг марказий губернияларида, балки четка ўлкаларда ҳам меҳнаткаш аҳолининг сиёсий фаоллигини ошишига туртки берди. Жойларда ишчи ва солдат депутатлари кенгашининг тузилганлиги меҳнаткаш аҳолида ўз орзу-умидларини, хусусан тинчлик, ер-сув муносабатларида адолатли тақсимот, бошқарув тизимига ишчи-деҳқонларни жалб этишга умид уйғотди. Албатта, Ўзбекистон шароитида ишчи-солдат депутатлари кенгашининг ташкил топиши Россиянинг марказий органлари томонидан жорий этилган бўлишига қарамай, амалда жойларда маълум бир тузилмаларига эга бўлди.

---

[47] Қаранг: Бродский Л.К. К 35 летию Ташкентского общественного самоуправления. – Т., 1912. – С. 37.

[48] Султонов С.А. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари: вужудга келиши ва тараққиётининг асосий босқичлари (1917-1937 йиллар). Юридик. фан. доктор. ... дисс. – Т., 1995; Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

А.И.Лукьяновнинг фикрича, февраль инқилоби (1917) жараёнида пайдо бўлган ишчи ва солдат депутатлари Советлари меҳнаткаш омманинг сайлаб қўйиладиган органлари бўлиб, пролетариат ва деҳқонлар инқилобий-демократик диктатурасини ифодалар эди, улар дастлабки қадамларданоқ ҳокимият органлари сифатида ўзини намоён эта бошлади[49].

Ўзбекистонда биринчи ишчи депутатлари Совети Тошкентда тепловоз-вагон ремонти заводи ишчиларининг 1917 йил 2 мартдаги митингида тузилган эди. Кейинчалик советлар тузиш ҳаракати ўлканинг кўпгина ҳудудларига ёйилди. Андижон, Наманган, Қўқон, Скобелев (Фарғона) ва бошқа шаҳарлардаги темир йўл станцияларида ва посёлкаларда ишчи ва солдат депутатлари Советлари тузилди. Кейинчалик эса деҳқон депутатлари Советлари ҳам тузила бошланди[50].

Шу ўринда "Советлар ҳокимияти даврида турлича даражаларда тузилган, "халқнинг вакиллик органлари" деб бағоят мақталган Советлар дастлаб маҳаллий бошқарув органлари бўлган эди. Советларнинг марказий органлари ҳам халқнинг айрим вакиллари жалб этилган ҳолда фаолият кўрсатувчи бошқарув органлари эди"[51], - деган фикрга қўшилиш мумкин.

Умуман олганда, Туркистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва унинг вакиллик органларини ташкил топиши бўйича турли ёндашувлар мавжуд. Юқорида қайд этилганидек, айрим тадқиқотларда бунга 1917 йил 15-22 ноябрда бўлиб ўтган III ўлка съезди мисол қилиб келтирилса[52], бошқа бир тадиқиқотда Туркистон Мухториятига ишора қилинади. Юқоридаги тадқиқотда қайд этилишича, съезднинг маҳаллий ҳокимият органларини тузиш тўғрисидаги қарори асосида янгидан сайланган РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгаши 1917 йил 10 декабрда "Маҳаллий советларни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорни ишлаб чиқди ва тасдиқлади.

Бироқ советларнинг III ўлка съезди қарорига кўра, маҳаллий аҳоли давлат ҳокимияти органлари фаолиятидан атайин четлаштирилди. Масалан, Советларнинг III ўлка съездида 104 нафар делегатдан бор-йўғи учта делегат маҳаллий миллат вакиллари эди.

[49] Қаранг: Лукьянов А.И. Развитие законадательства о советских представительных органах власти: некоторые вопросы истории, теории и практики. – Москва: Юрид. лит. 1978. – С. 23 и 30.
[50] Аъзамхўжаев А.А. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва ривожланиши. – Т.: Фан, 1974. –253 б.
[51] Халилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. –26 б.
[52] Султонов С. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари: вужудга келиши ва тараққиётининг асосий босқичлари (1917-1937 йиллар). Юридик. фан. доктор. ... дисс. – Т., 1995. –67 б.

Советларнинг III ўлка съездида тузилган Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг таркибида битта ҳам маҳаллий миллат вакили йўқ эди[53]. Бу эса шўро ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати моҳиятини очиб берди"[54].

Туркистон шароитида биринчи миллий ҳукумат – Туркистон Мухторияти ташкил топиши ҳам ўзига хос демократик жараёнларни ўз ичига олган. Хусусан, Туркистон Мухториятини эълон қилган съезд 12 кишидан иборат Муваққат ҳукумат ташкил қилишга қарор қилади. Аммо, ҳукумат таркибига 8 киши сайланиб, қолган 4 киши – европалик аҳоли вакиллари ичидан номзод тариқасида кўрсатилиши керак эди. Айни пайтда Халқ Мажлиси таркибига сайланадиган 54 ўриндан 18 ўрин ўлкадаги турли европалик аҳоли ташкилотларининг вакиллари учун ажратилган. Бу ҳолат учдан бир ўрин ўлкадаги барча аҳолининг 7 фоизини ташкил этган европалик аҳоли вакилларига берилганлигидан далолат[55]. Аммо шунга қарамасдан, амалда байналмилал, маҳаллий бошқармалардан ҳам вакили бўлган Туркистон Мухторияти қонга ботирилди[56].

ТАССР ташкил топгунгача бўлган даврда шаклланган вакиллик органлари расман вакиллик ва қонунчилик ваколатларига эга бўлмаганлар. ТАССРда давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари вужудга келган дастлабки кунларданоқ ўз негизига кўра кенг меҳнаткашлар оммаси манфаатларини ифодаловчи синфий ташкилотлар эди. Лекин ўша вақтда давлат ҳокимиятининг кўпгина қишлоқ органлари ё бойлар қўлида, ёки уларнинг кучли таъсири остида бўлган эди. Бойлар бу даврда саводли кишилар жуда камлигидан фойдаланиб, давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига ўз ваколатларини тиқиштирардилар. Бу даврда советларнинг вилоят съезди ўз ҳудудида олий ҳокимиятни амалга оширарди. Вилоят советларининг ишида давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви уйғунлашар эди[57].

---

[53] Каранг: История советского государства и права Узбекистана. Т. 1. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1960. –С. 11.
[54] Ҳайдаров М.М. Ўзбекистонда мустабид давлат бошқарув тизимининг шаклланиши (1917-1941 йй) // Ўзбекистон давлатчилиги тараққиёт босқичлари. Илмий-назарий анжуман материаллари. –Тошкент, 2003. –49 б.
[55] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 53-54; Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Т.: "Маънавият", 2000. – Б. 129; Унинг ўзи История Туркестанской Автономии (Туркистон Мухторияти). – Т.: Тошкент Ислом университети, 2006. – С. 192-193.
[56] Кенгрок маълумот олиш учун каранг: Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Т.: "Маънавият", 2000; Унинг ўзи. История Туркестанской Автономии (Туркистон Мухторияти). – Т.: Тошкент Ислом университети, 2006.
[57] Султонов С. Ўзбекистон Республикаси давлат хокимияти органлари: вужудга келиши ва тараққиётининг асосий босқичлари. –75 б.

1918 йил бошларига келиб Туркистон ўлкаси ҳудудида, тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, 65 та Шўро, шу жумладан 25 та - ишчи депутатлар Шўролари, 18 та - солдат депутатлари Шўролари, 8 та - ишчи ва солдат депутатлари Шўролари, 7 та - деҳқон депутатлари Шўролари, 5 та мусулмон депутатлари Шўролари, 2 та - солдат ва офицер депутатлари Шўролари мавжуд эди[58].

Ушбу мисоллар шуни кўрсатмоқдаки, совет даври адабиётларида советларни "оммани ташкил этиш формаси" дейиш билан вакиллик хусусиятига инқилобий ҳокимият органлари сифатида юзага келди деб талқин қилинган.

Маълумки, 1918 йилнинг баҳорида маҳаллий советларни қайта сайлаш юзасидан кенг тадбир ўтказилди, бунинг натижасида советлардан, бир томондан, эсерлар ва меньшевикларнинг вакиллари сиқиб чиқарилди, уларнинг ўрнини большевик депутатлар ва сўл эсерлар эгалладилар, иккинчи томондан, советларга "меҳнаткаш қатламлар"дан бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари жалб қилинди. Советларни қайта сайлаш натижасида маҳаллий миллат вакиллари Андижон кенгаши аъзолари орасида 50 фоизни, Наманган кенгаши аъзолари орасида 40 фоизни, Ўш кенгаши аъзолари орасида 30 фоизни ташкил этди ва ҳоказо. Фақат Тошкент кенгаши таркибида ўзбек "пролетариати"нинг 100 дан ортиқ вакили бор эди[59]. Шу муносабат билан П.А.Кобозев 1918 йил 16 апрелда РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашига йўллаган телеграммасида қуйидагиларни маълум қилди: "Тошкент пролетар парламенти сафларида оқ мусулмон саллалари сезиларли равишда кўпайиб қолди, унинг таркибидаги аъзоларнинг учдан бир қисмига етди"[60]. Советлар таркибида маҳаллий миллатлар депутатлари сони 1918 йил баҳоридаги қайта сайловлар натижасида қисман кўпайганлигини эътироф этган ҳолда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайланган депутатларнинг умумий сонига нисбатан маҳаллий миллатлар депутатлари сони ҳамон советларда мутлақо озчиликни ташкил этаётган эди. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, сайланган депутатлар бутун маҳаллий аҳолининг манфаатларинигина эмас, балки фақат унинг "пролетар" қисмининг манфаатларини ифодалар эди. Маҳаллий аҳоли орасида эса "пролетар" қатлам мутлақо озчиликни ташкил қилар эди. Шаҳарларда ишчи ва солдат

---

[58] Непомнин В.Я. Очерки истории социалистического строительства в Узбекистане (1917-1937 гг). – Т.: Изд-во. АН УзССР, 1957. – С. 52.

[59] Иноятов Х.Ш. Октябрская революция в Узбекистане. – Москва: Политиздат, 1958. – С. 300.

[60] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 78-йиғма жилд, 5-варақ

депутатлари Советларини қайта сайлаш билан бир қаторда Советлар Туркистон қишлоқлари ва овулларида ҳам кенг тарқала бошлади. 1918 йилнинг баҳорида Самарқанд, Қўқон, Андижон, Наманган, Скобелев ва бошқа бир қатор уездларнинг кўпгина ҳудудларида қишлоқ кенгашлари ташкил этилди[61].

1918 йил 20 апрелда Тошкентда очилган Советларнинг V ўлка съездида 263 делегат, шу жумладан, маҳаллий миллатлардан 50 делегат иштирок этди, бу эса делегатларнинг бор-йўғи 20 фоиздан камроғини ташкил этарди. Кўриниб турибдики, маҳаллий миллат вакиллари съездда мутлақо озчиликни ташкил қилган. Съездда қабул қилинган "Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси ҳақидаги Низом"да ишчи, солдат, деҳқон депутатлари Советлари съезди Туркистон Республикасининг олий қонун чиқарувчи органи деб эълон қилинди[62].

Бироқ мазкур даврда советлар фаолияти давлат ҳокимиятининг бошқа тармоғига қарам эди. Уларнинг фаолияти Туркистон ХКС томонидан бошқариб туриларди. Хусусан, 1918 йил 9 сентябрда Туркистон ХКС мусулмон депутатлари Советларини туман Советларига айлантириш тўғрисида махсус буйруқ чиқаради. Ушбу буйруққа асосан, мусулмон депутатлари Советлари туман Совдепларига – "Райсовдепларга", уларнинг ижроқўмлари эса – Райижроқўмларга айлантирилади[63].

Ҳокимият тепасига келган большевиклар, мумкин қадар, жойларда ўз таъсир доирасини кенгайтириш учун қишлоқ ва овулларни "советлаштириш" аҳамиятини кучайтирди. Айниқса, бу жараёнга XX аср 20-йиллари бошларидан катта аҳамият бера бошланди. Хусусан, советларнинг маҳаллий кенгашларига сайлов ўтказиш кенг авж олдирилиб, большевиклар ўз тасарруфидаги тарғибот ва ташвиқот кучларини кенг жалб этиб, жойлардаги маҳаллий кенгашларда ўз позициясини мустаҳкамлаш тараддудига тушди. Аммо ҳар қандай коммунистик ташвиқотларга қарамай, "маҳаллий аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг аксарият қисми советларга сайловларни очиқдан-очиқ рад қилдилар. Сайлов компаниясини "лозим даражада" йўлга қўйиш учун кўп жойларда қўшимча сайловлар ўтказилди, улар жараёнида "душман унсурлар" маъмурий воситалар билан "бетарафлаштирилди": "феодал-

---

[61] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 78-йиғма жилд, 51-52 вараклар.

[62] Наша газета. 1918. 5 мая.

[63] Қаранг: Хакимов М.Х. Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. – Т.: Узбекистан, 1964. – С. 107.

бойлардан иборат юқори табақа" вакиллари сургун қилинди, камбағал қатламларни қўрқитиш ишлари амалга оширилди"[64].

1920 йил 27-30 апрелда Бутунхоразм халқ вакилларининг 1-қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой қабул қилган Муваққат Конституциянинг 5-моддасида "... мамлакатни барча Хоразм халқи ўз вакиллари орқали билвосита бошқаради" деб қайд этиш билан бирга, олий орган йилда бир марта чақириладиган қурултой бўлиб, у мамлакатни бошқарувчи Халқ Нозирлар Советини сайлайди. Конституцияда маҳаллий ҳокимият органлари район советлари (шўро) сони 22 тани ташкил этади. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи диний эътиқоди, миллати, жинсидан қатъий назар республиканинг 18 ёшга тўлган ҳамма фуқаросига берилган. Айни пайтда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан хон ва унинг оиласи, катта ер эгалари, йирик руҳонийлар ҳамда мазкур Конституцияга қарши чиқувчилар маҳрум қилинган. Муваққат Конституция моҳиятига кўра, халқ-демократик руҳда бўлишига қарамай, айни пайтда РСФСРдаги ҳокимият бошқарув тизими – советлар ҳамда унинг тузилиш тизимини маълум даражада ўзида акс эттирган эди[65].

Хоразмда маҳаллий советларнинг 14 таси ўзбеклар истиқомат қиладиган туманларга, 5 таси туркманлар, 3 таси қозоқлар ва қорақалпоқлар яшайдиган туманларга тўғри келарди. Айни пайтда ҳар бир туманнинг мачиткўми (маҳалласи)да 6 ой муддатга оқсоқоллар сайланиб, улар ўз сайловчиларига ойда бир марта ҳисобот бериб турган. Янги сайланган оқсоқолларни, давр руҳига мослаб, "қизил оқсоқоллар" деб юритилган ва улар 1920 йил май ойида 430 нафардан иборат бўлган. "Қизил оқсоқоллар"ни ташкил этиш тартиби шаҳарда мачиткўмларга қараб ёки маълум бир ҳудуддан келиб чиқиб сайланса, туркманлар, қозоқлар ва қорақалпоқлар яшайдиган овулларда уруғ-қабилачилик одатларига қараб сайланган[66].

1920 йил 6 октябрида Умумбухоро халқ вакилларининг 1-қурултойида Бухоро инқилобий давлат тизими масаласи муҳокама қилиниб, унда давлатнинг сиёсий тузилиши кўриб чиқилади. Қабул қилинган қарорга кўра, марказда ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларида "ватанга муносиб ва фойдали фарзандлар"гина қатнашиши мумкинлиги қайд этилади. Яна шуни таъкидлаш жоизки,

---

[64] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. – Т.: Шарқ, 2000. –163 б.
[65] Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Т.: Шарк, 2000. – С. 306-307.
[66] Кўшжонов О , Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. – Т.: "ABU MATBUOT-KONSALT" МЧЖ, 2007. –323-324 б.

жойлардаги 27 та маҳаллий давлат ҳокимияти дастлаб инқилобий қўмиталар шаклида вужудга келди. Инқилобий қўмиталар тегишли маъмурий ҳудудларда ҳокимиятнинг олий органи сифатида белгиланди[67].

Ҳар бир қишлоқ ҳудудида маҳаллий давлат ҳокимиятининг эгаси ўша қишлоқ сайловчиларининг умумий йиғилиши эди. Сайловчиларнинг умумий йиғилиши ойда бир марта белгиланган кун ва соатда йиғиларди, бошқа ҳолларда эса йиғилиш оқсоқолнинг ҳохишига кўра ҳам, мазкур қишлоқ сайловчиларининг камида учдан бирининг талабига кўра ҳам муддатдан илгари чақирилиш мумкин эди. Халқ депутатларининг кент (шаҳар) Советлари БХСР маҳаллий органлари тизимидаги асосий бўғин эди. Кент ҳудудидаги олий давлат ҳокимияти халқ депутатлари кент Советига қарашли бўлиб, уни шу кент таркибига кирувчи қишлоқлар сайловчиларининг умумий йиғилиши 50 сайловчидан 1 депутат, лекин ҳар бир қишлоқдан камида 1 ва кўпи билан 5 кишидан ташкил топарди. Халқ депутатлари кент Советларининг ваколатига молия-хўжалик, маданий-маиший ва ўз ҳудудининг бошқа масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этиш кирарди[68].

БХСРда давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларини вужудга келиши ниҳоятда оғир шароитларда кечди. Аҳолининг ялпи саводсизлиги ва сиёсий жиҳатдан ўта қолоқлиги меҳнаткашлар оиласини уюштириш ва уларни давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари фаолиятига жалб қилишда катта қийинчиликлар туғдирарди.

БХСР ва ХХСР давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари республикаларнинг бутун катта ёшли аҳолисини бирлаштирган кенг қамровли сиёсий органлар бўлиб, аҳолининг турли қатламларини ўз ичига олар эди, кенг меҳнаткашлар оммасини республикани бошқаришга жалб этишнинг ташкилий негизига айланган эди, амир ва хоннинг мустабид диктатурасига қарши олиб борилган кўп йиллик кураш натижасида яратилган илғор кучлар иттифоқини ташкилий жиҳатдан мужассамлаштиради.

Маълумки, Ўрта Осиё республикаларида миллий-давлат чегараланиши ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР ташкил этилди. 1924 йил 18 ноябрда Туркистон, Бухоро ва Хоразм

---

[67] Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости... – С. 328-329.
[68] Султонов С. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари... –161 б.

МИКнинг сессиялари ўз фаолиятларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий районлаштириш натижасида 1926 йилга келиб, 4 бўғинли маъмурий бўлинишдан (вилоят, уезд, волость, қишлоқ) 3 бўғинли маъмурий бўлинишга (округ, район, қишлоқ) ўтди. Жумладан, "1926 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Советлари Марказий Ижроия Қўмитасининг V сессияси республикани маъмурий-ҳудудий районлаштиришнинг Марказий комиссия томонидан тақдим этилган лойиҳасини кўриб чиқиб, қабул қилинган қарорда Ўзбекистон таркибида 10 та округ, 88 та район, 1749 та қишлоқ Советини таъсис этди"[69].

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари тизими 1925-1937 йилларда тамоман янги, ўзбек халқи тарихида илгари кўрилмаган тизим эди. Бу органлар меҳнаткашлар кенг оммасининг ҳақиқий ҳокимиятини таъминлар эдилар[70].

Ўзбекистоннинг бу даврдаги давлат ҳокимияти органлари ишчилар, деҳқонлар – барча меҳнаткашларнинг иродаси ва манфаатларини ифодаловчи синфий муассасалар эди. Улар ўзининг ижтимоий-миллий таркибига кўра вакиллик органлари эди. Бироқ, тарихий тажриба кўрсатганидек, собиқ Иттифоқ даврида мавжуд бўлган вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ, посёлка ва овул советлари маҳаллий бошқарувда жиддий ўрин тутмаган, советлар ўша даврда фақат ҳукмрон партия қарорларини ҳаётга тадбиқ этилишини ташкил этувчи органга айланиб қолган эди.

Маълумки, 1963 йил март ойида Ўзбекистонда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар бўлиб ўтди. "Ўзбекистон ССР Конституциясининг 133-моддасига биноан меҳнаткашлар депутатларининг область, округ, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул советларига депутатлар сайловчилар томонидан умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши белгиланди. Сайловларда Тошкент, Самарқанд, Бухоро областларида 15000 аҳолига бир округ, Фарғона областида 25000 аҳолига бир округ, Хоразм ва Сурхондарё областида 6000 аҳолига бир округ бириктирилди"[71]. Сайловларда советлар таркибига сайланган 70288 депутатдан 16518 киши ишчи,

[69] Аъзамхўжаев А.А. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва ривожланиши... –143 б.
[70] Султонов С. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари... –249 б.
[71] ЎзССР қонунлари, Олий Совет президиуми фармонлари ва ҳукумат қарорлари йиғиндиси. 1-том. – Т.: ЎзССР Министрлар Совети мудирлиги нашри, 1947. –50 б.

29654 киши колхозчи деҳқондир. Маҳаллий советларга ўтказилган сайловларда сайловчиларнинг 99,9 фоизи овоз беришда иштирок этди[72]. Бироқ 1977 йилги Иттифоқ Конституцияси қабул қилиниши билан маҳаллий советлар ваколати юқори марказий совет органларига бўйсуниши муносабати билан янада чекланади.

"1977 йилги Конституция олий вакиллик органига жуда катта ваколатлар берган. Унга кўра, Олий Совет ўзига ҳисоб берадиган давлат органларининг ваколатларига кирадиган масалаларни кўриб чиқиб ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган. Шу муносабат билан маҳаллий советларнинг фаолияти ҳам чекланиб, марказнинг яккаҳокимлиги кучайди"[73]. Натижада мустамлакачилик сиёсати янада авж олди.

Шундай қилиб, мавзуга дахлдор тарихий манбалар ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, биринчидан, Ўзбекистонда миллий давлатчиликни шакллантиришнинг тарихий тажрибалари узоқ ўтмиш билан боғлиқ бўлиб, улар тарихий ривожланишда ўзига хос турлича босқичларни босиб ўтган, иккинчидан, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари давлат бошқарувида доимий равишда ҳар бир тарихий босқичда муҳим ўрин тутиб келган.

## 1.2. Ўзбекистон мустақилликка эришиши арафасида халқ депутатлари маҳаллий Советлари фаолияти: муаммо ва нуқсонлар

Ўзбекистонда миллий давлатчиликни тиклаш ва ривожлантиришнинг тарихий тажрибаси масаласини бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, табиий равишда мамлакатнинг мустақилликка эришиши арафасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятидаги бирёқламалилик муаммосини алоҳида ўрганишни тақозо қилади. . Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг "... ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй берганини баҳолаш учун бизга собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қандай тарихий мерос қолганини яна бир карра эслашимиз зарур"[74], деб берган кўрсатмалари маҳаллий давлат

---

[72] Тешабоев М. Маҳаллий Совет сайловларига тайёргарлик ва уни ўтказиш тартиби. – Т.: Ўзбекистон, 1965. –4-5 б.
[73] Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. – Т.: Ўзбекистон, 1994. –23 б.
[74] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биринчи чақириқ Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги 1999 йил 14 апрелдаги маъруза. – Т.: Ўзбекистон, 1999. –5 б.

ҳокимияти вакиллик органларининг тарихида мавжуд бўлган муаммо ва нуқсонларни аниқлаш имкониятини беради.

Маълумки, мустабид тузум даврида давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ҳисобланган юқоридан қуйигача тузилган Советлар дастлаб халқнинг маҳаллий бошқарув органлари сифатида ташкил қилинган бўлса-да, аслида бу органлар халқнинг айрим тоифалари вакиллари жалб этилган ҳолда фаолият кўрсатувчи қуйи бошқарув органлари эди холос.

Дарҳақиқат, совет ҳокимияти йилларида қабул қилинган Конституция ва қонунларда халқ ҳокимиятчилиги эътироф этилган бўлсада, амалда жойлардаги вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ва посёлка советлари ўз фаолиятларини коммунистик партия кўрсатмалари, қарорларига биноан ташкил қилганлар. Советларга номуқобиллик асосида ўтказилган сайловлар гарчи "социалистик демократия тантанаси" деб айтилсада, давлат ва жамият ҳаётида ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган.

Бу борада бир мисолга эътибор қаратиш лозим. Масалан, 1980 йил 12 ноябрда ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси "Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область совети тўғрисида"ги қонунни муҳокама қилди.

Ўзбекистонда шундай махсус қонунни қабул қилишни тақозо қилган тарихий омиллар нима эди? Бунинг боиси шунда эдики, XX асрнинг 70-80 йилларида гарчи собиқ Иттифоқ миқёсида турли қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, давлат қурилишида советлар, жумладан, маҳаллий советлар партия қарорлари асосида фаолият юритувчи органга айланиб қолган эди. 1978 йили Ўзбекистон Конституцияси қабул қилингандан сўнг, расман бўлсада, давлат қурилиши соҳасида советлар ишига эътибор кучайгандай бўлди. Жумладан, 1980 йил июнь ойида СССР Олий Советининг учинчи сессиясида "Ўлка, область ва округ советларининг асосий ваколатлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди, у маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолиятини жонлантиришга қаратилган эди. Шунга мувофиқ тарзда Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессияси кун тартибига қўйилган "Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область совети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокамадан сўнг қабул қилинди. Қонун 3 боб, 61 моддадан иборат бўлиб, ҳар бир боб ва модда алоҳида масалаларни ўз ичига олувчи

меъёрларни кўзда тутган[75]. Хусусан, мазкур қонуннинг биринчи бобида область советини сайлашнинг конституцион принциплари ва фаолиятининг асосий қоидалари баён этилган. Қонуннинг иккинчи боби область советларининг давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг турли тармоқлари ва йўналишларидаги асосий ваколатларига бағишланган. Учинчи бобдан эса область советининг иш услуби, формалари ва методлари ўрин олган. Умуман, қонуннинг барча моддалари партия кўрсатмаларига мослаштирилган. Буни сессияда маъруза қилган Ўзбекистон КП МКнинг ташкилий бўлим мудири – Г.Орловнинг қуйидаги хулосаси ҳам кўрсатмоқда: "Хуллас, ана шу боб (учинчи боб – диссертант)нинг моддаларида партиямизнинг советлар ва улар органларининг меҳнаткашлар оммаси билан узвий алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги, гражданларнинг талаб-эҳтиёжлари ва фикрларига сезгирлик ва диққат-эътибор билан қараш тўғрисидаги, уларнинг сиёсий ва ижодий активлигини ошириш ҳақидаги талаблари ўзининг яққол ифодасини топган. Буларнинг ҳаммаси советнинг чинакам халқ ҳокимияти органи бўлишига қаратилгандир"[76].

Шунингдек, сессияда сўзга чиққан Андижон область ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаган депутат Жўра Ҳасанов ҳам шундай фикр билдиради: "Халқ депутатлари область Совети тўғрисида"ги қонун лойиҳасини диққат билан ўрганиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлаймизки, бу лойиҳа партиянинг давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишга қаратилган йўлини тўла ифода этади[77].

Яна шуни қайд қилиш ўринлики, 1980 йил бошларида маҳаллий советлар фаолиятида яна бир янгилик жорий этилди. Бир ярим миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган областларда кундалик вазифаларни зудлик билан (оператив) ҳал этиш учун республика Олий Совети Президиумининг ижозати билан ижроия комитетларининг раиси, раиснинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва ижроия қўмитаси секретаридан иборат таркибда ижроия комитетларининг президиумларини тузиш амалиёти жорий этилди. Бундай президиумлар Тошкент, Самарқанд ва Фарғона областларида тузилди[78].

---

[75] Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси стенографик ҳисоботи. –Т.: ЎзССР Олий Совети нашри, 1981. – 114 б.
[76] Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси стенографик ҳисоботи... – 117 б.
[77] Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси стенографик ҳисоботи. –Т.: ЎзССР Олий Совети нашри. 1981. – 118 б.
[78] Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси стенографик ҳисоботи... – 117 б.

Кўриб чиқилаётган даврда советлар фаолиятининг яхшиланишига ва уларнинг фаоллигини ошишига доимий комиссиялар катта таъсир кўрсата бошлади, уларнинг фаолияти тобора янгидан-янги тажриба билан доимо такомиллашиб ва бойиб бора бошлади. Масалан, 1980 йилги сайловлар натижаларига кўра, республика маҳаллий советларида 13 мингдан ортиқ доимий комиссия тузилиб, уларга 87 минг нафар депутат сайланган[79]. Шунинг учун ҳам таҳлил қилинаётган "Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область совети тўғрисида"ги қонунда доимий комиссияларга бағишланган махсус бўлим бўлиб, унда бу комиссиялар ишининг асосий принциплари, форма ва усуллари таърифлаб берилган.

Ва ниҳоят, ушбу қонун билан халқ депутатлари область совети республикада маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, "Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область совети тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасида "СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, халқ депутатлари область совети областда давлат ҳокимияти органидир. Халқ депутатлари область совети маҳаллий аҳамиятга молик ҳамма масалаларни умумдавлат манфаатларига ва шу совет территориясида истиқомат қилувчи гражданларнинг манфаатларига асосланиб ҳал этади, юқори давлат органларининг қарорларини амалга оширади, халқ депутатлари қуйи советларининг фаолиятига раҳбарлик қилади, республика ва умумиттифоқ аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашади, шу масалалар юзасидан ўз таклифларини киритади"[80], - деган меъёр белгилаб қўйилади.

Умуман, ушбу таҳлилдан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, совет тузуми даврида, хусусан XX асрнинг 80-йилларида Марказнинг маъмурий-буйруқбозлик сиёсати, партиянинг яккаҳокимлиги кишиларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига нисбатан ишончсизлигини туғдирар, сайловлар натижасида вужудга келган вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари эса ҳукмрон партия раҳбариятининг ижтимоий ҳаётнинг демократик асослари мавжудлигини кўрсатиш учун номигагина тўқилган гап эди. Бундан ташқари вакиллик органларида тузилган турли жамоатчилик комиссиялари, депутатлар гуруҳлари, шаҳар, қишлоқ, овул, посёлка советлари фаолияти ўз даврига мос тарзда "Марказ"дан берилган

[79] Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси стенографик ҳисоботи... – 117 б.
[80] Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси стенографик ҳисоботи...– 156 б.

кўрсатма ва йўл-йўриқлар асосида ташкил қилинарди. Ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам ҳукмрон партия назорати остида бўлиб, улар мустақил фаолият кўрсата олмасди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон мустақилликка эришгунига қадар тарихий далил ва мисоллар исботлаганидек, коммунистик партия ҳукмронлиги меҳнаткашларнинг вакиллик органлари ҳисобланган советларнинг қонунларда кўрсатилган даражада фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилар эди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, кўриб чиқилаётган даврда маъмурий-буйруқбозлик сиёсатининг амалга оширилиши кўп ҳолларда советларни маҳаллий давлат ҳаётига тааллуқли масалаларни ҳал қилишдан четлаштирар эди. Масалалар асосан аввал партия органларида ёки марказларда кўрилиб, кейингина советларнинг қарорлари билан расмийлаштирилар эди. Шу боисдан ҳам амалда советлар партия органлари ҳамда марказий органлар қабул қилган қарорлар ва кўрсатмаларни расмийлаштирувчи органига айланиб қолган эди.

Шундай қилиб, бу даврда компартия ҳукмронлиги ниҳоятда кучайиб кетганлиги боис, барча тадбирлар партия розилигисиз амалга оширилмас эди. Ўз навбатида Советлар ҳам ўз фаолиятларида партиянинг аралашувисиз ҳеч нарсани ҳал қила олишмас эди.

Компартия органларини Советларнинг ишига, уларнинг вазифа ва функцияларни амалга оширишга аралашуви, айрим вазифаларни бевосита ўзи бажариши оқибатида Советлар мавқеининг пасайиб кетишига, уларга нисбатан ишончсизликни вужудга келишига сабаб бўлар эди.

Шубҳасиз юқоридагилар мустақиллик арафасида Ўзбекистонда замонавий маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришни тарихий зарурият қилиб қўйган биринчи муаммо эди.

Иккинчидан, мустақилликка эришиш арафасидаги замонавий вакиллик органларини шакллантиришда яна бир муаммо яққол кўзга ташланар эди. Яъни бутун мустабид тузумда бўлганидек, бу вақтда ҳам жойларда турли даражадаги советларга ўтказиладиган сайловлар ҳам номигагина бўлиб, сайловчиларнинг танлаш ҳуқуқи мутлақо камситилар, улар фақат депутат бўлиши аввалдан белгилаб қўйилган муайян шахсга овоз беришда қатнашар эди, холос. Шунинг учун сайловларга қизиқиш сўниб борди, ахборот воситаларида эса сайловлар кўтаринки руҳда ўтганлиги, унда депутат мутлақ кўпчилик овоз олиб сайланганлиги катта воқеа сифатида эълон қилинар эди.

Сайловларда эса номзодларнинг биттадан ошмаслиги, унинг ҳам юқоридан белгиланиши сайловчиларнинг камайиб кетишига сабаб бўлар эди. Бу эса бир шахснинг ўнлаб, ҳатто юзлаб кишиларнинг ўрнига ҳам овоз беришлари, қолган бюллетенлар эса сайлов комиссияси аъзолари томонидан "ёппасига ташланиши" ҳолатларининг келиб чиқишига олиб келди. Муқобиликка асосланмаган бундай сайловлар охир-оқибатда у ёки бу лавозим эгаси бўлган, мавжуд тузум "чизиғидан чиқа олмайдиган", мустақил фикр-зикрига эга бўлмаган, ўзининг аниқ дастури ҳамда мақсади йўқ бўлган, сиёсий билими саёз кишилардан депутатлар қаторидан ўрин олишига олиб келди.

Совет ҳокимияти йилларида сайланган депутатлар амалда юқори ташкилотлар томонидан тайинланган бўларди. Хусусан, собиқ СССР даврида депутатлик "партия шаблонига тушган ва бу борада хизмат вазифаси, касби, жинси партия сиёсати ва мафкураси манфаатлари нуқтаи назаридан эътиборга олинган шахсларга насиб этган. Уларга кўпинча "халқ хизматкори" деган иборалар ҳам қўшиб ишлатилар эди. Ҳатто, иш фаолияти тўла рус тилида олиб борилган собиқ СССР Олий Советига рус тилини умуман билмайдиган, қонун билан ишлаш кўникмасидан мутлақо йироқ депутатлар ҳам сайланган... Албатта, бундай тадбирдан кўзда тутилган мақсад депутатнинг Олий Советнинг партия сиёсий бюроси чизиғидан чиқмаслигига эришиш бўлганлигига ҳеч бир шубҳа йўқ. Қолаверса, бу Иттифоқда ҳамма миллат, жинс вакиллари тенг ҳуқуқлидир, деган сохта тамойилни кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас эди"[81].

Совет тузуми даврида, адолат билан айтганда, халқ бир қатор ҳуқуқлардан манфаатдор бўлган, аммо бу ҳуқуқлар амалда қоғоздагина бўлиб, инсонни инсон қаторига қўшишдан кўра, инсонийликдан чиқаришга, уни таҳқирлашга хизмат қилган. Хусусан, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи "кўзга кўринмас режиссёрлар" ишораси билан амалга оширилган, бу эса инсонни таҳқирловчи томошанинг ўзгинаси бўлган[82].

Шу ўринда юқоридаги фикрлар исботи учун қуйидаги таққослашни келтириш жоиз. Масалан, совет давридаги сайлов жараёни шундай эдики, унда Иттифоқ, республика, вилоят, шаҳар ва туман даражасида ҳокимиятнинг вакиллик органларига икки тамойил асосида депутатлар сайланар эди: биринчиси, номзодларни синфий

---

[81] Файзуллаев Т. Бизга қандай депутат керак? // Халқ сўзи, 2004. 30 ноябрь.
[82] Ризо Б. Озодликнинг олис йўллари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – 32 б.

тамойил асосида ишчилар, колхозчилар, зиёлилар партия ва совет ходимларидан иборат тарзда танланар эди. Иккинчиси, эгаллаб турган лавозимига кўра вакиллик органларига сайланадиган депутатлар ҳам бўлар эди. Масалан, Марказий идоралар раҳбарлари, юқори партия органлари котиблари, бўлим мудирлари, шунга мос тарзда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардаги тегишли партия қўмитаси котиблари, бўлим мудирлари, вилоят бошқармалари раҳбарлари вазифасига кўра ҳар бир ҳудуд вакиллик органларига муқобил номзодларсиз депутат бўлар эди. Ва ниҳоят, ўша давр сайловларида бўлажак депутатлар корпусининг таркиби, аввало, юқори партия органларида кўриб чиқилгандан сўнггина, номигагина муқобил номзодларсиз сайловлар ўтказилар эди.

Кўриниб турибдики, "советлар даврида ижроия ҳокимият вакиллик ҳокимияти билан қўшилиб кетганди. Советларга бошқа депутатлар ҳам – оддий ишчилар, деҳқонлар, қурувчилар, сут соғувчилар, чўпонлар ҳамда маориф, фан, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаси вакиллари ҳам сайланарди. Аммо уларнинг вакиллик ҳокимиятидаги иштироки ҳар йили 2-3 марта сессиялар ва доимий комиссиялар йиғилишида қатнашиб, қўл кўтариб овоз бериш билан чекланар, советларнинг ишини тўлиқ партия ташкилоти ва ижроқўм бошқарарди"[83].

Шунингдек, "депутатликка номзод қилиб, партия ишига содиқ бўлган ишлаб чиқариш илғорлари, ишда ҳам, жамоатчилик ўртасида ҳам яхши хислатлари ва меҳнат фаолияти билан танилган кишилар кўрсатилар"[84] эди.

Умуман, халқ депутатлари маҳаллий советларида бўладими ёки республика ва Иттифоқ Олий Советлари сессияларида бўладими, уларда кўриб муҳокама қилинадиган масалалар, аввало, партия ташкилотларининг юқори раҳбар органларида кўриб, муҳокама қилиниб, маъқуллангандан сўнггина тегишли советларнинг сессияларда кўриб чиқишга тавсия қилинар эди. Чунки сайлов жараёнларига бундай яккахон ҳукмрон партиянинг раҳбарлик қилишига собиқ Иттифоқ Конституциясида белгиланишига кўра, коммунистик партия жамиятнинг раҳбари ва йўналтирувчи кучи, унинг сиёсий негизи деб алоҳида қайд этилган эди.

---

[83] Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Т.: Маънавият, 2011. – 100 б.
[84] Тешабоев М. Маҳаллий Совет сайловларига тайёргарлик ва уни ўтказиш тартиби. – Т.: Ўзбекистон, 1965. – 18 б.

Учинчидан, яна шуни таъкидлаш керакки, 90-йиллардаги замонавий маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришдаги яна бир муаммо, айтиш мумкинки нуқсон бу – Советлар фаолиятига раҳбарлик қилиш тўла-тўкис партия қўлига ўтди. Аниқроғи, 80-йиллар охиридан Советларни партия органларига қўшиш жараёни бошланди. Хусусан, партиянинг XIX конференцияси кўрсатмаларига асосан, область, шаҳар, район партия комитетлари биринчи секретарлари айни бир пайтда маҳаллий Советларнинг раислари ҳам этиб сайландилар. Масалан, 1990 йил 10 март куни халқ депутатлари Наманган область советининг ташкилий сессияси бўлиб ўтди. Сессия совет раиси номзодини тасдиқлаш масаласига бағишланади. Сессияда сўз олган 28-Ўзбекистон сайлов округидан депутат Т.Ж.Жўраев шундай дейди: “Бугун биз масъулиятли масалани ҳал қилишимиз даркор, бу ҳам бўлса ҳозиргача советлар тажрибасида кўрилмаган, халқ депутатлари область совети раислигига номзод кўрсатиш, ёпиқ-яширин овоз бериш йўли билан бу лавозимга лойиқ кишини сайлашимиз лозим. Бундай шароитда советларга партиянинг ёрдами зарур. Советлар обрўйини партия обрўси билан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Партия ходими совет раислигига сайланса советларга раҳбарлик эскича “ташқаридан” эмас, балки ичкаридан, яъни советнинг ўз ичидан амалга оширилади. Яна бир фикр. Ҳозирги кунда областни бошқарувига яна бир раҳбар қўшилиши, менимча, мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун, депутат-коммунистлар номидан область совети раислигига 170-Кўшан сайлов округидан депутат, область партия комитетининг биринчи секретари ўрток Алламурадов Бўри Алламурадовични сайлашни таклиф қиламан”[85].

Ўз навбатида Т.Ж.Жўраев таклифи бошқа депутатлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб, Наманган вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаётган Б.Алламурадов совет раиси этиб сайланиб, совет раисининг ўринбосари эса бевосита советлар иши билан шуғулланадиган бўлди. Худди шу тартиб ўз навбатида республиканинг барча ҳудудларида ҳам амалга оширилди.

Юқорида баён қилинганларга асосан мустабид тузум шароитида, хусусан 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошига келганда ҳаётнинг ўзи замонавий маҳаллий давлат ҳокимияти

[85] Наманган вилоят давлат архиви, 275-фонд, 2-рўйхат, 828-йиғма жилд, №1/21 ҳужжат, 3-4 вараклар.

вакиллик органларини шакллантиришни тарихий зарурият қилиб қўйган эди.

Шундай қилиб, таҳлил қилинган мавжуд факт ва далиллар асосида айтиш мумкинки, мамлакатда мустабид тузум шароитида дастлаб ишчи-солдат ва матрослар, кейинчалик деҳқонлар Совети номи билан юзага келган вакиллик органлари аввал меҳнаткашлар депутатлари Советлари, кейинчалик эса халқ депутатлари Советлари деб аталиб, улар ҳамма вақт ҳам жамиятнинг сиёсий негизи деб эътироф этиб келинган бўлсада, амалда областлар, районлар, шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар, овулларда халқнинг давлат ҳокимиятидаги ҳақиқий демократик органи даражасида фаолият кўрсата олмади. Бу ўз навбатида маҳаллий давлат ҳокимиятининг замонавий вакиллик органларини шакллантиришни тақозо қилар эди.

Гап 90-йилларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини ташкил қилишнинг тарихий тажрибаси ҳақида кетганда, албатта, 1990 йил 20 июнда И.А.Каримов ташаббуси билан “Мустақиллик Декларацияси” қабул қилиниши ва унда янги тамойиллар белгилаб берилганини кўрсатиб ўтиш керак. Масалан, Декларацияда: “Ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш – олий мақсад сифатида эътироф этилган бўлиб, Ўзбекистон халқининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократик принципларга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилади”[86], - деб эътироф этилиши замонавий маҳаллий вакиллик органлари янги тизимини яратиш имкониятини бошлаб берди.

Ушбу қоида ва талаблар асосида маҳаллий Советларга ўтказилган сайловлар ҳокимиятнинг замонавий вакиллик органларини шакллантиришда, аниқроғи ҳокимиятни халқ вакилларига ўтишида муҳим босқич бўлди.

Маълумки, юз йиллар мобайнида жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатларида сайловлар халқ иродасини эркин ифода этиш ва унинг жамият сиёсий ҳаётидаги иштирокининг асосий шакли деб ҳисобланган. Сайловнинг ўтказилишини ташкил этиш муаммоси

---

[86] Инсон ҳуқуқлари (Ўқув қўлланма). Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 239 б.

доимо эътиборда бўлган ва бундай вазифани Ўзбекистонда 1989 йил 20 октябрда тузилган Марказий сайлов комиссияси, шунингдек жойларда ташкил қилинган маҳаллий сайлов комиссиялари бажарди. Шуни айтиш керакки Ўзбекистонда Марказий сайлов комиссияси илк бор доимий ишловчи орган сифатида беш йил муддатга тасдиқланди[87]. Республикада ташкил қилинган сайлов комиссиялари амалий фаолиятларида 1989 йил 20 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий советлари депутатлари сайлови ҳақида"ги қонун талаблари асосида иш кўрдилар. Чунки сайлов тўғрисидаги янги қонун Ўзбекистон фуқароларининг сайлов компаниясидаги иштироки шаклларини кенгайтирди ва уларнинг манфаатлари ҳуқуқий ҳимояланишини жорий этди. Депутатликка номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасининг кенгайтирилганлиги сайлов тўғрисидаги қонунда янгилик бўлди. Меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмларидаги йиғилишлари билан бир қаторда турар жойлар бўйича сайловчиларнинг йиғилишлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва хизматчилар жамоалари талабалар билан биргаликда депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини олдилар.

Ушбу қонуннинг яна бир жиҳати шунда эдики, амалиётда биринчи марта давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларининг ваколатлари муддатлари тенглаштирилди. Барча Советлар учун ягона бўлган беш йиллик ваколат муддати яхлит тизим сифатидаги ҳокимият вакиллик органларининг фаолиятига мос тушди. Халқ депутатларининг навбатдаги сайлови давлат ҳокимияти тегишли органларининг ваколати муддати тугашига икки ой қолганида эмас, балки камида тўрт ой олдин тайинланадиган бўлди. Сайлов компанияларининг муддати камида икки баравар оширилиши депутатларнинг анча саралаб танланишини таъминлаши лозим эди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида Министрлар Советининг Раисидан ташқари, Ўзбекистон Министрлар Советининг таркибига кирувчи шахслар, республика идораларининг раҳбарлари, Олий суд раиси ва аъзолари, Бош давлат ҳакамлари ва давлат ҳакамлари, Конституциявий назорат қўмитасининг раиси ва аъзолари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон халқ депутатлари бўла олмасликлари белгилаб қўйилди.

---

[87] Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари. 1989. № 26-28. – 55-56 б.

Бир мандатли сайлов округларида депутатларни бир нечта номзод орасидан сайлаш имконияти қонунчилик асосида мустаҳкамлаб қўйилганлиги энг муҳим янгилик бўлди. Унга кўра, халқ депутатлигига номзодлар сони чеклаб қўйилмаган, сайлов бюллетенларига исталган миқдордаги номзодларни киритиш мумкин бўлганки, бу сайловчиларга депутатларни чинакамига танлаш ҳуқуқини берган.

Қонун халқ депутатлигига номзодлар фаолиятининг кафолатларини янги даражага кўтарди. Депутатликка номзодлар рўйхатга олинган пайтдан эътиборан, улар сайлов олди йиғилишларида ва бошқа йиғилишларда, кенгашларда, мажлисларда, матбуотда, телевидение ва радио орқали сўзга чиқишда, шу жумладан ўзларининг бўлғуси фаолиятлари дастури билан сўзга чиқишда тенг ҳуқуқларга эга бўлдилар.

Демак, ҳозирги демократик Ўзбекистон Республикаси характерига мос тушадиган, ҳуқуқий талабларга мос келадиган маҳаллий вакиллик органлари тизимини яратиш иши Ўзбекистон расман мустақилликка эришгунига қадар, яъни Ўзбекистон ҳали Иттифоқ таркибида турган вақтда бошланган эди[88]. "Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий советлари депутатлари сайлови ҳақида"ги қонун асосида ўтказилган сайловлар жараёнида халқ депутатлари маҳаллий советларининг ташкил этилиши бу борада қўйилган дастлабки қадамлар бўлди.

1990 йил 18 февралда мазкур қонун бўйича Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳарлардаги районлар, посёлка ва қишлоқ советлари депутатлари сайлови бўлиб ўтди. Сайлов натижасида Республикада 11 область, 156 район, 124 шаҳар ва 18 шаҳардаги район, 103 посёлка ва 1245 қишлоқ советлари сайланди. Ана шу сайлов даврида республикада 73514 сайлов округи ташкил қилинди. Сайловолди йиғилишларда 100 мингдан ортиқ номзод муҳокама қилинди. Уларнинг 65,5 фоизи меҳнат жамоалари йиғилишларида, 20 фоизи фуқароларнинг истиқомат қиладиган жойларидаги йиғилишларида, 11 фоизи жамоат ташкилотлари йиғилишларида муҳокамадан ўтди. Кўпгина округларда сайлов муқобиллик асосида ўтди. 86,6 минг номзод рўйхатга олинди. 9 та маҳаллий советларга сайлов округидаги сайлов қонунчилик бузилганлиги учун сайлов ҳақиқий эмас деб топилди. 46 округда

[88] Хусанов О. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари... – 52 б.

номзод кетиб қолганлиги туфайли сайлов бўлмаган деб топилди. Номзодлар иккидан ортиқ бўлмаган 1849 округда бирорта ҳам номзод етарли овоз ола олмаганлиги учун қайта сайлов ўтказилди. 138 та область, 65 та район, 268 та шаҳар, 76 та шаҳарлардаги район, 25 та посёлка ва 38 та қишлоқ советларига сайлов бўйича округларда, ҳеч бир номзод тегишли овозни ололмаганлиги учун, энг кўп овоз олган иккитадан номзод такрор овозга қўйилди[89]. Бундай ҳол аввалги сайловларда учрамаган эди. Бу қонун сайловларни демократик руҳда ўтишига замин яратиб берди, натижада маҳаллий вакиллик органларини сифат жиҳатдан яхшилашга томон қўйилган биринчи қадам бўлди[90].

Буни даврий матбуот нашрларида эълон қилинган маълумотлардан ҳам билса бўлади. Жумладан, сайловда бевосита қатнашган Андижон области Ленинск (ҳозирги Асака) шаҳридаги Оқбўйра қишлоғида яшовчи Исомиддин ота Асранов шундай дейди: “Бу йил ёшим 80 га тўлади. Бугун республикада 30-йилларнинг иккинчи ярмида ўтказилган биринчи сайлов эсимга тушмоқда. Ўшанда мен “Мустаҳкам” қишлоқ советининг раиси эдим. Лавозимимга кўра мени сайлов округининг раиси этиб тайинлашди. Эсимда, бизга депутатликка номзодларни зўрлаб ўтказишар эди. Сайловчилар номзодларни аввал кўрмаган бўлишар эди. Бугун ўтган сайловдан юртдошларимнинг онги жуда ошганини, жамиятимиз ва унинг сайлов системаси демократиялашиб бораётганини яққол кўриб турибман”. Бундай фикрни Хоразм области 452-Хива сайлов округи сайловчиси, сайлов куни роса юз ёшга тўлган Шарифа опа Отажонова ҳам давом эттириб, шу пайтгача “ҳозиргидек демократик сайлов бўлмаган, энди ҳақиқий сайлов бўляпти”, деб таъкидлайди. Сайлов Самарқанд областида ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Буни Самарқанд университети биносида жойлашган ташвиқот пункти мудири, тарихчи Р.Азимов сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин. Жумладан, у: “Сайлов нормал ўтди. Сайловчиларнинг катта гуруҳи эрталаб соат 7 даёқ овоз беришга келди. Улар орасида уруш ва меҳнат ветеранлари, студентлар, муаллимлар бор эди”, деб таъкидлайди. Ўтган сайлов ҳақида Жиззах шаҳар Совети депутатлигига номзод, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бош врачининг ўринбосари Э.Миразимов ҳам ўз муносабатини билдириб шундай дейди: “Бу галги сайлов фаол ўтди.

[89] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Котибияти жорий архиви. 1990; Йигирма биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайловининг якунлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ахбороти // Совет Ўзбекистони. 1990. 24 февраль. № 47.

[90] Хусанов О. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари... – 55 б.

Аввалги йиллардан бунинг фарқи шу бўлдики, одамлар сайлов участкаларига бирон нарса харид қилиш илинжида эмас, балки депутатликка кўрсатилган номзодларнинг бирини ёқлаб овоз бериш учун келдилар"[91].

Умуман, бу сайловда Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетидан олинган маълумотларга кўра, республика маҳаллий советлари депутатлари сайловида 9.376.454 нафар сайловчи ёки сайловчилар умумий сонининг 93.4 фоизи қатнашди.

Қорақалпоғистон АССРда овоз беришда сайловчиларнинг 98,3 фоизи, Наманган областида – 98,1 фоизи, Сирдарёда – 97,6 фоизи, Хоразмда – 97,3 фоизи, Андижонда – 96,1 фоизи, Қашқадарёда – 96,0 фоизи, Самарқандда – 95,5 фоизи, Фарғонада – 95,3 фоизи, Сурхондарёда – 95,0 фоизи, Бухорода – 92,6 фоизи, Тошкент областида – 91,4 фоизи ва Тошкент шаҳрида – 80,5 фоизи қатнашди[92].

**1990 йил 18 февралда маҳаллий советларга бўлиб ўтган сайлов натижалари**

| советлар | жами сайловчилар | овоз беришда иштирок этганлар | фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Область | 8.243.611 | 7.824.355 | 94.9 |
| Район | 6.232.670 | 6.083.573 | 97.6 |
| Шаҳар | 4.239.475 | 3.715.720 | 87.6 |
| Шаҳарлардаги район | 1.641.990 | 1.349.055 | 82.2 |
| Посёлка | 434.287 | 393.289 | 90.6 |
| Қишлоқ | 5.740.365 | 5.307.109 | 92.5 |

Овоз бериш якунларига кўра, республика бўйича маҳаллий советларга 71 минг нафар депутат сайланди. Шундан 2.071 нафар область советлари депутатлари, 11.549 нафар район советлари депутатлари, 7.222 нафар шаҳар советлари депутатлари, 1.321 нафар шаҳарлардаги район советлари депутатлари, 3.446 нафар посёлка советлари депутатлари, 45.391 нафар қишлоқ советлари депутатларини ташкил этди[93].

Мураккаб шароитга қарамай, бутун республикада сайлов уюшқоқлик ва омманинг юксак фаоллиги руҳида ўтди. Сайловда

[91] Сайлов бўлиб ўтди // Совет Ўзбекистони. 1990. 20 февраль. № 43.

[92] Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови якунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг ахбороти // Совет Ўзбекистони. 1990. 22 февраль. № 45.

[93] Йигирма биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайловининг якунлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ахбороти // Совет Ўзбекистони. 1990. 24 февраль. № 47.

сайловчиларнинг 90 фоиздан кўпроғи иштирок этганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Натижада ҳокимиятнинг барча органлари, яъни Ўзбекистон ССР Олий Советидан то қишлоқ советигача ҳамма жойда ана шундай органлар шакллантирилди[94]. Шунингдек, халқнинг мухтор вакиллари ҳисобланган депутатларнинг "энг ишбилармон, энг адолатли, энг иродали, халқ учун ўз жонини фидо қилишга ҳам тайёр кишилар бўлиши керак" лиги[95], шу билан бирга "энг муҳими, халққа виждон билан, ҳалол хизмат қилишни асосий мезон деб билиш лозим" лиги таъкидланди[96].

Бироқ, сайлов демократик принципларга асосланган ҳолда бўлишига қарамай, бу сайлов жараёнларида бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилган эди. Масалан, сайловда республика аҳолиси томонидан Олий ва маҳаллий Кенгашларга депутатлар сайланди. Аммо мазкур сайлов жараёни таҳлилидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, сайловни хусусиятига кўра "якдиллик ва жипслик" вазиятида ўтди деб бўлмайди. Айни пайтда демократик жамиятнинг белгиларидан бири бўлмиш фикрлар хилма-хиллиги яққол кўзга ташланганига қарамасдан, мазкур сайловда қатнашганлар сони кутилган даражада бўлмади. Бундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, аҳолининг "сиёсий фаоллиги жуда ошди" деб бўлмайди[97].

Шу билан бирга баъзи сайлов округ ва участкаларида сайловнинг муқобил номзодларсиз ўтганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, "Тошкентнинг аҳоли зич яшайдиган районларидан бири – Чилонзордаги 576-сайлов участкасида Олий, шаҳар ва район Советлари номзодлари ёзилган учта бюллетенда фақат биттадан кишининг номи бор эди. Буни кўрган кўпгина сайловчилар ўзларининг танлаб олиш ҳуқуқи бузилганлиги сабабли ҳамма номзодларни кетма-кет ўчириб ташладилар. Бунинг устига бюллетенга киритилган "Ташметросарой" трестининг бошқарувчиси Г.Штерн, қурилиш трестининг слесари Э.Норбоев, район партия комитетининг секретари Т.Морнинг фамилиялари одамларга таниш эмас эди. Сайловолди даврида улар билан учрашув ҳам камдан-кам ўтказилди. Сайловчиларнинг "овози учун зарурат" бўлмаганидан кейин учрашувларнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Халқ депутатларини

---

[94] Куч-ғайратларни бирлаштириш – қайта қуриш муваффақиятининг гарови // Совет Ўзбекистони. 1990. 24 февраль. № 47.
[95] Депутат – ҳамма ишга бош-қош. Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР, область, шаҳар, район, посёлка, кишлок ва овул Советлари халқ депутатларига мурожаат // Совет Ўзбекистони. 1990. 1 март. № 51.
[96] Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 145 б.
[97] Сайлов бўлиб ўтди // Совет Ўзбекистони. 1990. 20 февраль. № 43.

сайлаш учун тузилган беш юз округнинг учдан бир қисмида фақат биттадан номзод бор эди. Айни пайтда сайловга тайёргарлик ишлари ҳам тўлақонли бўлган дейиш қийин. Хусусан, депутатликка номзодларнинг жуда қисқа таржимаи ҳоллари ёзилган расмий сайловолди варақалари 1990 йил 18 февралидан бир неча кун аввалгина пайдо бўлиб, бу нарса фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини кўтаришга ёрдам бермаганлиги мутлақо равшан"[98].

Юқорида қайд этилган ҳолат республиканинг барча ҳудудларига хос бўлган дейиш мумкин. Масалан, Нукус шаҳридаги Глиэр номли санъат мактабида жойлашган участка сайлов комиссиясидаги рўйхатда аҳоли истиқомат қиладиган жойларда бирорта йиғилиш ўтказилганлиги кўрсатилмаган, кўпчилик сайловчилар сайловга келиш ҳақидаги таклифнома ҳам олишмаган. Комиссия таркибида 11 киши ишлашига қарамай, "сайловчиларни уйларидан тополмадик" қабилидаги баҳоналар тўқилган. Қашқадарё областининг кўпгина округларида ҳам сайлов муқобил номзодларсиз ўтказилди. Термиз сайлов участкаларида овоз берувчилар вилоят, шаҳар ва посёлка Советларига кўрсатилган номзодларнинг фамилияларини бюллетенларни ўқигандан кейингина билиб олишди. Сайловчиларнинг барчаси ҳам участка сайлов комиссиясидан ёзма таклифнома олмаганлиги маълум бўлиб қолди. Охир-оқибатда сайловни ўтказиш чоғида ва овозлар саналаётганида сайлов қонуни бузилганлиги сабабли округ сайлов комиссиялари район Советларига сайлов ўтказувчи тўрт сайлов округида, шаҳар Советларига сайлов ўтказувчи иккита ва қишлоқ Советларига сайлов ўтказувчи учта сайлов округида сайловни бекор қилдилар. Депутатликка номзод қолмаганлиги сабабли бир сайлов округида сайлов бўлмади[99].

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, вилоят, шаҳар ва туманларда эркин сайловлар ўтказишнинг қонун томонидан берилган энг муҳим воситаларидан бири сифатидаги рақобатга етарлича тайёр эмаслик айрим салбий ҳодисаларни ҳам келтириб чиқарди. Баъзан қишлоқ туманларида ишчан, касбий жиҳатдан тайёргарлик кўрган номзодлар учун эмас, балки кўпроқ ўз қариндошлари, ошна-оғайнилари учун овозлар берилган. Айрим шахслар сайлов тўғрисидаги қонунларнинг демократик нормаларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, ўзларининг номуносиб номзодларини

[98] Сайлов бўлиб ўтди // Совет Ўзбекистони. 1990. 20 февраль. № 43.
[99] Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови якунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг ахбороти // Совет Ўзбекистони. 1990. 22 февраль. № 45.

кўрсатганлар ва сайловчиларни алдаш йўли билан ҳам, баъзи ҳолларда эса очиқдан-очиқ қўрқитиш йўли билан ҳам уларнинг сайланишига уринишлар бўлган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда аниқ, анча демократикроқ, жаҳон андозаларига жавоб берадиган, рақобатга асосланган сайлов тизимини вужудга келтиришга ўша даврда Марказдан бўлган кўрсатма ва йўл-йўриқлар билан жиддий тўсиққа учраган. Бу борада узоқ йиллар Олий Мажлис Раиси бўлиб ишлаган Э.Халиловнинг қуйидаги фикрлари ўринлидир. Унинг фикрича, "округ сайловчилари вакилларининг конференцияларини ўтказиш мумкинлигини назарда тутган "Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови ҳақида"ги Қонуннинг 32-моддасини келтириш мумкин[100]. Бу институт аслида иттифоқ қонун чиқарувчиси томонидан мажбуран қабул қилдирилган эди: бу конференцияларнинг ваколатлари сайловчилар сайловолди округ йиғилишларининг ваколатларига ўхшаш бўлиб, уларни ўтказиш мумкинлиги "СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 38-моддасида назарда тутилган эди. Халқ депутатлари сайлови пайтида бу конференциялар номзодларни олдиндан танлаш шакли, у ёки бу номзодни саралаб олиш учун ўзига хос ғалвир вазифасини ўтаган. Бир қанча жойларда вакиллар конференциялари битта ёки иккитадан номзодни қолдириб, сайловчиларни танлаш имкониятидан маҳрум этганлар. Ҳатто иккита номзод бўлган жойларда ҳам кўпинча иккинчиси номигагина, хўжа кўрсинга бўлган. Бошқа номақбул ҳоллар ҳам бўлган. Масалан, ўзини ўзи мақташнинг машқини олган сафсатабозлар ўзига йўл очган ва аксинча, камтар, юқори ишчанлик фазилатларига эга бўлган ҳалол фуқаролар сояда қолиб кетган[101].

Булардан кўриниб турибдики, ягона коммунистик партиянинг ҳукмронлик роли сайлов тизимини ислоҳ қилиш йўлида ҳам бевосита ва билвосита қийинчиликлар туғдирар эди, бир партияли тизимда сайловларни тўла демократлаштиришни мураккаблаштирар ёки халқда танлаш имкониятининг ўзини умуман истисно этар эди.

Ҳаёт эса тарихий шарт-шароитлар Ўзбекистонда илк бор муқобиллик асосида сайлов ўтказиш, уни янада демократлаштириш, сайловчиларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллигини ошириш, миллионлаб фуқароларнинг давлат бошқарувида сўзда эмас, амалда иштирок

---

[100] Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари. 1989. № 26-28. – 28 б.

[101] Халилов Э. Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг конун чикарувчи олий органи: сохта вакилликдан хакикий парламентаризмга кадар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 62 б.

этиши, маҳаллий вакиллик органлари ишининг шаклларини бойитиш ва унинг фаолиятини янги мазмун билан тўлдиришни тобора зарур қилиб қўя бошлади.

Масалан, XX аср 90-йиллари бошларига келиб Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар аянчли аҳволга тушиб қолган эди. Статистик маълумотларга қараганда, 1990 йилга келганда Ўзбекистон асосий ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлар бўйича собиқ Иттифоқ миқёсидаги ўртача даражадан ҳам анчагина орқада эди. Бу собиқ СССРдаги охирги ўринлардан бирига тўғри келарди. Хусусан, Ўзбекистон киши бошига ялпи ижтимоий ишлаб чиқариш бўйича собиқ СССРнинг 15 та республикаси ичида 12-ўринда ва айни пайтда аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича эса ўртача даражадан икки ҳисса паст эди. Айни пайтда Ўзбекистон саноатдаги меҳнат унумдорлиги бўйича собиқ СССРда 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баравар орқада эди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Ўзбекистонда собиқ Иттифоқнинг бор-йўғи 40 фоизини ташкил этган. Шунингдек, аҳоли "ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан, икки баравар кам истеъмол қилар эди. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, Ўзбекистонда 45 фоизга тўғри келади. 1 миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмас эди"[102].

Ижтимоий-маънавий муҳит ҳақида гапирганда шуни айтиш керакки, XX аср 80-йиллари охирида Марказ ташаббуси билан "Ўзбекистон халқ хўжалиги комплексини бошқаришнинг бош схемаси" деб аталган зўрма-зўраки схема ишлаб чиқилиб, вилоятлар, районларни асосларсиз сунъий равишда қўшишга киришилди. Ушбу ўзгаришлар жамоатчиликдан яширинча тайёрланди. Оқибатда халқ хўжалигига бир неча юз миллион сўмлик зарар етказилди.

Республикадаги бундай ижтимоий-иқтисодий ва маънавий танглик биринчи навбатда маҳаллий партия, совет органлари, жамоат ташкилотлари халқдан, унинг дарди ва эҳтиёжларидан ажралиб қолганлигини, вазиятни назорат қилиш, воқеаларни олдиндан билиш ва уларни бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолганликларини

[102] Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакат ва жумҳуриятнинг янги сиёсий системасида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ўрни ва мавкеи ҳақида. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети. Партия XXII съезди сиёсий маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – 8-9 б.

кўрсатар эди. Масалан, 1990 йил 4 июнда Ўзбекистон коммунистларининг XXII съездида Тошлоқ туманидаги масъул лавозимни эгаллаб турган шахслар шахсий манфаатлари йўлида "жон куйдириб", ўзлари ва қариндош-уруғларига якка тартибда уйжой қуриш учун ер участкалари ажратиб беришгани, аммо айни пайтда туман микёсида 400 нафар оддий меҳнаткаш аҳолига мазкур муаммолар ечимида рад жавоби берилгани қайд этилган. Мазкур съездда яна ўша Тошлоқ туманида аҳолига сотишга ажратилган 319 та автомашинанинг ярмидан кўпи, аниқроғи 236 таси мазкур туманда яшамайдиган "жумладан, бошқа жумҳуриятларда истиқомат қиладиган кишиларга ғайриқонуний тарзда тақсимланган. Уй-жой тақсимлаш тартиби қўпол тарзда бузилган, газлаштириш, сув таъминоти, ишга жойлаштириш масалалари неча йиллар мобайнида ҳал бўлмай қолаверган"[103].

Шу билан бирга съездда халқ хўжалиги режаларининг барбод этилганлиги учун катта айб маҳаллий советлар ижроия комитетларининг зиммасига тушади, деб уқтирилади. Андижон, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети саноатни ривожлантириш беш йиллик режаларини барбод этганликлари, уй-жой етишмай турган вақтда Андижон, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети режада кўзда тутилган уй-жойларнинг фойдаланишга топширилишини таъминламаганликлари таъкидланди. Жумладан, маърузада қайд қилинганидек, "Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона областларида коммунал хўжаликни ривожлантиришдаги аҳвол жуда ёмон... Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва Хоразм область ижроия комитети республика ҳукуматининг "ёрдами" билан энг йирик сув иншоотлари қурилиш режаларини батамом барбод этдилар... Кўпгина мактаблар бинолари "тўкилиб турган" ва нобоп биноларда ишлаб турган бир шароитда маҳаллий советлар... [айби билан] ўтган тўрт йил мобайнида 65 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилмай қолди ёки 14 минг ўринли мактаблар фойдаланишга топширилмади... Самарқанд область ижроия комитетининг касалхоналар ва поликлиникалар қурилишига муносабатини одамлар сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги "ғамхўр"ликнинг ёрқин мисоли деса

[103] Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари... – 19-20 б.

бўлади. Бу вилоят касалхоналар ва поликлиникалар билан таъминланишда энг сўнгги ўринда туришига қарамай, область раҳбарлари ана шу мақсадлар учун ажратилган 10 миллион сўм пулнинг ўзлаштирилишини барбод этдилар"[104].

Албатта бундай муаммо ва камчиликлар маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ишини замон талабларига мослаштиришни тақозо қилар эди. Шунинг учун ҳам 1990 йил 24 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР, халқ депутатлари маҳаллий Советлари вакиллари билан йиғилиш бўлади. Унда И.А.Каримов "Одамлар биздан амалий ишлар ва аниқ режаларни кутмоқда" мавзусида маъруза қилади. Унда жумладан шундай фикрлар билдирилади: "Барча замонларда, аникроғи давлат пайдо бўлгандан буён, инсон ўзининг хавфсизлигини ҳимоя қилишни, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишини давлатдан кутади, ҳокимиятдан нажот излайди. Ҳокимият шу табиий талабларга жавоб беролмаса, очиғини айтганда, бунақа ҳокимият ҳеч кимга керак бўлмайди. Шунинг учун, бугун ҳар бир депутат, ўзининг юксак ва масъулиятли ваколатларини бажаришга киришар экан, ўзига шундай савол бериши керак: биз ҳокимият намояндалари ва идоралари мана шу хавфсизликни, эркинликни, ана шу кафолатларни таъминлаяпмизки ёки йўқми? Агарда бу саволга ҳар қандай асоссиз сабабларни ниқоб қилмасдан, ҳалол жавоб қайтарадиган бўлсак, у ҳолда, виждонан айтиш кераккки, ҳокимият инсонга ана шу асоссиз ҳуқуқлар ва шарт-шароитларни таъминлаб бера олишга кун сайин тобора заифлик қиляпти... Агар биз – халқ вакиллари фожиаларнинг олдини ололмас эканмиз, халқ ҳокимиятга билдирган ишонч тезлик билан тугаб бораверади"[105].

Бу борада И.А.Каримов ўз фикрларини давом эттириб: "Халқ ҳокимияти органлари, халқ сайлаб қўйиган ва тўла ҳуқуқли вакил бўлмиш ҳар бир депутат доимо, ҳар куни ва ҳар соатда меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари, ташвиш ва манфаатлари билан яшаган, ўзларининг барча иш ва режаларида халқ билан, ҳар бир шаҳар ва районда, қишлоқда, корхона ва хўжаликда, меҳнат коллективи ва ҳар бир маҳаллада аҳолининг барча қатламлари билан бир жон, бир тан бўлиб чамбарчас боғланган тақдирдагина ўзларининг масъулиятли

[104] Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари... – 28-29 б.
[105] Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 129 б.

бурчини муваффақиятли бажариб, ўз олдидаги катта вазифаларни уддалай олади"[106], деб таъкидлайди.

Янги тарихий шароитда ҳаёт ўртага қўяётган бундай вазифаларни бажариш, албатта замонавий маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришни кун тартибига қўяр эди.

Бу борада сайловларни кўппартиявийлик асосида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунинг учун сайловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантиришнинг аниқ ва равшан йўналишларидан бири – сиёсий партияларнинг мақомини Ўзбекистон сайлов тизимида иштирок этиши шарт бўлган субъектлар сифатида белгилаш бўлди. Шу ўринда эсалатиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон собиқ СССР барбод бўлганидан кейин ташкил топган давлатлар орасидан биринчилар қатори кўппартиявийлик асосидаги сайлов тизимига ўтди. 1991 йилнинг 18 ноябридаёқ Олий Кенгаш "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунни[107] қабул қилган бўлиб, унда сайловларни кўппартиявийлик асосида ўтказиш назарда тутилган. Мазкур Қонун 1991 йил декабрда муқобиллик асосида ўтказилган Ўзбекистон Президенти сайловида синовдан муваффақиятли ўтди.

Сиёсий партияларнинг олий органлари билан бир қаторда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари номидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлганликлари Ўзбекистондаги сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳасининг мутлақ ўзига хос хусусияти бўлди.

Масалан, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасида "Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар. Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари эгадирлар"[108], деб белгилаб қўйилган.

Юқорида баён этилганларга хулоса тариқасида айтиш жоизки, Ўзбекистон тарихида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда биринчи марта жаҳон тажрибаси ҳисобга олинган демократик сайлов тизими яратилди. Бу тизим эркин, ҳалол сайловларни ўтказиш имконини беради, мамлакатда парламентаризм принциплари қарор топишига хизмат қилади ва демократик ўзгаришлар

[106] Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 132 б.
[107] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. № 1. – 37-51 б.
[108] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994. 5-сон, 125-модда.

муқаррарлигини муҳим кафолати бўлади. Айни пайтда шуни таъкидлаш зарурки, мамлакат эндигина демократияни ўрганаётган, сайлов амалиётини демократлаштириш-нинг ўзига хос мактабидан ўтаётган, эски тизимдан мерос бўлиб қолган тадбирбозлик ва сохталик, юзакилик унсурларидан аста-секин қутулаётган эди. Табиийки, бу йўлда бартараф этилиши лозим бўлган хатоликлар ва нуқсонлар бор эди.

Шундай қилиб, совет тузуми шароитида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти масаласи таҳлилини якунлаб айтиш мумкинки, **биринчидан,** Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш жараёнлари бир текисда кечмади. Бундай органлар дастлаб ишчи-солдат Советлари, матрос Советлари ва деҳқон Советлари шаклида вужудга келган ҳамда расмий ҳужжат ва қонунларда меҳнаткашлар Советлари сифатида шаклланган бўлса-да, улар фаолияти амалда чекланиб, аввало, партиявий ҳукмронлик, шу билан бирга марказий органлар таъсиридаги орган мақомида иш тутган эди.

**Иккинчидан,** шуни таъкидлаш керакки, ҳали мамлакатда вакиллик органлари маҳаллий ва марказий органларда тўла ривожланмаган шароитда, шунингдек халқ вакилларининг давлат ҳокимиятида фаолият кўрсатишида ҳам чекланганлик тенденцияси тарихий ривожланишнинг кўриб чиқилган босқичида намоён бўлган эди.

Мазкур бобга умумий хулоса ясаб шуни айтиш мумкинки, биринчидан, ўзбек миллий давлатчилиги тарихида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ўрни масаласи ўзбек тарихшунослигида ҳамиша муҳим ўрин тутган. Иккинчидан, Ўзбекистон тарихининг XX аср давомида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари шаклан ишчи-деҳқон, аскар ва матрослар Совети кўринишидан халқ депутатлари Совети кўринишига эга бўлди. Бироқ, ушбу тарихий даврдаги маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари жойларда коммунистик партия органлари қарорларини ижро этувчи маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига айланди ва анъанавий демократик орган табиатидан маҳрум бўлди.

# II БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ

## 2.1. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришнинг Ўзбекистон тажрибаси

Ўзбекистон миллий давлатчилигида давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини шакллантириш масаласи тарихий ривожланишнинг ҳар бир босқичида ўзига хос тарзда кечди.

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигига эришганидан сўнг нафақат олий вакиллик органи тизимида ўзгаришлар, балки маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида ҳам муҳим амалий ишлар амалга оширилди.

Аввало айтиш жоиз, мамлакатда маҳаллий ҳокимият органлари тизими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таркиб топди. Бундай тарихий вазиятда давлат бошқарувининг бу тизимида ислоҳот ўтказишни тақозо қилган омил нимадан иборат эди? Бу борада таъкидлаш лозимки, XX аср 90-йилларининг бошларига келганда ҳам республикада фаолият кўрсатиб келган маҳаллий советлар ўзларининг демократик хусусиятларига эга эмас эди. Маҳаллий Кенгашлар, аввал кўрилганидек, ўзига хос равишда КПСС сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш қуролига, аниқроғи партия ташкилотлари раҳбарлик қиладиган бир муассасага айланган эди.

XX аср охирларидан бошлаб эса бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни маҳаллий Кенгашлар мустақиллигини кенгайтириш, ҳудудлар тизимида туб ўзгаришлар ясашни ҳам талаб қила бошлади. Маълумки, совет тузуми даврида маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида ҳудудий тараққиёт кўпинча марказлаштирилган тарзда қайта тақсим қилинадиган давлат ажратмалари ҳисобига амалга оширилар эди. Эндиликда эски жамиятдан янгича ижтимоий муносабатларга ўтиш жараёнида маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ўз ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга бевосита масъул қилиб белгиланиши керак эди.

Республика вилоятларида маҳаллий советлар фаолиятидаги камчиликларни таҳлил қилган И.А. Каримов янги тарихий шарт-шароитлар талабидан келиб чиқиб миллий давлатчилик асосларини, хусусан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш лозимлигини уқдириб, республика “сиёсий,

ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиёти ҳамда миллий муносабатлар муаммоларининг бутун мазмунини ҳал этишда: "**Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини мустаҳкамлашда унинг ҳақиқий сиёсий ўзлигини таъминлашни** энг муҳим бўғин деб ҳисоблаймиз... Жумҳуриятнинг сиёсий эркинлигига эришиш халқ ҳокимияти органлари бўлмиш барча поғоналардаги советларнинг мавқеи ва обрў-эътиборини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш борасида ҳам муҳим чора-тадбирлар кўришни талаб қилади", деб қайд этган эди[109].

Табиийки, биринчи навбатда "ҳамма поғоналарда собиқ Иттифоққа бўйсунадиган ва Марказ чизиғидан чиқмайдиган давлат тузилмаларини тубдан ўзгартириб, мустақиллик заминида қайтадан тузишга тўғри келди"[110]. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнидаги энг муҳим вазифалардан бири – маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини янги шароитларга мос келадиган тизимини яратишга киришилди.

Бу борадаги биринчи қадамлардан бири, тарихий тажрибадан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг" деган кўрсатмаларига амал қилиб, аввал фаолият кўрсатган вакиллик органларининг вилоят, туман ва шаҳар бўғинлари сақлаб қолинсада, уларни шаклан ва мазмунан янги талабларга мос ҳолда ислоҳ қилишга киришилди. Шу мақсадда 1992 йил 4 январда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Бу қонун билан маҳаллий ҳокимият органлари тизимида бутунлай янги орган – ҳоким лавозими таъсис этилди ва унинг вакиллик органларига ҳам бошчилик қилиши белгиланди. Мазкур қонунда биринчи марта ҳуқуқий маромлар даражасида маҳаллий давлат органларининг вакиллик ҳокимияти ва ижроия ҳокимиятига бўлиниши мустаҳкамланди[111].

Маҳаллий ҳокимият органларининг вакиллик ва ижро ҳокимияти органларига бўлиниши ҳокимият тақсимланиши йўлидаги муҳим қадам бўлди. "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонунининг 5-моддасида ҳокимият бўлиниши конституцион қонунчилик даражасида мустаҳ-

[109] Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари... – 51-52 б.
[110] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 4 б.
[111] Хусанов О. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари... – 56 б.

камланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат идоралари тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилиши белгиланган эди[112]. 1992 йил 4 январдаги қонун эса шу масаланинг мантиқий давоми бўлди ва маҳаллий ҳокимиятнинг икки турини ҳуқуқий асосда мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этишнинг зарурлигини кўрсатар экан, шу билан бирга республика ҳокимияти ҳамда маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш муҳим масала эканлигини ҳам алоҳида таъкидлади[113].

Маълумки, Ўзбекистонда 1992 йил Конституция қабул қилингунга қадар маҳаллий вакиллик органларининг уч бўғинли тизими мавжуд эди. Жумладан, қишлоқ, посёлка, овул халқ депутатлари Кенгашлари – қуйи бўғин, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари – ўрта бўғин, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари – юқори бўғин ҳисобланган.

Кўриниб турибдики, мустақилликнинг дастлабки йилларида республиканинг энг қуйи бўлинишлари қишлоқ, посёлка (шаҳарча)ларда вакиллик органлари тузилмайдиган бўлиб, маҳаллий вакиллик органларининг икки бўғинли тизими вужудга келди, яъни: туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари – қуйи бўғин; вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари – юқори бўғин ҳисобланадиган бўлди.

Мустақиллик мустаҳкамланиши жараёнида тарихий атамаларга ҳам миллийлик ва анъанавийлик руҳини киргизиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу борада мустабид тузум даврида киритилган “Совет” атамасига ҳам бошқача руҳ бағишлаш лозим деб топилди. Шу боис Олий Мажлиснинг 2003 йил 29 августда бўлиб ўтган XII сессиясида қабул қилинган ““Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунга кўра шу вақтга қадар қонуннинг русча матнидаги “Советы” ибораси ўрнига 2004 йил 1 январдан “Кенгаш” ибораси қўлланадиган бўлди. Шу мақсадда мазкур Қонуннинг 34-банди тегишли ўзгартиришларни ўзида акс эттирди[114].

---

[112] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. 11-сон. 246-модда.
[113] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 16 б.
[114] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – Тошкент, 2003. 9-10 сон. – 134 б.

Шу ўринда аввалари совет тузуми даврида қўллаб келинган, мамлакат мустақиллиги йилларида эса "Кенгаш" сўзи билан алмаштирилганлиги боис мазкур атаманинг қўлланиш масаласига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. "Кенгаш" ("Kengash") сўзи "кенгашмоқ" сўзидан ҳосил этилган бўлиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши атамаси муайян маъмурий-ҳудудий бирликдан сайланган ҳамда аҳолининг, аниқроғи туман, шаҳар ёки вилоят аҳолисининг манфаатларини ифода этувчи депутатларнинг кенгаши, йиғилиши маъносини англатади[115].

Шундай қилиб, илгари қўлланиб келинган маҳаллий Советлар ўрнига маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органлари сифатида халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари тушуниладиган бўлди. Демак, юқоридагиларни умумлаштириб айтиш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда Ўзбекистон учун ўзига хос тажриба тўпланди.

Албатта, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларини шакллантиришда миллий давлатчилик анъаналарига амал қилиниши, унинг Ўзбекистон учун хос тажриба дейишга асос бўлади. Чунки бундай тажриба ҳар бир мамлакатда ўзига хос тарзда кечганини кўриш мумкин. Масалан, Россия Федерациясининг амалдаги Конституциясига эътибор берсак, унда асосан давлат органлари федерал давлат органларига ва федерация субъектлари органларига бўлинади. Федерация субъектлари таркибидаги маъмурий-ҳудудий тузилишларда (туман, шаҳар, қишлоқ) давлат органлари тузилмасдан маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органлари тузилади[116].

Ўзбекистон Республикасида қонунчилик ҳокимияти ягона орган – Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Маҳаллий миқёсда эса бундай органлар йўқ. Россия Федерациясида вилоят, ўлка, округ ва йирик шаҳарларда ҳам қонун чиқарувчи органлар мавжуд[117]. Шу маъмурий-ҳудудий бўлакларнинг вакиллик органлари ҳам ўзларининг ҳудуди учун қонун қабул қила оладилар. Бизнинг

---

[115] Расулов Қ., Абдураимов Д. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати. Ахборот-маълумотлар рисоласи. – Тошкент, 2007. – 83 б.
[116] Қаранг: Конституция Российской Федерации. Принята референдумом 12 декабря 1993 года. Комментарии к Конституции Российской Федерации. – Москва: БЕК, 1994. – С. 408.
[117] Қаранг: Конституция Российской Федерации. Принята референдумом 12 декабря 1993 года. Комментарии к Конституции Российской Федерации. – Москва: БЕК, 1994. – С. 408.

республикада эса қонун фақат Олий Мажлис томонидан қабул қилинади ва унга ўзгартиришлар киритилади.

Маҳаллий микёсда ҳокимият маҳаллий вакиллик, маҳаллий ижроия ҳамда шу ҳудудда суд органлари ўртасида тақсимланади. Бу органлар давлатнинг тегишли функцияларини бажаради.

Маҳаллий вакиллик органлари ўз ҳудудида республиканинг қонун чиқарувчи органи – Олий Мажлис бажарадиган ишларга хос вазифаларни бажаради. Масалан, норматив характердаги ҳужжатлар қабул қилиш, ҳокимнинг баъзи ҳужжатларини тасдиқлаш, ҳокимнинг маҳаллий вакиллик органлари олдида ҳисобдорлиги, ижро органларининг бўлинмаларини тузишда иштирок этиш ва ҳоказо.

Россия Федерациясида давлат ҳокимияти органлари биздаги сингари марказий ва маҳаллий органларга бўлинмасдан, Федерация давлат ҳокимияти ва субъектлар давлат ҳокимиятига бўлинади. У ерда "маҳаллий давлат ҳокимияти" деган тушунча йўқ. Ҳокимият масаласи асослари Конституциянинг "Конституцион тузум асослари" деган 1-бобда берилган. Россия Федерацияси Конституциясида маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришга алоҳида (8-боб) боб ажратилган бўлиб, у 4 моддадан иборат. Конституцияга биноан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари шаҳарларда, қишлоқ жойларида тузилади ва шу жойда давлат органларига хос кўпгина ваколатларга эга бўлади[118].

Қозоғистон Республикасининг амалдаги Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимиятини вакиллик ва ижроия органларидан иборат бўлиши белгилаб қўйилган. Конституцияда қайд қилинишича, республика қонунда белгиланган бўйича маъмурий-ҳудудий бўлакларга бўлинади. Уларда маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ташкил қилинади[119].

Туркманистон Конституциясида эса "Маҳаллий ижро ҳокимияти" ва "Маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув" деган бўлим ва боб мавжуд[120]. Шаҳар, посёлка ва ободаги Генгешлар ўзини-ўзи бошқарув тизимини ташкил этади ва шу ҳудудларда халқ ҳокимияти вакиллик органи ҳисобланади (Конституциянинг 85-моддаси)[121].

Қирғизистон Республикасида маҳаллий Кенгашлар ва маҳаллий давлат маъмуриятининг қуйидаги ҳудудий поғонаси ўрнатилган:

- овул, посёлка ва шаҳар Кенгашлари;

---

[118] Қаранг: Конституция Российской Федерация. Принята референдумом 12 декабря 1993 года. Комментария к Конституции Российской Федерации. – Москва: БЕК, 1994. – С. 408.

[119] Қаранг: Конституция Республика Казахстан. Казахстанская правда. 1993. 2 февраль.

[120] http://www.turkmenistan.spb.ru/politic/constitution/85_88.shtml.

[121] Қаранг: Конституция Туркменистана. – Ашгабат: Туркменистан, 1992. – С. 26.

- шаҳар, район Кенгаши ва давлат маъмурияти;
- вилоят Кенгашлари ва вилоят давлат маъмурияти.

1996 йил қишлоқ ва посёлка Кенгашлари қошида янги институт – айул окмоту (қишлоқ бошқаруви) ташкил қилинди. Ушбу ижро этувчи – фармойиш берувчи орган овул Кенгашига ўз фаолияти ҳақида ҳисобот бериб туради.

Овул, посёлка ва шаҳар Кенгаши раислари мазкур Кенгашларда яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Айул окмоту бошлиғи эса шаҳар давлат маъмурияти бошлиғи томонидан туман Кенгаши ва овул, посёлка Кенгашлари депутатлари билан келишилган ҳолда тайинланади[122].

Тадқиқот жараёнида Буюк Британия, Франция, ГФР ва бошқа Ғарбий Европа давлатларининг маҳаллий бошқарув тизими соҳасида тўплаган тажрибаларини ўрганиш таҳлили шуни кўрсатдики, бу давлатларда марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви вазифаларини ажратишнинг анча изчил механизми юзага келган, маҳаллий бошқарув органлари томонидан давлат функциялари тобора кенгроқ ваколатланган, маҳаллий масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқлари кенгайган. Хусусан, Германия Федератив Республикаси Конституциясининг 2-моддасида "жамоаларга маҳаллий масалаларни қонун доирасида, уларнинг ўз масъулияти остида ҳал этиш ҳуқуқи берилмоғи керак", дейилган[123]. Ғарбий Европада маҳаллий органлар тизими маъмурий-ҳудудий бўлинишга мувофиқ амалга оширилади, лекин ҳудудий бирликлар ҳамма вақт ҳам аҳоли томонидан сайланадиган органларга эга бўлавермайди. Кўп ҳолларда, масалан, Франция кантонларида ва округларида, Германия округларида тўғридан-тўғри давлат бошқаруви амалга оширилади, уларда вакиллик органлари ташкил этилмайди[124]. Ушбу тажриба барча мамлакатлар учун ташкилий-бошқарув моделини қуриш ҳамда илмий асослаш борасида маълум мушоҳада қилишни тақозо қилади. Тарихдан маълумки, ҳамма вақт ҳар бир модель у ёки бу давлатга хос миллий, ҳудудий ва сиёсий ўзига хосликларни акс эттиради. Шу жиҳатдан Ғарбий Европа давлатлари тажрибаси Ўзбекистон шароитини инобатга олган ҳолда ўрганилгандагина фойдали ва қизиқарли бўлиши мумкин.

---

[122] Материалы международной конференции, посвященное проблеме "Правовое регулирование органов местного самоуправления: законадательство и практика". Ташкент. 15-16 февраля 2001 г.

[123] Таджиханов У., Саидов А. Конституции мира. – Т.: Академия МВД Р Уз, 1997. – С. 364.

[124] Маликова Г. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини... – 76 б.

Сайловлар халқ иродасини бевосита амалга оширишнинг анъанавий шакли бўлиб, жамиятда демократик тамойиллар даражасини белгилашда муҳим роль ўйнайди.

Демократик давлатларда сайловлар давлат ҳокимияти ташкил этилишининг сиёсий воситаси бўлиб ҳисобланади ва фуқаролар иродасини ифода этилишини кафолатлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз сайлов тизимининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Чунки сайловлар орқали фуқаролар давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этади ва шу тарзда давлат ишлари бошқарувида ўз манфаатларини ҳимоя қиладилар ҳамда ҳуқуқларини амалга оширади. Сайловлар фуқароларга мамлакатда фаолият юргизаётган сиёсий партиялар дастурларининг ҳақиқий маъносини англашга, улар фаолиятини баҳолашга имкон беради. Шу жиҳатдан сайловда иштирок этувчиларнинг сиёсий тафаккури сайлов тизимидаги энг асосий тамойиллардан ҳисобланади. Сабаби, сайлов моҳиятан парламентга бўладими ёки маҳаллий Кенгашларгами, бу жараён шунчаки хизматчи, яъни депутат сайлаш эмас, балки, ҳар бир сайловчининг давлат бошқарувида иштирок этиши ва шунингдек, жамият бошқарувидаги ваколатларини кимга беришини ўзи онгли ҳис қилиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Албатта, жамият ҳаётини тубдан янгилашга киришилган мустақилликнинг дастлабки йилларида фуқароларнинг ҳоҳиш-истакларини, манфаатларини умумжамият манфаатлари билан уйғунлаштира оладиган, айни пайтда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий билимларга эга, ҳаётий тажрибага бой депутатлардан иборат маҳаллий Кенгашларни шакллантириш ғоят муҳим вазифа эди. Мана шу талаблардан келиб чиқиб 1994 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси 1994 йил 23 сентябрда Олий Мажлисга ва вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни 1994 йил 25 декабрда ўтказишга қарор қилди[125]. Қарорда бўлажак сайловга тайёргарлик билан боғлиқ вазифалар белгиланди. Ушбу қонун асосида мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг илк бор кўппартиявийлик асосида 1994 йил 25 декабрда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига

[125] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. 10-сон. – 44 б.

сайловлар ўтказилди. Ушбу сиёсий компанияга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари катта тайёргарлик кўрдилар.

Масалан, Тошкент шаҳрида Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 30 та округ, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та округ тузилди. Қонунда белгиланган тартибда ва тавсия этилган вақтда календарь режасига асосан Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 30 та сайлов Комиссияси ва шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та сайлов комиссияси ташкил этилди. Сайлов комиссиялари таркибига саноат корхоналари, жамоат ташкилотлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ходимлари ва маҳалла йиғинлари вакилларидан иборат 810 киши жалб этилди[126].

Андижон вилоятида ҳам қонунларга тўла риоя қилинган ҳолда сайловга пухта тайёргарлик кўрилди. Олий Мажлисга, вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига муносиб номзодлар кўрсатилди. Улар орасида олимлар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, врачлар, ўқитувчилар, ишчи-хизматчилар бор эди. Депутатликка номзодлар кўрсатиш демократик принципларга амал қилинган ҳолда олиб борилди. Бу жараён сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари иштирокида, муқобиллик асосида амалга оширилди. Шуни таъкидлаш керакки, вилоят ҳокимлиги сиёсий партиялар ҳамда ҳокимият органлари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ижодий фикрлашувлар бўлишига катта эътибор берди. Сиёсий партияларнинг сайловларда тенг ҳуқуқли асосларда иштирок этишини таъминлаш учун керакли шарт-шароитлар яратиб берилди[127]. Натижада вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда вакиллик органлари бўлган халқ депутатлари Кенгашларига халқнинг муносиб номзодлари сайланди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу сайловлар мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон халқи учун яна бир унутилмас тарихий воқеа бўлди. Бу ҳақда даврий матбуотда бир қатор маълумотлар нашр этилди. Жумладан, "Ўзбекистонда илк бор кўппартиявийлик асосида демократик ва ошкоралик руҳида сайловлар ўтказилган[128]"лиги бевосита сайловчилар томонидан ҳам эътироф этилди.

Тошкент шаҳридаги 9-Миробод округ сайлов комиссияси раиси Хайрулла Акбаров, бу галги сайловларнинг демократик, кўппартия-

[126] Сайлов якуни // Тошкент оқшоми. 1994. 16 ноябрь.
[127] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ишчи гурухи семинар-кенгаши материаллари. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 126 б.
[128] Бош йўналишда // Тошкент оқшоми, 1995. 13 январь.

вийлик асосида ўтаётганлиги билан ҳам тарихда қолишини алоҳида таъкидлайди. Наманган шаҳридаги 74-сайлов участкасига ташриф буюрган нафақахўр Исматулла Абдуллаев ҳам ўтаётган сайлов тўғрисида "Мен кўп сайловларни кўрганман. Илгари бир номзодга овоз берилларди. Минг шукрки, мустақиллик туфайли биринчи маротаба адолатли сайлов бўлмоқда. Ҳамма жойда 2-3 нафардан номзод кўрсатилган. Халқ ўзига муносибини танлаб олади", – деб таъкидлайди.

Самарқанд вилоятидаги 120-Пахтачи сайлов округи сайловчиси, ўқитувчи Толиб Қодиров ҳам шу фикрларни тасдиқлаб, шундай дейди: "Бошқа мамлакатлардаги вакиллик органларининг шаклланиши ва самарали фаолият кўрсатишига назар ташлайдиган бўлсак, кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайлов демократиянинг энг мақбул йўли эканлигини кўрамиз. Жадал ривожланиш, юксак тараққиёт, фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва фаровонлиги сари бораётган мустақил Ўзбекистон учун бундай сайловлар ғоятда муҳимдир".

Сирдарё вилояти "Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими раиси Холмирза Шакаров "бу сайлов илгариларига ўхшамаслигини сайловчиларнинг юз-кўзларидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Чунки бу мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги биринчи сайловдир. Шунинг учун ҳам у фуқароларимизда катта масъулият уйғотмоқда. Шахсан мен тинчлик, осойишталик ҳамда халқимиз бой-бадавлат бўлиши учун овоз бердим", -дейди[129].

Бўлиб ўтган сайловларда депутатлик мандатлари учун учта ижтимоий-сиёсий куч – "Ватан тараққиёти", Халқ демократик партиялари ва фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларидан кўрсатилган номзодлар кураш олиб бордилар[130]. Масалан, ўтказилган сайловлар натижасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан 31 депутат, Халқ демократик партиясидан 27 та депутат, "Ватан тараққиёти" партиясидан 2 та депутат сайланди. Сайланган депутатлардан 32 нафари турли идора ва ташкилотлар раҳбарлари, 15 нафари ҳокимият, 7 нафари эса таълим ва соғлиқни сақлаш тизими вакиллари, 6 нафари партия ходимлари эди[131].

---

129 Ўтган якшанба кунги сайловларда ҳамюртларимиз муносиб номзодлар учун овоз бердилар // Халқ сўзи, 1994. 27 декабр. № 252.

130 Ислоҳотлар йўлида собитқадам бўлайлик // Тошкент оқшоми. 1995. 27 январь.

131 Биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг иккинчи сессияси материаллари. 03-ҳужжатлар йиғмажилди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши жорий архиви. 1995. – 50 б.

Мамлакат ва унинг ҳар бир ҳудудида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар ўзига хос демократия мактабига айланди. Буни 1999 йил 5 декабрда бўлиб ўтган сайловлар ҳам яққол кўрсатиб берди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистонда халқ депутатлари вилоят Кенгашларига сайлов ўтказувчи 669 та, туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи 4617 та, шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи 859 та сайлов округи ҳамда 7723 та сайлов участкаси, шунингдек, тегишли ҳудудий, округ ва участка сайлов комиссиялари тузилди. Барча сайлов комиссиялари таркибида 120 мингдан ортиқ киши иш олиб борди. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ҳаммаси бўлиб "Адолат" социал-демократик партияси, "Ватан тараққиёти" партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Фидокорлар" миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган қарийб 17 минг номзод рўйхатга олинди. Ўрта ҳисобда вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи бир округ бўйича тўрт нафарга яқин, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи бир округ бўйича эса учтадан номзод рўйхатга олинди. Мамлакатимиз бўйича 12692202 нафар киши сайловчилар рўйхатига киритилган бўлиб, уларнинг 12061266 нафари ёки 95,03 фоизи овоз беришда иштирок этди. Тегишли сайлов комиссияларининг маълумотларига қараганда, барча округларда сайлов бўлиб ўтган деб топилди. 5 декабрдаги овоз бериш натижаларига кўра, халқ депутатлари вилоят Кенгашларига 464 киши, туман Кенгашларига 4112 киши ва шаҳар Кенгашларига 624 киши депутат этиб сайланган[132].

Тошкент шаҳридаги 24-Юнусобод сайлов округига қарашли 597-сайлов участкаси, Андижон вилояти Шаҳриҳон туманидаги 235-сайлов участкаси, Бухоро шаҳридаги 66-сайлов участкаси, Жиззах шаҳридаги 17-сайлов участкаси, Наманган вилоятининг 86-Шаҳанд сайлов округидаги 129-сайлов участкаси, Самарқанд вилоятидаги 114-Нуробод сайлов округи, Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 57-сайлов участкаси, Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 132-сайлов участкаси, Тошкент вилоятининг 172-Навбаҳор сайлов округидаги

---

[132] Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови тўғрисида ахборот // Халқ сўзи, 1999. 14 декабрь. № 245.

774-сайлов участкаси, Фарғона вилоятидаги 192-Наврўз сайлов округи, Хоразм вилоятидаги 176-Қорамон сайлов участкаси, Қорақалпоғистон Республикасининг 245-Беруний сайлов округи ҳудудидаги сайлов участкаларида бўлиб ўтган сайловларда фуқароларнинг фаоллиги яққол намоён бўлди. Масалан, даврий матбуот маълумотларига кўра, Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 132-сайлов участкасига овоз бериш учун келган нафақахўр Парда Қурбоновнинг фикрлари буни тасдиқлайди: “Менинг оиламдан 40 киши сайловда қатнашади. Кўп йиллар чўпонлик қилганман. Шўролар даврида мен учун ҳам сайлов участкасидаги “актив”ларнинг ўзлари овоз бериб қўя қолишган. Ҳозир “активу”, “ноактив” деган гап йўқ. Одаммисан – фаолроқ бўлмоғинг керак. Бир оиладан 40 сайловчи дедим. Барчамиз ўзимиз келиб овоз бердик”[133].

Бундан кўриниб турибдики, мазкур сайлов ҳам фуқароларни сиёсий фаоллиги янада ошганини кўрсатди. Сайловда иштирок этган сиёсий партиялар кўпайганлиги, депутатликка бевосита фуқаролар томонидан ҳам номзодлар кўрсатилганлиги, сайлов компаниясининг барча босқичлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилганлиги ҳар кимга давлат ишларини бошқарувидаги ўз иштирокини, Ўзбекистон истиқболи учун масъулиятини ҳақиқий тарзда ҳис этиш ҳамда ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имконини берганлиги мазкур сайлов жараёнини аввалгилардан фарқини кўрсатади.

Шу билан бирга ушбу сайлов ўтказилгандан сўнг маҳаллий Кенгашлар сессияларида олтита доимий комиссия тузилди. Аввалги сайловларда эса доимий комиссиялар сони бештани ташкил этган эди. Масалан, 1995 йил 9 январда бўлиб ўтган биринчи чақириқ халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг биринчи сессиясида бешта – қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари, иқтисодий ислоҳотлар, маҳаллий бюджетни шакллантириш масалалари, ижтимоий-маданий тараққиёт масалалари, саноат, транспорт, қурилиш ва алоқа масалалари, коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиялар тузилган бўлса[134], 2000 йил 11 январда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ халқ депутатлари Қашқадарё вилоят

[133] Адолат ва демократия намойиши // Халқ сўзи, 1999. 7 декабр. № 241.

[134] Биринчи чақириқ халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг биринчи сессияси материаллари. 03-ҳужжатлар йиғмажилди. Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши жорий архиви. 1995. – 61 б.

Кенгашининг биринчи сессиясида ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси ҳам тузилди[135].

Таъкидлаш лозимки, бўлиб ўтган сайловда бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Жумладан, 850 сайлов округида икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам депутат этиб сайланмаган. 95 та сайлов округида эса икки нафардан номзод кўрсатилган ва бирорта номзод сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олишга муваффақ бўлмаган[136]. Шу сабабли 1999 йил 19 декабрь куни эса 202 та округда – халқ депутатлари вилоят Кенгашларига, 443 та округда – туман ва 205 та округда – шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича такрорий овоз бериш ўтказилиб, унда сайловчиларнинг тўрт миллион нафарга яқини иштирок этди. 5 ва 19 декабр кунлари ўтказилган икки тур бўйича овоз бериш натижаларига кўра халқ депутатлари вилоят Кенгашларига – 661, туман Кенгашларига – 4564, шаҳар Кенгашларига – 831 депутат сайланди. Бироқ 8 та округда халқ депутатлари вилоят Кенгашларига, 53 та округда туман Кенгашларига ва 28 та округда шаҳар Кенгашларига сайловларда такрорий овоз бериш пайтида ҳам номзодлардан бирортаси етарли миқдорда овозларни тўплай олмади[137].

Маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлардан 61 нафари – "Адолат" социал-демократик партияси, 85 нафари – "Ватан тараққиёти" партияси, 20 нафари – "Миллий тикланиш" демократик партияси, 509 нафари – "Фидокорлар" миллий демократик партияси, 1997 нафари эса – Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакилларидир[138].

2004 йил 26 декабрда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тўла мувофиқ равишда ошкоралик ва очиқлик руҳида ўтган навбатдаги сайловда 12 миллион 197 мингдан зиёд киши ёки сайловчиларнинг 85,1 фоизи қатнашди. Бунда ҳар бир сайлов округи

---

[135] Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг биринчи сессияси материаллари. 03-ҳужжатлар йиғмажилди. Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши жорий архиви. 2000. – 57 б.

[136] Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови тўғрисида ахборот // Халқ сўзи, 1999. 14 декабрь. № 245.

[137] Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар якунлари тўғрисида ахборот // Халқ сўзи, 1999. 29 декабрь. № 257.

[138] Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар якунлари тўғрисида ахборот // Халқ сўзи, 1999. 29 декабрь. № 257.

бўйича битта депутатлик ўрнига камида 3 нафар номзод, Андижон, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида эса 4-5 номзод қўйилган эди[139]. Бироқ, сайловда овоз бериш натижалари бўйича 946 та сайлов округида ёки округлар умумий сонининг 15 фоизида номзодлардан бирортаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозлар сонини тўпламади.

Биргина халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар сифатида 5 та сиёсий партия ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 316 нафар номзод рўйхатга олинган бўлиб, шундан "Адолат" СДПдан – 50 нафар, "Миллий тикланиш" ДП ва "Фидокорлар" МДПдан – 55 нафардан, ЎзЛиДеП ва ХДПдан – 60 нафардан, ўзини-ўзи бошқариш органларидан – 31 нафар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан – 5 нафар номзод кўрсатилди. 2004 йил 26 декабрда ўтказилган сайловларда 44 нафар номзод, 2005 йил 9 январда ўтказилган такрорий овоз бериш натижасида эса 16 нафар номзод депутат этиб сайланди[140].

Ўзбекистонда 2009 йил 27 декабрда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловлар ҳам аввалгилари каби қонун талаблари ва Марказий Сайлов Комиссияси ишлаб чиққан концепция талаблари асосида кўппартиявийлик (сайловда 4 партия иштирок этди – Д.Н.) тамойиллари асосида ўтказилди. Сайлов натижаларига кўра барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 6143 нафар депутат сайланди. Депутатларнинг 20 фоиздан ортиғини[141] сайловларнинг такрорий босқичида, яъни иккинчи турда сайланганлиги сайловлар мамлакатда демократик тарзда ўтганлиги ва халқ ўз иродасини тўла намоён этганлигини яққол кўрсатди.

Умуман, кўриб чиқилаётган даврда ҳар бир тарихий шарт-шароитлар ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, мавжуд статистик маълумотлар кўрсатаяптики, агар биринчи даврда, аниқроғи, 1990 йил 18 февралдаги сайловда синфийлик тамойили ўз аксини топган бўлса, депутатлик корпусида ишчилар, колхозчи-деҳқонлар сони муҳим кўрсаткич бўлди. Кейинги сайлов жараёнларида яъни 1994 йил 25 декабрдан – 2009 йил 27 декабргача ўтказилган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларда синфийлик тамойилидан воз кечилди ва кўппартиявийлик тамойили

---

[139] Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори // Халқ сўзи, 2004. 31 декабр. № 270.

[140] Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши жорий архиви. 05-ҳужжатлар йиғмажилди. 2005. – 34 б.

[141] Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссияси ахборотномаси. – Т., 2010. 1-2 сонлар. – 8 б.

асосида сайловлар бўлиб ўтди. Шу билан бирга маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари нафақат шаклланиш тамойилига кўра, балки номланиши ва фаолият йўналишлари билан ҳам собиқ тоталитар тузум даври вакиллик органларидан фарқ қила бошлади.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳозирги андозаси XX асрнинг 90-йилларида амалга оширилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг натижаларини, шунингдек хорижий ва миллий тажрибани акс эттиради. Республикада мустақиллик йилларида уч босқичда амалга оширилган сиёсий ислоҳотлар натижасида давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларининг демократик тизими вужудга келди. Улар:

1. XX аср 90-йилларининг бошларидан – 1994 йил 25 декабргача бўлган даврда амалга оширилган ислоҳотлар;
2. 1994 йил 25 декабрдан – 2004 йил 26 декабргача бўлган даврда амалга оширилган ислоҳотлар;
3. 2004 йил 26 декабрдан – 2010 йилгача бўлган даврда амалга оширилган ислоҳотлар.

Шундай қилиб, мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатлар ва жойлардаги ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган воқеа ва ҳодисалар, тажрибаларни умумлаштириб хулоса қилиш мумкинки, миллий давлатчиликни тиклаш йўлидаги ислоҳотлар, ўтказилган сайловлар ва унда халқнинг хоҳиш-иродасининг эркин ифодалаш имкониятларининг яратилганлиги Ўзбекистонда демократик жараёнларни янада ривожлантириш борасида қўйилган тарихий қадам, ўзига хос тажриба бўлди. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти вакиллик органлари табиатан анъанавий демократик муассаса мақомига эга бўлди.

## 2.2. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳудудий вакиллик органи – Олий Мажлис Сенатини шакллантиришдаги иштироки

Ўзбекистонда XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларидаги тарихий шарт-шароитлар шу билан изоҳланадики, бу даврга келиб ўзбек миллий давлатчилиги ҳам шаклан, ҳам мазмунан янги босқичга кўтарилиши учун имкониятлар етилди.

Ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан маълумки, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколатлари ва тузилиши масаласи мамлакат парламентининг қандай эканлигига, яъни у бир палатали ёки икки палатали эканлигига боғлиқдир. Чунки демократик давлатнинг шаклланиши ва ривожланиши парламент фаолиятини такомиллаштириш билан ҳам белгиланади. Шу боис ҳам XX аср охирларидан давлат тузилишининг шакли қандайлигидан қатъий назар, демократик мамлакатларнинг аксариятида қонун чиқарувчи органлар икки палатали парламент сифатида фаолият кўрсата бошлади ва бу борада тинмай изланишлар олиб борилди.

2005 йилга келиб жаҳоннинг кўпчилик мамлакатида парламентлар икки палатадан иборат эди. Агар XX асрнинг 70-йилларида жаҳоннинг 45 мамлакатида парламент икки палатадан иборат бўлган бўлса, XXI аср бошларига келиб уларнинг сони 70 тага етди[142]. Статистик маълумотларга қараганда, шу даврга келиб жаҳоннинг яна 10 мамлакатида парламентни икки палатали қилишга тайёргарлик бормоқда.

Шуни айтиш жоизки, йирик унитар давлатларда ҳам икки палатали парламент тузилган эди. Буюк Британия, Франция, Италия, Испания, Бельгия, Голландия, Швеция каби Европа мамлакатларида аввалдан кўп палатали парламентлар шаклланган эди. Собиқ Иттифоқ парчалангандан сўнг, Иттифоқдаги республикалар ўрнида вужудга келган МДҲ таркибидаги давлатларда ҳам икки палатали тизимга ўтилган эди.

Маълумки, 2000 йил 14 мартида Парижда бўлиб ўтган жаҳон сенатларининг махсус анжумани ҳам қонун чиқарувчи органлар икки палатали механизмининг феноменига, унинг демократик ва ҳуқуқий давлат таркиб топишидаги ўрнига бағишланган эди. Анжуманда бўлиб ўтган барча баҳсларнинг асосий хулосаси шундан иборат бўлдики, икки палатали парламент мамлакат минтақалари, кичик тузилмалари, олисроқ жойлашган қисмларининг манфаатларига риоя этилишига олиб келади. Иккинчи палата қонунлар чиқариш жараёнида учрайдиган популизм, лоббизм ва енгил-елпи, тор доирадаги манфаатларга қарши турувчи қўшимча фильтр сифатида иш тутади[143].

Анжуманда ўринли таъкидланганидек, икки палатали тизим ижроия ҳокимияти билан бир палатали парламент ўртасидаги

[142] Лебедева С.В. Формирование Сената. – Т.: ТГЮИ, 2004. –С. 3.
[143] Қаранг: Труд, 17 марта 2000 г.

ортикча тортишувларнинг олдини олади ҳамда парламент ва ҳукумат ваколатларининг аралашиб кетишига йўл қўйилмайди. Мана шу жаҳон амалиётини чуқур таҳлил қилган давлатимиз раҳбари И.А.Каримов 2000 йил 25 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида Ўзбекистонда икки палатали парламент тузиш ғоясини илгари суриб, мамлакатимиз аҳолиси турмуш тарзида ўзгаришлар бўлаётганлиги, уларнинг сиёсий ва маънавий онги улғайиб бораётганлиги ҳақли равишда республикамиз парламенти фаолиятида ўзгаришни тақозо этаётганини табиий бир жараён деб билиб, "мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман. Яъни, биз 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб ташкил этишимиз лозим"[144], - деб уқтиради.

Давлат раҳбари И.А.Каримов ушбу ғояни илгари сурар экан, Ўзбекистонда икки палатали парламентни тузиш учун барча – яъни тарихий, сиёсий шарт-шароитлар етилганини, аниқроғи, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини, яъни халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларини шакллантиришда ҳам муайян тажриба тўпланганлигини, кўппартиявийлик тизими нафақат маҳаллий Кенгашларни, балки Олий Мажлисни шакллантиришда ҳам тўла қарор топганлигини инобатга олган эди. Хусусан, бошқарув тизимининг барча институтлари жамият ва давлат билан биргаликда сиёсий, иқтисодий соҳаларда ва шунингдек, халқаро майдондаги кучлар нисбатини акс эттиргани ҳолда, ўз фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос ва мос шаклларини танлаб, қонун чиқариш ва бошқа вазифаларни янада самаралироқ бажаришни жорий этишни мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистонда икки палатали парламентни тузиш зарурлиги яна шу ҳолат билан изоҳланадики, XXI асрнинг бошларига келиб Ўзбекистонда биринчидан, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанат янада барқарор бўлишига эришилди. Эндиликда жамият тараққиётининг янги тарихий босқичида жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, бирон тарзда чекланмаган бир палата тамомила янги тамойил асосида тузилган иккинчи палата томонидан чеклаб туриш заруряти вужудга келди. Иккинчидан эса бундай йўл билан "назоратчи" палата мавжудлиги туфайли парламентнинг янада уйғун ишлашига эришилади. "Зеро,

[144] Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 483 б.

иккинчи палата вазифаларига биринчи палатанинг баъзан шошма-шошарлик билан қабул қилган қарорларини чуқур ўрганиб чиқиш киради. Яъни, иккинчи палата биринчи палатанинг хатолари ва шошиб қабул қилган қарорларини тузатишга қодир бўлиб, қонун ҳужжатлари янада чуқур ва ҳар томонлама ишлаб чиқилишига ҳамда янада пухта ўйланган, пишиқ, вазмин қарорлар қабул қилинишига кўмаклашади"[145].

Кўриниб турибдики, икки палатали парламент ҳуқуқий ва адолатли демократик давлат барпо этишнинг, демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг яхши воситаси. Бу борада биз шуни таъкидламоқчимизки, Ўзбекистон тажрибаси кўрсатиб берганидек, бир палатали тизим ёш, ривожланаётган давлатлар эҳтиёжларига, ўз миллий қонунчилигини эндигина шакллантираётган парламентларнинг манфаатларига кўпроқ жавоб беради. Икки палатали парламент қонун чиқарувчи органнинг тутган ўрни, мавқеи мустаҳкам бўлган ва парламент анъаналари ривожланган давлатлар учун кўпроқ тўғри келади. У ёки бу тизимнинг тўғри ёки нотўғри танланганлиги муайян мамлакатнинг тарихий анъаналарига, миллий хусусиятларига, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражасига ҳам боғлиқлиги шубҳасиз.

Табиийки, иккинчи палата афзалликлари ҳақида гап борар экан, ўзўзидан шундай савол туғилади: нега унда Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида бир палатали парламент тузилган? Шу ўринда қуйидаги изоҳларни бериб ўтиш жоиз кўринади. Қонунларга мувофиқ, дастлаб, аниқроғи 1994 йил 25 декабрда ва 1995 йил 8 январда бўлиб ўтган сайловда шакллантирилган Олий Мажлис 250 депутатдан иборат давлат ҳокимиятининг ягона, бир палатали вакиллик органи бўлган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида "... ёш мустақил унитар давлат учун ўтиш давридаги энг мақбул парламент бир палатали парламент"[146] бўлди. Ушбу даврда "Ўзбекистон ижтимоий тараққиётининг мазкур босқичи учун бир палатали парламент энг мақбул усул"[147] деб ҳисобланди. Зеро, янги давлатда ҳуқуқий асослар бўлмаган бир шароитда айнан бир палатали парламент мамлакат тараққиётини жадаллаштиришга

---

[145] Халилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси референдуми – миллий давлатчилик тараққиётининг муҳим босқичи. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 18 б.

[146] Халилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси референдуми – миллий давлатчилик тараққиётининг муҳим босқичи... – 20 б.

[147] Файзуллаев Т. Процессы укрепления государственной независимости Узбекистана: теория и практика. Автореф. дис. ... докт. полит. наук. –Т.: Академия государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистана, 1998. – С. 33.

хизмат қилувчи зарур қонун ҳужжатларини узоқ чўзмай, тезроқ қабул қилиш имконини беради. Яъни, бир палатали парламент давлат тараққиётининг ушбу жараёни учун одатда зудлик билан эпчилроқ иш тутиши жиҳатидан маъқул бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш муҳимки, маълум тарихий тажриба тўпланганидан сўнг шакллантириладиган икки палатали парламент фаолияти мутлақо бошқа ташкилий-тузилмавий асосга, яъни профессионализм замирида қурилмоғи лозим. Профессионал парламент тўғрисидаги тасаввуримиз, одатга кўра, депутатларнинг доимий асосда ишлашлари билан боғлиқ. Бу тушунча депутатлар ўз ваколатлари даврида депутатлик фаолиятидан бошқа касб билан шуғулланмайдиган парламентга эга бўлган давлатларда шаклланган. Яъни депутатлар ваколат давридаги фаолиятини касб, давлат хизмати деб биладилар.

Ўтиш даврида, ижтимоий турмушни ислоҳ қилиш шароитида, демократик институтлар ривожланмаган ҳамда профессионал сиёсатчилар сафи етарли даражада бўлмаган бир пайтда Ўзбекистон парламенти шаклланаётганда халқ хўжалигининг муайян тармоқларида меҳнат қилаётган депутатлар ўз ўринларида ишларини давом эттиришлари муҳимдир. “Бу йўл орқали Олий Мажлиснинг бевосита ҳаёт билан, жамоатчилик талаб-истаклари ва халқ билан алоқаси таъминланади. Бу ўз навбатида кундалик ҳаётимизга, хўжалик юритиш соҳаси учун зарур қонунларни яратишга катта таъсир ўтказади”[148].

Бундан ташқари, парламентда барча депутатлар доимий асосда ишлашлари учун объектив шарт-шароитлар талаб этилади. 1991-2000 йилларда Ўзбекистонда шундай шарт-шароитлар йўқ эди. Бу ерда гап, бозор иқтисодига асосланган, очиқ демократик жамият қуриш мақсадини кўзлаган янги жамиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш жабҳасида профессионал билимлар орттирган кадрлар етарли эмаслиги ҳақида бормоқда. Шу билан бирга профессионал парламентни шакллантириш учун профессионал сиёсатчиларнинг етарли қатлами мавжуд бўлиши ҳамда кўппартияли тизим ривожланган бўлиши, тегишли сиёсий маданиятга эга бўлган электорат – сайловчилар мавжудлиги, тегишли ҳуқуқий база яратилиши ва ҳоказолар зарур эди.

---

[148] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 21 б.

Агар мустақилликка эришиш биланоқ дарҳол профессионал асосда ишловчи икки палатали парламент тузишга киришилганида Ўзбекистон парламентига доимий асосда ишлаш учун кимлар ва қандай "кучлар" келиши мумкинлигини, улар қандай қонунлар қабул қилишлари мумкинлигини ва умуман мамлакатимиз қандай аҳволга тушиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас эди.

2000 йилга келиб эса И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида илгари сурган икки палатали парламентни тузиш зарурлиги тўғрисидаги ғояни, ҳаётга татбиқ қилиш лозимлиги сезилиб қолди. Малакали юристлар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар ишлайдиган янги профессионал парламентга ўтиш учун мамлакатимизда реал тарихий шарт-шароитлар пишиб етилган эди.

Шу боис ҳам Ўзбекистонда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тизими қарор топганлиги, миллий парламент анъаналари ривожланганлигига асосланиб, шунингдек мамлакат минтақаларининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда парламент тузилишида бир палатали тизмидан икки палатали тизимга ўтиш учун амалий қадам қўйилди. Парламент фақатгина қонун чиқарувчи эмас, балки вакиллик органи ҳамдир. Шунинг учун унинг юқори палатасида фақат аҳоли вакилларининг бўлиши эмас, балки барча минтақалардан тенг вакиллар бўлиши лозимлиги белгиланди.

Қонун чиқарувчи олий органда иккинчи палатанинг тузилиши қонунларнинг қабул қилинишига минтақаларнинг таъсирини ошириш, парламент қабул қилаётган ҳужжатларда халқнинг хоҳиш-иродаси янада тўлиқроқ намоён бўлишига имкон бериши кўзда тутилди.

Шу боис ҳам иккинчи палата бевосита сайловчиларнинг манфаатларини эмас, энг аввало, ҳудудларнинг манфаатларини ифода этиши лозим эди. Уни шакллантириш ва фаолият кўрсатиш тартиби ҳам аввалги бир палатали Олий Мажлисни шакллантиришдан бирмунча бошқачароқ бўлди. Шунга кўра иккинчи палатада Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳрида халқ депутатлари вилоят, барча туман ва шаҳар Кенгашларининг қўшма мажлислари ўтказилиб, уларда мамлакат парламентининг юқори палатасига, олти нафардан депутат сайлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди. Мазкур вакиллар орасида вилоят Кенгашлари депутатлари билан бир қаторда туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳам бўлиши унинг вакиллик органи эканлигини

билдирар эди. Бу вакиллар маҳаллий Кенгаш депутатлигича қолавериб, фаолияти аъзоларнинг доимий асосда ишлашига боғлиқ бўлмаган юқори палатанинг ялпи мажлисларига вақти-вақти билан тўпланиб мамлакат парламентида умумдавлат аҳамиятига молик муҳим масалаларни ҳал этиш билан бирга қилинган ишлар тўғрисида жойларда ҳисобот бериб туришлари ва шу орқали қонун чиқарувчи органнинг реал воқеликдан узилиб қолмаслигини, халқ билан алоқасини таъминлашлари керак эди. Зеро, парламент назоратининг кучи халқ билан мунтазам алоқада бўлишига, унинг қонунлар ижроси қандай бораётганлигидан, ҳокимият барча органларининг фаолиятидан батафсил хабардорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Юқори палатанинг асосий вазифаси қуйи палата қабул қилган қонунларни таҳлил этиб, тегишли қарорлар қабул қилишдан иборат бўлади. Яъни, юқори палата ўз минтақаларининг манфаатларини ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган, шунингдек, ўз минтақалари аҳолисининг хоҳиш-иродаси ва кайфиятига суянган ҳолда ҳамда объектив шарт-шароитлардан келиб чиқиб тегишли қарорлар қабул қилади.

2001 йил 6-7 декабрь кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида парламентни икки палатали қилиб тузиш зарур, деган хулосага келинди. Олий Мажлиснинг мазкур сессиясида 2002 йил 27 январь куни келгуси чақириқда икки палатали парламентни тузиш масаласи бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Референдумнинг овоз бериш бюллетенига "Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?" деган савол киритилди.

"Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдумни ўтказиш бўйича тегишли округ ва участка комиссияларини ўз вақтида ташкил этди. Референдум қатнашчиларига ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун барча имкониятлар яратилди. Референдум 2002 йил 27 январь куни демократик асосда, очиқ ва ошкора, кенг жамоатчилик, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтди. Референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13 266 602 нафар фуқароларнинг 12 113 070 нафари ёки 91,58 фоизи иштирок этди. Овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11 344 242

нафари ёки 93,65 фоизи икки палатали парламент тузишни қўллаб-қувватладилар”[149].

Шу ўринда табиийки, “Олий Мажлиснинг мазкур чақириғи тугашига ҳали уч йил бор эди-ку, икки палатали парламент тўғрисидаги референдум нима учун аввалдан ўтказилиши керак бўлди?” – деган савол туғилиши мумкин. Референдумга қўйилган масалага сайловчилар ижобий муносабат билдирганлари тақдирда, мавжуд ҳуқуқий базани жиддий ўзгартириш, сайловларга оид ҳамда янги парламент ишига тааллуқли қатор қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш зарур эди. Чунки биринчидан, икки палатали парламентни тузишнинг янги тартибини яратиш, иккинчидан, янги парламентнинг ҳуқуқий мақомини, унинг ваколатларини аниқлаб олиш, учинчидан, ҳар иккала палатанинг ваколатларини қонуний тарзда тақсимлаб қўйиш талаб қилинар эди. Ва ниҳоят, тўртинчидан, бўлажак икки палатали парламент фаолиятини ташкил этишни йўлга қўйиш ва фаолият олиб бориш учун зарур шарт-шароитларни тайёрлаш талаб этилади. Буларнинг бари талайгина назарий ва амалий ишлар бажарилишини, кўплаб ижодий, илмий ва амалий кучлар сафарбар этилишини тақозо қилар ва натижада кўп вақт талаб этиларди.

Референдум якунлари Олий Мажлиснинг 2002 йил 4 - 5 апрель кунлари бўлиб ўтган саккизинчи сессиясида муҳокама қилиниб, қуйидагича хулосага келинди:

- референдум якунлари халқимизнинг, бир томондан, демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш, эркин бозор иқтисодиётига ўтишдан иборат Ўзбекистон йўлини қўллаб-қувватлаётганини кўрсатди. Шунингдек, ислоҳотларни изчил ва қатъийлик билан давом эттириш ва янада чуқурлаштиришни катта умид билан кутаётганлигини билдирди;

- “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида” Конституциявий қонун ва “2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида” қарор қабул қилинди. Бу ҳужжатлар икки палатали парламент тузиш ишларини бошлашга асос бўлди;

[149] Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2004. – 20-21 б.

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Олий Мажлис Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонунда Ўзбекистон парламентининг юқори палатаси ҳудудий вакиллик палатаси деб эълон қилинди;

- Ўзбекистон Конституцияси ҳамда мамлакат қонун чиқарувчи олий органининг юқори палатаси фаолиятини тартибга солувчи конституциявий қонунлар ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, парламентга сайлов бўлиб ўтганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг беш йил муддатга 100 нафар сенатордан иборат бўлган Сенати шакллантирилади[150].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади[151].

Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юқори палатасини шакллантиришда минтақавий вакиллик органлари сенаторларни сайлаш орқали, ўн олти нафар сенаторни тайинлаш йўли билан эса Ўзбекистон Республикаси Президенти бевосита иштирок этади.

Олий Мажлис Сенатининг шаклланиш тартиби бўйича И.А.Каримов ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, “юқори палата таркибини вилоят, шаҳар ва туманлардан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг вакиллари ташкил этади. Мисол учун, Қашқадарё вилоят Кенгашига сайланган депутатлар, шаҳар ва туманларда сайланган ноиблар ҳисобидан вилоят миқёсидаги йиғилишда ана шу Кенгашларнинг олти-етти нафар энг ишончли вакили мамлакат парламентининг юқори палатасига сайланади. Улар юқори палатада шу вилоятнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Албатта, юқори палатага сайланган вакиллар ўз вилоятларидаги

---

150 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008. – 14 б.

151 “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 2-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари.

ҳақиқий аҳволни яхши билиши, унинг имкониятлари, муаммолари ҳақида етарлича тасаввурга эга, бир сўз билан айтганда, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган, ҳар томонлама тобланган кишилар бўлиши керак. Менинг яна бир таклифим бор: юқори палатага ҳар қайси вилоятдан сайланган депутатларнинг сони бир хил бўлиши керак. Бу – вилоятлар ўртасида тенгликни таъминлайди", - дейди[152].

Юқори палатанинг 84 нафар аъзоси сайлови эса янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун асосида амалга ошириладиган бўлди. Бу сайлов олдинги чақириқ депутатларининг ваколат муддати тугаганидан кейин бўлиб ўтиши кўзда тутилди. Олий Мажлис Сенатига сайлов маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари сайлови билан бевосита уйғунлашди, яъни ўзаро боғлиқ бўлди. Қонун чиқарувчи органнинг юқори палатасига парламент аъзоларини сайлашнинг ўзига хос жиҳати ҳам аслида шу эди. Бу иш сенаторликка номзод кўрсатишнинг кўп босқичлилик тизимидан келиб чиқади ва айни шу жиҳати билан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига (қуйи палатага) умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида овоз бериш йўли билан амалга ошириладиган сайловлардан фарқ қилади.

Бошқача қилиб айтганда, қуйи палата депутатлари Ўзбекистондаги сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар орасидан сайлов округларида фуқаролар томонидан бевосита сайланади, айни бир вақтда фуқароларнинг сенаторлар сайловидаги иштироки билвосита тарзда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари) депутатлари томонидан сайлаш орқали амалга оширилади. Шуни таъкидлаш жоизки, парламентнинг қуйи палатасига 150 нафар (шундан 135 та депутат сиёсий партиялардан, 15 та депутат Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатидан сайланади – Д.Н.) депутатни сайлаш сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида, маҳаллий вакиллик органлари депутатлари сайлови билан бир вақтда ўтади.

Маҳаллий вакиллик органларининг янги сайланган депутатлари сайланганларидан сўнг ўз таркибларидан бир ой ичида яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис сенаторларини (Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳридан олти кишидан) сайлайдилар. Бу Сенат ҳудудий вакиллик органи эканлиги ҳамда

[152] Каримов И.А. Ўзгариш ва янгиланиш – ҳаёт талаби // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 484 б.

сайловни ўтказиш хусусияти ва ўзига хос томонлари қонун чиқарувчи олий органнинг юқори палатасига вакилларини кўрсатган минтақалар билан чамбарчас боғлиқ эканлиги тақозосидир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Сенатда мамлакат барча минтақаларининг вакиллари (84 киши) кўпчиликни ташкил этишига ва у ҳудудий вакиллик асосидаги қонунчилик органи эканлигига қарамай, парламентнинг юқори палатасида ҳудудий мансубликка кўра ҳамда сиёсий ёки бошқа асосда гуруҳлар тузишга йўл қўйилмайди.

Юқори палатага сайлов қандай ўтказилишига кенгроқ тўхталиб ўтилса, аввало минтақавий ҳокимият вакиллик органи депутати сенаторликка номзод қилиб кўрсатилиши мумкин эканлигига эътиборни қаратиш керак. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида сенаторликка номзодга нисбатан ёш чеклови белгиланган бўлиб, у сайлов куни 25 ёшга тўлган бўлиши лозим. Номзодга қўйиладиган яна бир талаб унинг сайлов ўтказиладиган кунига қадар камида беш йил мамлакат ҳудудида муқим яшаган бўлиши шарт эканлигидир. Сайловларни фақатгина давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга йўл қўйилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сенаторлар сайлови Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ой муддат ичида уларнинг қўшма мажлисларида ўтказилади. Шу мажлисларнинг ваколатлилиги уларда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши билан таъминланиши керак. Айни пайтда Сенатга бўладиган сайловларни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг вакили ҳам иштирок этади. Комиссия Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлайди.

Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг мажлисда иштирок этган депутатларининг эллик фоизидан ортиғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сенатор мақомига эришадилар. Агар номзод берилган овозларнинг зарур миқдорини тўпламаган бўлса, такрорий овоз бериш ўтказилади. Сенаторларнинг такрорий сайлови сенаторликка асосий сайлов ўтказилганидан кейин ўн беш кунлик муддатдан кечиктирмай қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

а) агар сайлов ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

б) агар такрорий овоз бериш натижасида белгиланган миқдорда сенаторлар сайланмаган бўлса.

Марказий сайлов комиссияси қўшма мажлисларнинг баённомалари асосида беш кун ичида Сенат аъзоларини рўйхатга олади. Мазкур комиссия рўйхатга олганидан кейин ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг таркибига сайланган кишиларнинг рўйхатини эълон қилади. Ҳар бир вилоятдан тенг миқдорда сенаторларнинг сайланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 18 сентябрдаги 198-сон қарори билан тасдиқланган ва 2005 йил 4 январдаги 240-сон ва 2006 йил 14 апрелдаги 270-сон қарорлари билан ўзгартиришлар киритилган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида Низом"да ҳам ўз аксини топган. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида"ги конституциявий қонунлари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунига мувофиқ тайёрланган бўлиб, Олий Мажлис Сенати аъзоларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида сайлаш тартибини белгилайди.

Яна шу нарса Низомда кўзда тутилдики, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов якунлари эълон қилинганидан кейин уч кунлик муддатда Сенат аъзоларини сайлаш учун депутатларнинг қўшма мажлислари ўтказилишини эълон қилади. Марказий сайлов комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шунингдек Тошкент шаҳрида депутатларнинг қўшма мажлисларини ўтказиш санаси, вақти ҳамда жойи кўрсатилган қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Қўшма мажлис, агар унда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Қўшма мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг вакили иштирок этиши шарт қилиб белгиланган.

Марказий сайлов комиссияси дастлабки "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови

юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари 2005 йил 17-20 январь кунлари ўтказилишини белгилади"[153].

2005 йилда мамлакатнинг барча вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига биринчи сайлов бўлиб ўтди. Хусусан, Қашқадарё вилоятида бу жараён қандай амалга оширилганлиги тўғрисида батафсилроқ тўхталиш мумкин. 2005 йил 17 январ куни Қарши шаҳар ҳокимияти мажлислар залига вилоят маҳаллий Кенгашларининг 435 нафар депутати ташриф буюрди. Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Қ.Тоғаев очди. У эътиборли, катта тажрибага эга, ёши энг улуғ депутатлар орасидан, 25-сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати Э.Ражабовни мажлисга раислик қилувчи номзод сифатида таклиф киритди. Қўшма мажлиснинг иштирокчилари мажлиснинг кун тартибини ва иш регламентини тасдиқладилар. Кун тартибига Сенат аъзоларини сайлаш тўғрисидаги масала киритилди. Қўшма мажлис ишини таъминлаш ва юритиш учун турли Кенгашлар депутатлари орасидан очиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан беш киши миқдорида ишчи ҳайъати тузилди. Депутатлар ваколатини текшириш, тушган таклифларни ҳисобга олиш ва қўшма мажлис томонидан қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштириш учун уч кишидан иборат котибият тузилди. Қўшма мажлис қарорлари очиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Қўшма мажлисда раислик қилувчи тавсияси бўйича очиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш бўйича Оқсоқоллар кенгаши сайланди. Раис тавсиясига кўра Оқсоқоллар кенгаши таркибига ўз мансабига мувофиқ вилоят ҳокими киритилди. Оқсоқоллар кенгаши давлат ва жамият фаолиятининг турли тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган, сайловчилар томонидан кенг қўллаб-қувватланган обрўли депутатларни ҳам Сенат аъзолигига номзод сифатида кўриб чиқди.

Яширин овоз бериш бюллетенига киритиш учун Оқсоқоллар кенгашининг Сенат аъзолигига олти номзод бўйича таклифи кенгаш раиси томонидан ўқиб эшиттирилди. Яширин овоз бериш

[153] Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори // Халқ сўзи, 2004. 31 декабр. № 270.

бюллетенига олтита Сенат аъзолигига номзодлар киритилди ва қўшма мажлисда ҳар бир номзод бўйича алоҳида муҳокама ўтказилди.

Жумладан, Қашқадарё вилоятидан Сенат аъзолигига номзодлар этиб, Қашқадарё вилояти ҳокими Нуриддин Зайниев, Муборак тумани ҳокими Панжи Аллақулов, Яккабоғ тумани ҳокими Зафар Рўзиев, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори Муродулла Нормуродов, "Шўртангазкимё" мажмуаси директори Алишер Султонов, Нишон туманидаги "Пахтаобод" фермер хўжалиги раҳбари Баван Усмоновлар кўрсатилди. Қўшма мажлисда номзодлар бирма-бир муҳокама қилинганидан сўнг мажлисда депутатлар кўпчилигининг овозини олган Сенат аъзолигига номзодлар яширин овоз бериш бюллетенига киритилди. Яширин овоз беришни ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш учун депутатлар орасидан тўққиз нафар, шу жумладан комиссия раиси ва котибидан иборат таркибда саноқ комиссияси сайланди. Яширин овоз бериш бошланишидан олдин саноқ комиссиясининг раиси овоз беришни ўтказиш тартибини эълон қилди, комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини текширди ва муҳрлади. Сайлов қутиси ва унинг ёнига овоз берувчилар яширин овоз бериш хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилди. Депутатлар саноқ комиссияси аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишиб, овоз берувчилар рўйхатига имзо қўйишди. Сўнгра уларга яширин овоз бериш бюллетени берилди. Бюллетенлар овоз берувчилар томонидан яширин овоз бериш хонасида ўзлари ёқлаб овоз бераётган Сенат аъзолигига номзодларнинг фамилиялари рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратларга белги қўйиш билан тўлдирилди. Овоз берувчилар тўлдирилган бюллетенларни сайлов қутисига ташлашди. Овозларни санаб чиқиш саноқ комиссияси аъзолари томонидан яширин овоз бериш натижалари аниқланмагунга қадар танафуссиз амалга оширилди. Натижада олтита номзод мутлақ кўпчилик овоз билан Сенат аъзолигига сайландилар. Овозларни санаб чиқиш натижалари бўйича баённома тузилди. Мазкур баённома саноқ комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланди ва Марказий сайлов комиссиясига юборилди[154].

Худди шундай тартибда, яъни Марказий Сайлов Комиссияси ишлаб чиққан Низом асосида мамлакатнинг бошқа ҳамма

[154] www.qashqadaryo.uz.

вилоятларида ҳам Олий Мажлис Сенати аъзолари сайлови бўлиб ўтди. Жумладан, 2005 йил 17 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг қўшма мажлислари ўтказилди. Уларда мазкур давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларидан ҳар бир ҳудуд бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатига олти нафардан вакил сайланди[155]. Масалан, Жизах вилоятидан Жиззах туманидаги "Қуёш севар Парда" фермер хўжалиги раҳбари П.Зиятов, Жиззах шаҳар ҳокими Ҳ.Иномжонов, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлими ижрочи директори Н.Каримова, Пахтакор хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори И.Отабоев, Дўстлик тумани ҳокими М.Ҳолбўтаев, Жиззах вилояти ҳокими У.Яманкулов[156]лар Олий Мажлис Сенати аъзолигига сайландилар.

Шунингдек, 19 январь куни Тошкент шаҳрида ҳамда Андижон, Наманган ва Навоий вилоятларида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда қонунда ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Низомда белгиланган тартибда яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис Сенатига вакиллар сайланди[157]. 20 январь куни эса Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қўшма мажлиси ўтказилди. Таъкидлаш лозимки, миллий қонунчиликда кўзда тутилган тартиб ва муддатларда Олий Мажлис Сенатига бўлиб ўтган илк сайлов юксак савияда ташкил этилди. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз сафларидан олий давлат вакиллик қонун чиқарувчи органи – Олий Мажлисда тегишли ҳудуд манфаатларини муносиб намоён этишга лаёқатли вакилларни сенатор этиб сайладилар. Халқнинг икки палатали парламентни шакллантириш борасидаги хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришга қаратилган ушбу улкан ижтимоий-сиёсий тадбир мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди[158].

2005 йил 24 январда Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда "Ўзбекистон

[155] Олий Мажлис Сенати аъзолари сайлови // Халқ сўзи, 2005. 18 январь.
[156] Шрифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 142 б.
[157] Сенаторлар сайланди // Халқ сўзи, 2005. 20 январь.
[158] Сенат аъзолари сайлови бўлиб ўтди // Халқ сўзи, 2005. 21 январь.

Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 58-моддасига мувофиқ 17-20 январь кунлари Олий Мажлис Сенатига бўлиб ўтган сайлов натижалари кўриб чиқилди. Сенатга сайланган 84 нафар аъзо рўйхатга олинди. Мажлисда таъкидланганидек, ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг Сенат аъзоларини сайлаш бўйича қўшма мажлислари сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ ўтди. Сенат таркибига жамиятнинг деярли барча ижтимоий қатламлари вакиллари сайландилар. Сенаторларнинг қарийб 15 фоизи аграр соҳасининг намоёндалари бўлиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган таниқли фермер хўжаликлари раҳбарлари бўлса, 20 фоиздан ортиғи эса таълим, илм-фан ва маданият тизими вакиллари бўлди. Улар ёшларни маънавий-маърифий тарбиялаш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва мамлакат ижтимоий соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича асосий вазифаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи таълим муассасалари, яъни олий таълим, коллеж ва лицейлар раҳбарлари эди. Сенаторлар орасида йирик олимлар, маданият ва санъат арбоблари ҳам бор эди. Мамлакат саноати мажмуи вакиллари сенаторларнинг 10 фоизини ташкил этди. Улар асосан энг йирик ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, иқтисодиётнинг устувор тармоқлари вакилларидан иборат бўлди. Сенат аъзоларининг 15 фоизи турли соҳаларда фаолият юритувчи, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этувчи хотин-қизлар бўлди. Сенаторлар орасида етти миллат вакиллари бўлиб, уларнинг 89 фоизини ўзбеклар, 11 фоизини қорақалпоқлар, руслар, туркманлар, қозоқлар, украинлар, корейслар ташкил этди. Сенатда ҳудудий вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлари ҳам бор эди. Мажлисда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг сайлови очиқ ва ошкора ўтгани, қонунчилик бузилиши билан боғлиқ бирор-бир ҳолат қайд этилмагани алоҳида таъкидланди[159].

Шу тарзда шакллантирилган Сенатнинг ваколатлари, мажбуриятлари ва фаолиятига доир масалалар белгилаб берилди. Буни И.А.Каримов қуйидагича изоҳлади: "... вакиллик органи сифатида тузилаётган, ҳудудий субъектлар – маҳаллий кенгашлар депутатлари вакилларини тенг миқдорда бирлаштирувчи юқори палата – Сенатнинг шакллантирилиши қонунчиликнинг энг юқори органи бўлмиш Олий Мажлисга, таъбир жоиз бўлса, мамлакатнинг

[159] Олий Мажлис Сенати аъзолари сайлови натижалари // Халқ сўзи, 2005. 25 январь.

юрак уришини билиб туриш, минтақалар билан бевосита алоқаларни амалга ошириш, уларнинг манфаатларини акс эттириш ва ҳимоя қилиш имконини беради... минтақавий кучларнинг, бир сўз билан айтганда, мамлакат аҳолиси барча ижтимоий қатламларининг манфаатларини тўлиқ ифода этиш учун зарур асос ва кафолатларни яратади"[160].

Ўзбекистонда Олий Мажлис Сенатини шакллантириш тажрибасидан келиб чиқиб, уни жаҳон амалиёти, хусусан МДҲ мамлакатларида сенаторлар сайлови жараёнлари билан солиштирилса улардаги тартиб-меъёрлар фарқ қилишини кузатиш мумкин. Хусусан, Россия Федерациясида 2008 йилга қадар мамлакат парламентининг юқори палатасига ҳар бир субъектдан 2 тадан вакил сайланган. Унинг биттаси губернатор томонидан тайинланган, иккинчиси субъект маҳаллий Думаси депутатлари томанидан сайланган.

Қозоғистон Сенатига ҳар бир вилоятдан 2 нафардан сенатор сайланади. Сенаторлар вилоятларнинг барча вакиллик органлари депутатлари йиғилишларида сайланадилар. Ҳар 2 йилда сенаторларнинг ярми қайта сайланади. Қозоқ Сенатининг ўзига хос хусусияти шундаки, сайланган сенаторлардан ташқари Президент томонидан 7 нафар сенатор тайинланади, улар Сенат таркибига киритилади ва сенаторларнинг ¼ қисмини ташкил этади. Сенатор бўлиш учун 30 ёшга етган, олий маълумотли, 3 йилдан кам бўлмаган муддат давомида сайланаётган ҳудудида муқим яшаган ва камида 5 йил иш стажига эга бўлган Қозоғистон фуқароси бўлиш керак[161].

Юқори палатани айрим давлатларда тўғридан-тўғри сайловлар йўли билан (Польша, Италия, Швейцария), билвосита сайловлар йўли билан (Голландия, Словения, Франция), аралаш йўл билан (Испания, Ирландия) ва тайинлаш йўли билан (Германия) шакллантирилади. Миллий парламент тарихида илк бор шаклланган юқори палата – Сенатни таркибан шакллантиришда Ўзбекистон дунё парламентаризми тажрибасини ижодий ўзлаштириб, ўзига хос усулни танлади[162].

Мазкур даврда Ўзбекистонда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятидаги муҳим тажриба ва янгилик шундан иборат бўлдики, маҳаллий вакиллик органлари эндиликда ҳудудий вакиллик

---

[160] Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 222 б.

[161] Лебедева С.В. Формирование Сената... – С. 13.

[162] Шарифхўжаев М Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. – Т.: Шарқ, 2005. – 44 б.

органи – Олий Мажлис Сенатини шакллантиришда бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Мазкур бобда илмий муомалага киритилган тарихий далил ва манбалар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, XX асрнинг 90-йилларига келиб республикадаги мавжуд тарихий вазият шу давргача фаолият кўрсатиб келган маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини ҳам ташкилий, ҳам фаолият йўналишлари бўйича тубдан ислоҳ қилишни талаб қила бошлади. Биринчидан, XX аср 90-йилларнинг биринчи ярмидан бошлаб Президент И.А.Каримов ташаббуси билан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини сайловлар орқали шакллантириш анъанасига амал қилинди. Бу ўринда Ўзбекистон тарихининг аввалги босқичларида рўй берган ягона коммунистик партия таъсиридаги маҳаллий Советлар ўрнига улардан тубдан фарқ қилувчи синфийлик тамойилидан воз кечилган ҳолда кўппартиявийлик тамойили асосида Ўзбекистон учун хос бўлган янги типдаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари шакллантирилди. Иккинчидан, кўриб чиқилаётган даврда янги тамойиллар асосида шакллантирилган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари янги мақомга эга орган сифатида олий давлат вакиллик органи – Олий Мажлис Сенатини шакллантиришда ҳам бевосита иштирок эта бошладилар. Бу билан маҳаллий Кенгашлар ўз депутатлари ичидан сайланган сенаторлар орқали мамлакатдаги қонунчилик жараёнида қатнашиш имкониятига эга бўлдилар.

Умуман, 1995-2010 йиллар ўзбек миллий давлатчилигининг таркибий қисми ва муҳим бўғини бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ривожланиши ва такомиллашиб бориши даври бўлди.

# III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

## 3.1. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг минтақалар тараққиётидаги ўрни ва ролининг ошиб бориши

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунлар-даноқ Президент И.А. Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида мамлакатда давлат ва жамият қурилишининг, хусусан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг "ўзбек модели"ни вужудга келтиришнинг ташкилий шарт-шароитлари яратилди. Давлат ҳокимияти марказий органлари тизими билан бир қаторда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида ҳам босқичма-босқич туб ислоҳотлар ўтказилди.

Улар мустабид, маъмурий-буйруқбозлик тузуми учун хос бўлган давлат бошқарув тизимини ўта марказлаштириш тамойилидан воз кечиб, адолатли, демократик давлат қуриш манфаатларига мос келадиган бошқарув соҳасидаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига, яъни бошқарувнинг ҳудудий бўғинларига аста-секин ўтказиб боришга қаратилди.

Бошқарув соҳасидаги вазифаларнинг бир қисмини маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бериш ўз навбатида барча даражадаги маҳаллий ҳокимият органларининг ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги муаммоларни ечиш, бандлик масалаларини ҳал этиш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш ва фаровонлигини ошириш борасида жойларда олиб борилаётган ишларнинг аҳволи масалалари юзасидан масъулиятини кучайтиришга қаратилди.

Бу борада республикада амалга оширилган ислоҳотларнинг мазмун - моҳияти ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнлари ҳақида фикр юритилар экан, бу соҳада тўпланган тарихий тажриба нуқтаи назаридан уни шартли равишда икки даврга ажратиш мумкин. Жумладан, 1991-2000 йилларни ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳотларни ўз ичига олган, мамлакат ҳаётида мухим из қолдирган ҳамда кўламига кўра тарихий аҳамиятга эга бўлган вазифалар ҳал қи-линган биринчи давр сифатида кўрсатиш мумкин. Эътиборлиси

шундаки, мазкур даврда марказий давлат идоралари билан бир қаторда маҳаллий давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари, аниқроғи давлат бошқарувининг юқоридан қуйигача бўлган бўғинларини шакллантиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари яратилди ва улар тўла шакллантирилди.

Бу ўз навбатида янги сиёсий тузум ва унинг тузилмалари, давлат ҳокимияти, хусусан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун тамомила янгича фикрлайдиган, демократик бошқарув талабларига жавоб бера оладиган кадрларни танлаш ва жой–жойига қўйиш сиёсатини ишлаб чиқишни тақозо қила бошлади.

Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки одимлариданоқ жойларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан воз кечилди. Дарҳақиқат, кадрлар сиёсатида янгича йўл тутилишини тақозо қилган муҳим омиллардан бири давлатни бошқаришда мамлакатда юқоридан пастга қараб миллий давлатчилик тизимига хос янги бошқарув тизими вужудга келганлиги эди. Бу албатта, ҳаётий зарурият сифатида намоён бўлган ҳол. Зотан, ҳар қандай жамиятда давлат ва бошқарув, мамлакатнинг ўз Конституциясида кўрсатилганидек, унинг ўз табиатига мос бўлмоғи лозим. Бу – бошқарув тизимининг миллий хусусияти. Унинг умумжаҳон тамойиллари ҳам бор. Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, ҳар бир мамлакатда кучли давлат ҳокимияти, юқоридан қуйига қадар мустаҳкам бошқарув бўлмаса, тинчлик ҳам, осойишталик ҳам, ижтимоий-сиёсий ҳаётда барқарорлик ҳам бўлмайди.

Мамлакат мустақил давлат мақомига эга бўлгандан кейин истиқлол талабларига ва Ўзбекистонда қурилажак ҳуқуқий демократик давлат, адолатли, инсонпарвар жамиятга мос кадрлар сиёсати ишлаб чиқилиши лозим эди. Шу боис республиканинг барча ҳудудларида қатор чора-тадбирлар кўрилди. Мамлакатда энг аввало, қуйи бошқарув органларидаги кадрларни давр талабига мос даражада мустаҳкамлашга киришилди. Чунки XX аср 80-йиллари охирларида собиқ Марказнинг кўрсатмалари ва тавсиялари билан республикадаги бошқарув тизимида бошбошдоқлик юзага келган эди. Хусусан, кўп йиллик партия ҳукмронлиги ёнига партия-советлар ҳукмронлиги қўшилди. Улар эса айни пайтда халқ депутатлари ижроия қўмиталари вазифасини ҳам бажара бошлади. Шу билан бирга партия советлар таркибида ижроия қўмиталар ҳам сақлаб қолинди. Натижада қўшҳокимиятчилик юзага келди. Бу маълум даражада бозор

иқтисодиётига ўтиш жараёнида бошқарувда бир-бирини такрорлашни, айни чоқда бир-бирига халақит беришни келтириб чиқарди. Бошқача қилиб айтганда, жойларда бошқарувчи кўп бўлиб, жавобгар шахс, мас ъулиятни ўз бўйнига оладиган раҳбар кадр топилмай қолди.

Бу ҳол табиий суръатда жойларда ҳокимлик бошқарувини ташкил қилишни талаб қила бошлади. Ана шундай вазиятда мустақилликнинг дастлабки даврида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари, хусусан Россия Федерациясида бўлганидек, тажриба тариқасида айрим ҳокимларни сайлаш тартиби жорий қилинди. Масалан, Тошкент шаҳри ҳокими А.Фозилбеков 1991 йил 29 декабрда умумхалқ овоз бериш йўли билан сайланди. Шу муносабат билан 1992 йил 9 январда Президентнинг "Тошкент шаҳри ҳокими (мэри) лавозимини бажаришга киришиши тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди[163].

Ўзбекистон шароитида бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар 1992 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тўққизинчи сессиясида "Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида" қонун қабул қилиниши билан мустаҳкамланди[164]. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши "Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш шароитида ижроия ҳокимиятини мустаҳкамлаш зарурлиги муносабати билан қуйидаги қарорни қабул қилди: 1. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, туманлари ва шаҳарларида вакиллик ҳокимиятига ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига бошчилик қиладиган ҳокимлар лавозими таъсис этилсин. 2. Белгилаб қўйилсинки, вилоятларнинг ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Президентига ва халқ депутатлари тегишли Кенгашларига ҳисоб берадилар. Президентнинг жойлардаги расмий вакиллари бўладилар, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар ҳамда шундан сўнг халқ депутатлари тегишли вилоят Кенгашлари томонидан тасдиқланадилар. Туманлар ва шаҳарларнинг (Тошкент шаҳри бундан мустасно) ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланиб, халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланадилар"[165].

---

[163] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 2-сон. – Тошкент, 1992. – 11 б.
[164] Батлер У Ўзбекистон конунчилиги / А.Х.Саидов таҳрири остида. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1999. – 34 б.
[165] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 3-сон. – Тошкент, 1992. – 20 б.

Юқорида қайд этилган ҳужжатда жойлардаги ҳокимлар бошчилигидаги халқ депутатларининг тегишли тарздаги маҳаллий Кенгашлари ўзлари яшаётган ҳудудда аҳамиятга молик барча масалаларни умумдавлат ҳамда Кенгаш ҳудудидаги яшаётган фуқароларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этишлари қайд этилган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Фармонлари ва юқори давлат идораларининг қарорларини амалга оширадилар[166].

Умуман олганда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларини танлаш ҳамда тайинлаш жараёни ҳам маълум бир ташкилотчилик ишларини амалга ошириш орқали бажарилиши кўзда тутилган. Ҳокимларни танлаш ва тайинлашда уларнинг халқ ичидаги обрў-эътиборга эгалиги, салоҳият даражаси, ташкилотчилик ва тадбиркорлик фазилатлари, ташаббускорлиги, олдинда турган вазифаларни аниқ тасаввур қила олиши ва мавжуд муаммоларни ўз вақтида ечиш бўйича саъй-ҳаракат қила олиши ҳисобга олинди. Шу маънода Президент Девони, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари тегишли ҳудудлардаги халқ депутатлари Кенгаши ҳамда маҳаллий фаоллар билан жонли, ошкора суҳбат, маслаҳатлашув ишларини олиб бордилар. Ўзбекистонда ҳокимлик институти жорий этилиши натижасида, 1992 йилнинг ўзида республиканинг барча вилоятларида, Президент тавсияси асосида, вилоят ҳокимлари тайинландилар. Айни пайтда республиканинг 212 шаҳар ва туманида ҳам ҳокимлар тайинландилар. Вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари бир вақтнинг ўзида тегишли маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларининг ҳам раҳбари эдилар[167]. Тайинланган ҳокимларнинг кўпчилиги катта ҳаёт тажрибасига эга, турли даражадаги раҳбарлик лавозимида ишлаб бошқарув қобилиятига эга кишилардан иборат эди. Республика миқёсида тайинланган ҳокимларнинг 50 нафардан ортиғи илк бор “туман ва шаҳар раҳбарлигига келган кишилар эдилар. Улар республикада яшовчи турли миллатларнинг вакиллари эди. Жумладан, 7 миллат вакили ҳоким – яъни биринчи раҳбар қилиб тасдиқланди”[168].

Туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги раҳбарлик лавозимига кўплаб ёш кадрларнинг келиши муҳим аҳамият касб этди. Аммо шуниси

---

[166] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 3-сон. – Тошкент, 1992. – 21 б.
[167] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари билан биринчи учрашувида сўзланган нутқ // Халқ сўзи, 1992. 8 апрель.
[168] Jo'rayev N., Fayzullayev T. Mustaqil O'zbekiston tarixi. 3-kitob. – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi NMIU, 2009. – 138 b.

борки, мустақиллик шароитида раҳбарлик лавозимида фаолият олиб бориш, совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларидан фарқли ўлароқ, ўз эркинликларига, афзалликларига эга бўлиш билан бирга, маълум бир мураккабликларга, янгича иш юритиш заруриятига эга эди. Бошқачароқ айтганда янги давр янгича ишлашни тақозо қиларди. Шу мақсадда 1992 йил 3 апрелда Тошкентда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг биринчи учрашуви бўлди. Мазкур учрашувда мустақиллик шароитидаги қўлга киритилган дастлабки ютуқлар, кадрлар сиётининг шаклланиши ва унинг стратегияси атрофлича таҳлил қилинди. Шунингдек, мавжуд камчиликлар ва галдаги вазифалар кўриб чиқилди. Айни пайтда айрим жойларда аввалги партия ва совет ташкилотларидаги эскича услубдан ҳамон воз кечилмаганлиги қайд этилди. Хусусан, жойларда фуқаролар билан ишлаш борасида, уларнинг талаб ва истакларини қондиришда жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётгани учрашувда ташвиш билан қайд қилинди. Жумладан, "1992 йилнинг январ-март ойларида мамлакат Президенти қабулига 5000 га яқин киши мурожаат қилгани, бу аввалги йилга нисбатан анча кўп эканлиги айтилди. Энг кўп шикоят ва аризалар билан мурожаат қилувчилар Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари фуқаролари эди. Хатлар мазмунини ўрганиш Президентнинг номига келган умумий шикоят ва аризаларнинг 80 фоизини жойларнинг ўзида ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатди. Масалан, Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидан йўлланган хатда бир гуруҳ ўқитувчилар 1989 йилдан буён ер участкаси олишолмаётганлиги ҳақида Президентга шикоят қилинган. Бу масала туман ва вилоят раҳбарлари ҳузурида ижобий ҳал бўлмаган. Оқибатда Президент Девони аралашуви билан масала ижобий ҳал қилинди. Иккинчи жаҳон урушининг ногирони фарғоналик М.Йўлдошев уй-жой шароитини яхшилаш юзасидан 1991 йил охирида Президентга хат билан мурожаат қилади. Бироқ Фарғона вилояти ижроия қўмитаси масалага масъулиятсизлик билан қараб "аризачининг уруш ногирони эканлигини инобатга олиб тегишли ҳужжатлар билан яшаш жойидан имтиёзли навбатга олиниши таклиф қилинди", деган мазмунда жавоб хати йўллаган. Ваҳоланки, аризачи 1988 йилдан буён имтиёзли навбатда турган"[169].

[169] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг вилоят, шахар ва туман хокимлари билан биринчи учрашувида сўзланган нутқ // Халқ сўзи, 1992. 8 апрель.

Юқорида келтирилган мисоллар шундан далолат берадики, мустақиллик шарофати билан жамиятда туб ўзгаришлар, ислоҳотлар ва янгиланиш жараёни бошланганига қарамасдан, жойлардаги айрим ҳокимликларда фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжлари яхши ўрганилмаётгани ҳамда бу борада масъул раҳбарларнинг масъулиятсизлиги кўзга ташланади. Жойларда бошқарув шакли ўзгарганига қарамасдан, моҳиятан ҳамон эскича яъни “советча” услубдан воз кечилмагани, бу эса охир-оқибатда аҳолини сарсон-саргардон бўлиб юришига маҳаллий ҳокимият “йўл қўйиб бергани”дан далолат ҳисобланади. Мазкур учрашувда бошқарув тизими ва унинг жойлардаги фаолиятига янгича қараш, аҳолининг талаб-эҳтиёжларини чуқур ўрганиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ҳар бир вилоят ҳаётига доир далилларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида юқоридаги вазифани бажаришда жиддий камчилик ва нуқсонлар кўзга ташлана бошлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти ҳар бир минтақа халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари иш услубини замон талабларига мослаштириш тўғрисида катта ғамхўрлик кўрсатди ва аввало ушбу вакиллик органларини етук, малакали раҳбар кадрлар билан таъминлашга жиддий эътибор берди. Буни Президент И.А.Каримовнинг вилоятларда бўлиб, у ердаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар бориши билан танишиб, айни чоқда халқ депутатлари вилоят Кенгашлари ташкилий сессияларида қатнашиб, ҳудуд олдида турган долзарб вазифаларни белгилаб берганида яққол кўриш мумкин. Масалан, Президент И.А.Каримов 1993-2008 йиллар мобайнида халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашида бўлиб ўтган 4 та навбатдан ташқари сессияларда қатнашди ва улар олдидаги вазифаларни белгилаб берди. Худди шундай ташкилий сессиялар халқ депутатлари Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳар Кенгашларида 5 мартадан, халқ депутатлари Тошкент ва Андижон вилоятлари Кенгашларида 4 мартадан, халқ депутатлари Қашқадарё ва Наманган вилоятлари Кенгашларида 3 мартадан, халқ депутатлари Бухоро ва Жиззах вилоятлари Кенгашларида 2 мартадан бўлиб ўтди. Президент И.А.Каримов халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ташкилий сессияларида қатнашиб нутқ сўзлар экан, ўша даврдаги вилоятдаги мавжуд ижтимоий-маънавий муҳитни таҳлил қилиб, ҳар бир вилоят учун хос бўлган, келажакда амалга ошириладиган вазифаларни белгилаб берди.

Масалан, 1994 йил 15 июлда халқ депутатлари Тошкент шаҳар сессиясида, 1997 йил 14 феврал ва 2000 йил 15 январдаги халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши сессияларида, 2000 йил 23 март ва 2004 йил 1 июнда бўлиб ўтган халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияларида Президент жойлардаги ижроия ҳокимият раҳбари бўлмиш ҳокимлар фаолиятидаги жиддий нуқсонларни ҳам таҳлил қилиб уларнинг иш услубини янги замон талабларига мослаштириш юзасидан кўрсатмалар берди. Чунки ҳокимлар ва айни пайтда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш раҳбарлари ҳамма вақт ҳам жойларда замон талаби асосида ишлаш, бор имкониятлардан унумли фойдаланиш, бошқарув тизимида ўз салоҳияти ҳамда тажрибаларидан унумли фойдаланиш каби иқтидорларини тўлақонли кўрсата олмадилар. Ҳокимларнинг айримлари ҳамон эскича мушоҳададан қутула олмай, "янгича" ишлашга ҳаракат қилдилар. Бошқарувнинг маҳаллий тизимида ҳоким бошчилигидаги қўйилган камчиликлар қуйи бўғинлардаги бошқарувда ҳам ўз аксини топди. Бундай ҳолат амалга оширилиши кўзда тутилган ислоҳотларни жойларда, хусусан маҳаллий ҳокимият тизимида амалга ошишига маълум даражада тўсқинлик қила бошлади. Бошқарувдаги салбий ҳолатларни таҳлил қилиб Президент И.А.Каримов халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг 1993 йил 9 октябрда бўлиб ўтган сессиясида шундай деган эди: "Вилоятда кадрларни танлаш, уларни ўрганиш жараёнлари халқ депутатлари, фаоллардан сир тутилган. Кадрларни танлашда уларнинг малакаси, қатъиятлилиги, қобилияти эмас, аксинча, уларни ишга тайинлашда вилоят раҳбарига нисбатан шахсий эътиқоди, садоқати инобатга олинган. Лавозимларни таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик асосида тақсимлашга йўл очилган. Бу йўл билан тайинланган раҳбарларда юрт, ватан, истиқлол манфаати учун нима кутиш мумкин?"[170].

Дарҳақиқат, жамият ҳаётидаги туб бурилиш одамлар тафаккурида, жумладан раҳбар кадрлар дунёқарашида кескин ўзгариш ясашни тақозо қилади. Истиқлолнинг дастлабки йиллари, айтиш мумкинки, ана шундай фикрий ўзгаришларни, жиддий ислоҳотларга алоҳида тайёргарликни бошлаш лозим эди. Янги давр талаблари асосида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, маҳаллий давлат бошқаруви тизимини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб

[170] Каримов И.А. Ватан, эл манфаати муқаддасдир. Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1993 йил 9 октябрь // Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т. 2. – Т.:, Ўзбекистон, 1996. – 68 б.

этади. Маъмурий-буйрукбозлик тизими барбод этилган бўлсада, тоталитар тузум йўқ қилингач, табиийки, унинг иллатларидан батамом қутилолмаган эди. Жумладан, талон-тарожлик, одамлар ҳақига хиёнат қилиш, қонунсизлик, маъмуриятчилик ва тўрачилик иллатлари янги тузум маъанавий қиёфасига путур етказмоқда эди. И.А.Каримов ана шуларни назарда тутиб қуйидагича таъкидлайди: "Халқ вақтинча давом этаётган қийинчиликларга чидаши мумкин. Лекин билиб қўяйлик, такроран айтаман: адолатсизликка чидамайди! Буни унутиш масъул лавозимдаги шахсни бамисоли устунлари чириб қолган бинога ўхшатиб қўяди. Халқ қаллоб ва юлғичларни кўриб билиб турибди ва ҳеч қачон кечирмайди. Халқнинг сабр- тоқати чексиз эмас"[171].

Замон талабига мувофиқ иш юритиш, халқ манфаати йўлида, аҳолининг турмуш тарзини юқори даражага кўтариш, жойлардаги муаммо ва қийинчиликлар ечимида тадбиркорлик ҳамда узоқни ўйлаб саъй-ҳаракатлар қилиш, ҳалол-поклиги, ташаббускорлиги билан намуна бўлиш каби ҳислатлар раҳбар кадрлар учун муҳим аҳамият касб этган. Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов такрор ва яна такрор раҳбар кадрлар танлаш ва уларнинг масъулиятига катта эътибор қарата бошлади. Масалан, Президент халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг 1996 йил 25 октябрда бўлиб ўтган сессиясида республикамизда амалга оширилаётган "ислоҳотларнинг муваффақияти кадрларнинг малакасига, уларнинг ташкилотчилик қобилиятига, янги давр талабларини нечоғлик ўзлаштириб олганига, жонкуярлигига, ҳалол ва поклигига, қолаверса, ватанпарварлигига боғлиқ. Шу сабабли янгича фикрлайдиган, янгиликка чанқоқ, замонавий соҳаларни чуқур англаб етадиган ёшларни тарбиялаб, уларни ҳеч иккиланмай раҳбарлик лавозимларига қўйишимиз керак... Бошқарув тизимини такомиллаштириш бевосита раҳбар маънавияти, унинг шахс сифатидаги камолоти, етук ва комил инсонлиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда... Одамлар дардига қулоқ солмайдиган, ўзининг манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, турмушимиз фаровон бўлишига тўғоноқ бўлаётган, халқ мулкини талон-торож қилаётган таъмагир мансабдорлар энди этагини йиғиштириб олсин", - дейди[172].

---

[171] Каримов И.А. Ватан, эл манфаати муқаддасдир. Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1993 йил 9 октябрь // Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 43 б.

[172] Каримов И.А. Ислоҳот – аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир. Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг сессиясида сўзланган нутқ, 1996 йил 25 октябрь // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 204-205 б.

Шу ўринда бир масалани ўйлаб кўриш лозим. Президент И.А.Каримов бир неча марта халқ депутатлари вилоят Кенгашлари сессияларида бошқарув органлари ишидаги жиддий камчиликларни қайта-қайта кескин танқид қилди. Нима учун жойларда вужудга келган мана шу муаммолар ўз вақтида вакиллик органлари, маҳаллий Кенгашлар аъзолари – депутатлар томонидан муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилмаган? Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлашда вилоят ва туман Кенгаши депутатлари қай даражада жонбозлик кўрсатган? Ҳар бир ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётида улар қандай ўрин тутади? Чунки халқ вакилларининг мана шу қатлами зиммасидаги масъулият уларнинг ҳар бир ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожида фаоллигини талаб қилар эди.

Маълумки, халқ вакилларига кўпдан-кўп ҳуқуқий ваколатлар берилган. Нега улар маҳаллий ижроия органлари фаолияти устидан назорат ўрнатишга муяссар бўла олмади? Бунинг асосий сабаби – депутатнинг аксарият кўпчилигини эскича қарашлардан ҳамон қутула олмаётгани билан изоҳлаш мумкин. Президент И.А.Каримов халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши сессиясида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, “Депутат зиммасига жуда катта вазифа ва масъулият юкланган. У вилоятдаги ижтимоий муҳитга фаол таъсир кўрсатмоғи, вилоят раҳбарларининг, жумладан, ҳокимнинг ишини холисона баҳолаб, камчилик ва нуқсонлар ҳақида рўй-рост гапириши, буларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масалаларида намуна бўлмоғи лозим”[173], дея таъкидлаган эди.

Аммо масаланинг шу томони борки, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашига ҳам ҳоким раис бўлиб турган пайтда депутатлар ҳокимнинг фаолиятига холисона баҳо бериш, унинг камчиликларини рўйи-рост гапиришга журъат қила оладими? Халқимизга хос менталитетдан келиб чиқиладиган бўлса, депутатлар орасида бундай журъат билан ўз фикр-мулоҳазасини билдирадиганлар кўп эмас. Шу ўринда, ҳокимнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига раислик қилиши масаласини ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Зеро, шунда депутатлар томонидан ҳокимлар фаолиятига холисона баҳо бериш, улар томонидан қўйилаётган хато ва камчиликлар тўғрисида ўз муносабатини билдириш имконияти кенгаярди.

[173] Каримов И.А. Халк дарди билан яшайлик. Иккинчи чакирик халк депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг биринчи сессиясида сўзланган нутк, 2000 йил 15 январь // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард максадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. –319 б.

Бундан ташқари ҳокимлар ҳам бевосита ўз лавозими доирасида кенг қамровли вазифаларни масъулият билан бажаришга, хусусан ҳокимият бошқаруви тизимининг тўлақонли иш юритишига бошчилик қиларди.

Республика Иқтисодий тадқиқотлар марказининг таҳлилига кўра, ҳоким жойларда ҳам вакиллик, ҳам ижро ҳокимияти раҳбари бўлгани ҳолда икки томонлама вазифани бажаради. Халқ депутатлари Кенгашининг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини тартибга солишдаги роли деярли сезилмайди. “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги қонун халқ депутатлари Кенгашининг аниқ ваколатларини очиб бермайди, улар фаолиятининг ташкилий ва ресурс таъминоти шартларини белгилаб бермайди, уларни расман ҳокимга боғлиқ қилиб қўяди. Амалда, фақат ҳокимлар ҳақиқий сиёсий, ташкилий, моддий ва молиявий ресурсларга эга. Бундай ҳолат ижро ва вакиллик ҳокимиятлари ўртасида самарали кучлар мутаносиблигини шакллантиришга тўсқинлик қилади.

Мустақиллик эълон қилингандан кейинги ўтиш даврида лавозимдаги қўшилиш (ҳокимлик ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши раислиги – Н.Д.) қабул қилинаётган қарорларни бажаришда назоратни кучайтиришга ёрдам берарди. Бироқ, Иқтисодий тадқиқотлар маркази таҳлилида ўринли айтилганидек, ҳукуматни номарказлаштириш, вакиллик органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш стратегияси келажакда бу ролларни ажратиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Маҳаллий ҳокимият органлари ислоҳоти қуйидаги йўллар билан халқ депутатлари Кенгашининг аҳамиятини оширишга қаратилиши лозим: ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашининг функционал жавобгарлиги соҳаларини ажратиш; халқ депутатлари Кенгаши ҳокимлик ресурсларидан мустақил равишда фаолият олиб бориши учун ўз моддий ва ташкилий базасини тақдим этиш; халқ депутатлари Кенгашининг функционал мустақиллигини таъминлаш мақсадида ҳокимнинг депутатликка сайланиш ва халқ депутатлари Кенгашини бошқариш ҳуқуқини бекор қилиш[174].

Бундай фикр 2010 йил Сенат томонидан халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашида ўтказилган семинар иштирокчилари томонидан ҳам алоҳида таъкидланди. Хусусан ўтказилган

[174] Ўзбекистонда давлат маҳаллий органларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари. Иқтисодий тадқиқотлар маркази. – Тошкент, 2005. – 49 б.

сўровномада иштирокчиларнинг 35 фоизи ҳоким ва Кенгаш раиси вазифаларини бир киши бажаришини бекор қилиш таклифини беришди[175].

Президент И.А. Каримов ҳокимлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, уларни вазифасига тайинлаш жараёнларини янада демократлаштиришга доимий равишда эътибор бериб келмоқда. Хусусан, давлат раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган ва 2008 йилдан кучга кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ушбу фикр исботидир.

Ушбу қонунда Ўзбекистонда 2008 йилдан бошлаб "вилоят ҳокими ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг тегишли халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади",- деган қоида белгилаб қўйилди.

Шу ўринда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши фаолиятига мурожаат қилиш мумкин. Маълумки, 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра вилоят Кенгашига 60 нафар депутат сайланган бўлиб, улар 4 партия гуруҳига бирлашдилар. Жумладан, 2010 йил 15 январь куни вилоят Кенгашининг биринчи сессиясида Халқ демократик партиясидан сайланган 28 нафар депутат ХДП партия гуруҳи аъзоси қилиб, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган 22 депутат ЎзЛиДеп партия гуруҳи қилиб, Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партиясидан сайланган 8 депутат ЎзМТДП партия гуруҳи қилиб, Ўзбекистон Адолат социал-демократик партиясидан сайланган 3 депутат ЎзАСДП партия гуруҳи қилиб рўйхатга олиндилар. Сессияда вилоят ҳокимлигига номзод ҳар бир партия гуруҳига бирлашган депутатлар билан алоҳида маслаҳатлашиб, Президент ишончига сазовор бўлиб, тақдим қилинган ва амалда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий равнақи йўлида фаолият кўрсатиб келаётган Б.Т.Юсупов бир овоздан билан вилоят ҳокими этиб тасдиқланди[176].

---

[175] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2010 йил 22 июнда Жиззах шаҳрида "Ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва ҳозирги шароитда уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича асосий вазифалар" мавзусида ўтказилган ўқув-семинар материаллари. Жиззах, 2010 йил. – 5 б.
[176] Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2010 йил биринчи ташкилий сессияси материаллари. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши жорий архиви. 03-ҳужжатлар йиғмажилди. 2010. – 5 б.

Худди шундай тартибда барча вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими маҳаллий Кенгашлар сессияларида тасдиқландилар.

Ушбу мисоллар яна шуни кўрсатмоқдаки, давлат ҳокимиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан жамоа бўлиб, эркин фикрлаш ва ошкоралик, жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Табиийки, жойларда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фикрини ҳисобга олиб ҳудудлар раҳбарларини тасдиқлаш амалиёти мамлакатда давлат ҳокимиятини демократлаштириш жараёни изчил кечаётганини, айни вақтда депутатларнинг бу борада бевосита иштирок этаётганларини кўрсатади.

Қонун айни чоғда партия гуруҳларига катта масъулият ҳам юклайди. Жумладан, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонуннинг "Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари" деб номланган 14-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра партия гуруҳлари вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимлари лавозимига тасдиқланган шахсларнинг фаолияти қониқарсиз эканлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига ҳам эга. Бу меъёр давлат ҳокимиятини демократлаштиришда маҳаллий Кенгашлар депутатлари масъулиятини, улар аъзо бўлган партия гуруҳлари масъулиятини оширади.

Таъкидлаш жоизки, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг, ташкилот, муассаса раҳбарларининг ҳам маҳаллий Кенгашлар ва доимий Комиссиялар йиғилишларида депутатлар олдида ҳисоб бериш тартибининг жорий этилиши ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштиришда муҳим қадамлардан биридир.

"Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Регламенти"га мувофиқ (24-модда), халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳоким, ижро ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа таркибий бўлинма раҳбарларининг ҳисоботларини эшитадилар ва улар юзасидан қарорлар қабул қиладилар[177]. Масалан, биргина 2005-2010 йилларда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши сессияларида вилоят ҳокими, унинг ўринбосарлари, вилоят ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши сес-

[177] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 3-сон. –Т., 2007. – 8 б.

сияларида эса 50 дан ортиқ масъул шахсларнинг ҳисоботлари эшитилган[178].

Умуман, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг сессияларда, Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва доимий Комиссиялар таркибида фаол иштирок этишлари, муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан эркин фикр-мулоҳаза билдиришлари, айни чоғда таклиф ва тавсияларни илгари суришлари давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятидаги демократик жараёнлардир. Бу ўз навбатида давлат ҳокимиятини жойларда демократлаштиришнинг муҳим кўриниши ҳамдир.

Шунингдек, депутатларнинг доимий Комиссиялар йиғилишларида ижроия ҳокимият тузилмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш имкониятини яратилгани, биринчидан, маҳаллий Кенгаш депутатининг давлат ҳокимиятини демократлаштиришда амалий иштироки учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилганини кўрсатса, иккинчидан, бу жараён депутатдан ҳудуд ёки сайлов округидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир масалаларни ҳал қилишда кузатувчи ёки назорат қилувчи эмас, балки муаммолар ечишда фаол иштирок этишини ҳам тақозо қилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилаётган даврда, яъни 1995-2010 йиллар мобайнида мамлакат парламентининг ҳам доимий диққат-эътиборида бўлди. Масалан, биринчидан, қабул қилинган сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар асослаб берилган бўлса, иккинчидан, Олий Мажлис Кенгашларида вилоятларда қонун ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф қилиш йўллари белгилаб берилди. Хусусан, 1995-2010 йиллар мобайнида мамлакатнинг барча вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида қонунлар ижроси атрофлича муҳокама қилинди. Олий Мажлис Кенгаши муҳокамасига биргина 1998 йилда Фарғона ва Наманган вилоятларида табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатлари, Тошкент вилоятида "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги қонун, Фарғона вилоятида "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун, Жиззах вилоятида

---

[178] Халқ депутатлари Самарканд вилояти Кенгашининг 2005-2010 йилларда олиб борган фаолияти тўғрисидаги ҳисобот. Халқ депутатлари Самарканд вилояти Кенгаши жорий архиви. 05-ҳужжатлар йиғмажилди. 2010. – 11 б.

"Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида"ги қонун ижролари ҳақидаги масалалар киритилган[179].

Олий Мажлисни маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий ишлари яна шунда кўринадики, қонунлар ижроси билан боғлиқ масалалар Қўмиталар ва Комиссия йиғилишларида ҳам муҳокама қилиниб, тегишли тавсиялар бериб борилган. Жумладан, Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасида 1998 йил январида Қашқадарё вилоятида солиққа оид қонун ҳужжатлари ижроси, шу йилнинг февралида Фарғона вилоятида "Қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржаси тўғрисида"ги қонун ижроси муҳокама қилинган. Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасида эса 1998 йил июнь ойида Тошкент вилоятида "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги қонун, йилнинг II чорагида Жиззах вилоятида "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги қонун, Хоразм вилоятида "Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"и қонун ижролари кўриб чиқилган. Шунингдек, шу йилнинг октябрида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Андижон вилоятида "Ўзбекистон Республмкаси Давлат герби тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қонунлар, Сирдарё вилоятида "Халқ таълими тўғрисида"ги қонун ижролари, Самарқанд вилоятида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинган. Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат масалалари қўмитасида эса Тошкент шаҳрида "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун, Бухоро вилоятида "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун ижролари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Хоразм вилоятларида "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун ижроси, Қурилиш ва уй-жой хўжалиги қўмитасида Наманган ва Сурхондарё вилоятларида "Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида"ги қонун ижроси, Матбуот ва ахборот қўмитасида Самарқанд, Сирдарё, Андижон ва Бухоро вилоятларида "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонун ижролари муҳокама қилинган[180].

[179] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 3-сон. – Т., 1998. – 85-86 б.
[180] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 3-сон. – Т., 1998. – 75-82 б.

Олий Мажлис Кенгаши ва Қўмиталарида нафақат вилоятлардаги қонун ижролари таҳлил қилинди, балки маҳаллий Кенгашлар фаолиятини яхшилашга доир республика микёсида конференциялар, семинарлар ўтказиш амалиёти ҳам жорий қилинди. Масалан, 2000 йил 16 майда Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг мавқеини ошириш" мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмиталарининг ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари доимий комиссия раислари, депутатлар қатнашдилар[181].

Семинар-кенгашда жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларини янада эркинлаштириш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини кучайтириш, жойларда нодавлат, жамоат тузилмаларининг мавқеини ошириш масалалари таҳлил қилинди. Давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини маҳаллий, ижтимоий демократик тузилмаларга босқичма-босқич ўтказиш, аҳолининг кенг қатламларини давлатни бошқаришга фаол жалб этиш таъкидланди. Шу муносабат билан маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ишини ташкил этишнинг шаклларини такомиллаштириш, ҳокимият тузилмалари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг ишончли тизимини шакллантириш муаммоси муҳим масала бўлиб турганлиги қайд қилинди. Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳокимликлар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар вилоят бўлинмаларининг ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги жуда муҳимлиги, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида хотин-қиз депутатларининг мавқеини ошириш зарурлиги алоҳида уқтирилди.

Ушбу семинар-кенгашнинг фойдали бўлганлиги ҳақида фикр юритиб халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши доимий комиссияси раиси А.Содиқов "Семинар-кенгаш туфайли депутатлик фаолиятимизда эътибор беришимиз лозим бўлган асосий масалалар бўйича етарли тушунча ва материалларга эга бўлдик. Вилоят Кенгаши регламенти, вилоят Кенгаши иш тартиби, доимий комиссиялар тўғрисидаги низомнинг ишлаб чиқилганлиги биз учун айни муддао бўлди", деб таъкидлади[182].

---

[181] Семинар-кенгаш бўлиб ўтди // Халқ сўзи, 2000. 17 май.
[182] Семинар-кенгаш бўлиб ўтди // Халқ сўзи, 2000. 17 май.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш ва янада яхшилаш учун амалий ва услубий ёрдам бериш мамлакатда, айниқса Олий Мажлис Сенати ташкил қилиниши билан янада жонланди. Бу борада шуни айтиш жоизки, 2005 йил январдан иш бошлаган парламент юқори палатасининг фаолиятида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ишини яхшилаш борасида янги амалий тажриба вужудга келди. Бу тажриба шу билан изоҳланадики, XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида миллий парламентчиликда мамлакат миллий давлатчилиги учун хос бўлган янги бир йўналиш яъни Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиги масаласини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйган эди.

Маълумки, ўтган йиллар мобайнида Президент И.А.Каримовнинг ҳар бир маърузасида миллий парламент фаолиятини такомиллаштиришга мунтазам эътибор бериб келинди. Мақсад миллий давлатчиликнинг янги шаклу-шамойилини яратишгина эмас, тараққиётнинг ҳар бир янги босқичида уни жаҳон андозаларига мос мазмун билан бойитиш эди.

Шу жиҳатдан Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 24 февралдаги V ялпи мажлиси алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Президент И.А.Каримовнинг ушбу мажлисда "Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор" мавзуидаги маърузасида нафақат парламент ривожи, балки маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берилди[183]. Аниқроғи ушбу мажлисда мамлакатда икки палатали парламент ташкил қилиш ғояси билан чиққан давлат раҳбари Сенатнинг бир йиллик фаолияти ҳақида таҳлилий хулоса қилиб, энди Ўзбекистон тараққиётининг кейинги босқичларида юқори палата фаолиятида маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорлик ғоясини биринчи бўлиб илгари сурди ва уни устивор вазифа сифатида белгилаб берди. Бу билан Президент парламент юқори палатасининг маҳаллий Кенгашлар депутатлари корпуси билан ҳамкорлик қилиш ғоясини илгари суриш билан ўзбек парламентчилиги ҳақидаги қарашларини янги қоида билан бойитди.

Жумладан, маърузада "Сенат аъзолари ўз ваколатларини маҳаллий Кенгашлар депутатларидан олган ва уларнинг олий органдаги тўлақонли, айни вақтда шу Кенгашларга ҳисоб берадиган вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Бироқ амалда Сенат ва

[183] Каримов И.А. Инсон, унинг хуқук ва эркинликлари – олий кадрият. Т. 14. –Т.: Ўзбекистон, 2006. – 143-144 б.

маҳаллий Кенгашлар ўртасида изчил, самарали алоқа ва ҳамкорлик ҳозиргача йўлга қўйилмаган”, деб таъкидлаган эди[184].

Ушбу вазифаларни ҳал этиш мақсадида Сенат томонидан барча даражадаги вакиллик ҳокимияти органлари ҳамкорлигини ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга, улар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш механизмини яратишга қаратилган қатор чоралар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ҳаракат дастури қабул қилинди ва амалга ошириб келинмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг намунавий регламенти, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низом, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил этишга доир тавсиялар, Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутатлари бўлмиш сенаторларнинг сайловчилар билан алоқасини кучайтиришга доир тавсиялар, Олий Мажлис Сенати томонидан, Сенат аъзолари томонидан парламент сўрови юбориш тартиби ишлаб чиқилди ва жойларга етказиб берилиши таъминланди.

Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисидаги маърузадан келиб чиқадиган вазифалар нафақат парламент Кенгашларида, балки жойлардаги маҳаллий Кенгашларда ҳам, унинг доимий комиссия йиғилишларида ҳам атрофлича муҳокама қилиниб, чора-тадбирлар белгиланди. Бу борада халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш доимий комиссияси фаолияти диққатга сазовордир.

Комиссия 8 депутатдан иборат бўлиб, Сенат V ялпи мажлиси (2006 йил, февраль)дан сўнг сессиялар муҳокамасига киритилган масалалар хусусида хулосаларни бериш, Кенгаш ва ҳоким қарорларини ҳамда юқори давлат ҳокимияти идоралари қарорларини бажарилиши бўйича ташкилий ишларда фаол қатнаша бошладилар. Масалан, мазкур вилоят Кенгаши доимий Комиссияси ҳаёт талабидан келиб чиқиб, 2005 йил 24 апрелда “Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлиги – ҳаётий зарурият” мавзусида амалий семинар ўтказди. Ушбу семинарга тайёргарлик кўриш жараёнида халқ депутатлари Урганч шаҳар ва туман Кенгашлари қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий Комиссиялари фаолияти ўрганилди

[184] Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 143 б.

ва шундай хулосага келиндики, бу Комиссиялар аввалдан мавжуд Низом асосида иш ташкил қилганлар.

Жумладан, халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши Комиссияси томонидан сайловчиларни қабул қилиш жадваллари тузилган, унга қатъий амал қилинади. Хусусан, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида депутатлар хонаси ташкил қилинган. Вилоят ва шаҳар Кенгаши депутатлари ушбу хонада сайловчиларни қабул қилади, улар билан учрашувлар ўтказган. Эътиборлиси шундаки, доимий Комиссия аъзолари сайловчилар томонидан кўрилган масалаларни тезроқ ҳал қилишга кўмаклашиш мақсадида ҳар сешанба куни ўтадиган ҳокимлик соатида иштирок этадилар ва мутассадди ташкилотлар олдига уларни қўйиб, ҳал қилиш чорасини кўрганлар"[185].

Шундай ишлар халқ депутатлари Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш доимий Комиссияси аъзолари томонидан ҳам изчил амалга оширила бошланган.

Президент томонидан Олий Мажлис Сенати V ялпи мажлисида белгилаб берилган вазифаларни бажаришга қаратилган семинар, ўқув курсларини жойларда ўтказиш фойдали эканлиги нуқтаи назаридан Сенат ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссия раислари учун ўқув курслари ҳам мунтазам ташкил этилди. Жумладан, 2008 йил 28 февраль – 1 март кунлари мамлакатнинг барча вилоятларида халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари учун ўқув-семинарлар ўтказилди (3.1-жадвал)[186].

Шунингдек, бундай ўқув курслар вилоят Кенгашлари доимий комиссия раислари учун ҳам ўтказилди. Жумладан, 2008 йил 14-18 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида халқ депутатлари Тошкент, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари Кенгашлари доимий комиссия раислари ўқув-семинари бўлиб ўтди. Кейинчалик бундай семинарлар Самарқандда халқ депутатлари Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари Кенгашлари доимий комиссия раислари учун, Урганчда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари Кенгашлари доимий комиссия раислари учун ташкил этилди.

---

[185] Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши жорий архиви. 05-ҳужжатлар йиғмажилди. 2005. – 60 б.

[186] Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари раисларининг махсус ўқув курси қўлланмаси. Наманган, 2008. – 2 б.

**3.1-жадвал**

**Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари ўқув-семинари жадвали**

| № | худуд номи | вақти | Масъуллар | |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 22-23.02 | С.Сафоев | Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси |
| 2 | Андижон вилояти | 28-29.02 | Б.Иминов | Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси |
| 3 | Бухоро вилояти | 26-27.02 | А.Алтиев | Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида доимий ишловчи сенатор |
| 4 | Жиззах вилояти | 26-27.02 | М.Усмонов | Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси |
| 5 | Навоий вилояти | 29.02-01.03 | Ғ.Алиев | Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси |
| 6 | Наманган вилояти | 19-20.02 | М.Ражабова | Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси |
| 7 | Самарқанд вилояти | 27-28.02 | Ғ.Алиев | Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси |
| 8 | Сирдарё вилояти | 28-29.02 | М.Усмонов | Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 18-19.02 | А.Алтиев | Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида доимий ишловчи сенатор |
| 10 | Тошкент вилояти | 20-21.02 | Э.Воҳидов | Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси |
| 11 | Фарғона вилояти | 26-27.02 | Б.Иминов | Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси |
| 12 | Хоразм вилояти | 21-22.02 | С.Сафоев | Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси |
| 13 | Қашқадарё вилояти | 21-22.02 | Ғ.Алиев | Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси |

Ўтказилган семинарларда келтирилган фикр-мулоҳазалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий Комиссиялари, депутатлар фолиятини янада яхшилаш, уларни Сенат қўмиталари

билан ҳамкорлиги, ўз навбатида мамлакатда кечаётган янгиланиш жараёнида фуқаролар иштирокини янада кенгайтириш имконини берди.

Олий Мажлис Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ишини яхшилашдаги энг самарали амалий фаолиятидан яна бири бу маҳаллий Кенгашлар билан биргаликда "Бирлашган сессия"лар ўтказиши бўлди. Биргина мисол ўтган давр мобайнида Сенат ва маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлиги борасида "Бирлашган сессия"лар ўтказиш ҳамкорликнинг энг самарали шакли сифатида анъана тусини олди ва буни "Ўзбек парламентчилигидаги янги тажриба" деб аташ ўринли бўлар эди.

Масалан, 2005-2010 йилларда Сенат қўмиталари томонидан Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Андижон, Фарғона, Навоий ва Бухоро вилоятларида 40 дан ортиқ қонун ижросига бағишланган "Бирлашган сессиялар" бўлиб ўтди. Уларда депутатларнинг сайловчилар томонидан кўтарилган масалаларни ҳал қилишга, ҳар бир округ ёки ҳудуд ижтимоий-иқтисодий муаммосини ҳал қилишда депутат иштирокини, унинг масъулиятини оширишга қаратилиши лозимлигига қайта-қайта эътибор берилди.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳамкорлигини ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга асос солди, шунингдек, улар фаолияти механизмини яратиш, маҳаллий Кенгашлар билан Сенат қўмиталари фаолияти йўналишларини аниқ белгилаб олиш имконини берди. Бу ўз навбатида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг ҳудуд ва минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва ролининг ортиши, маҳаллий Кенгашлар депутатлар корпусининг фаоллашувига олиб келди.

## 3.2. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришдаги фаолияти

Мустақиллик маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг минтақалар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига раҳбарлик соҳасидаги фаолияти самарадорлиги, унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва ролининг ошиб боришини

тақозо қилар эди. Чунки, XX аср 90-йилларининг дастлабки даврида, яъни 1994 йилга келиб Навоий вилоятида дон етиштириш режаси - 71,7, сабзавот - 86,8, полиз маҳсулотлари -77,7, мева - 72,4 фоиз, пахта тайёрлаш режаси - 97,7 фоизга бажарилган[187] бўлса, Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш режалари белгиланган 12 асосий турдаги маҳсулотдан 6 таси , яъни 50 фоизи бўйича бажарилмай қолган. Пахта етиштириш -93,7, сабзавот - 94,4, узум -76,4, сут -92,8, тухум- 72,5, асал -16,4 фоизга бажарилди[188].

1994 йилда Тошкент шаҳридаги машинасозлик саноати комплекси корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жумладан, экскаваторлар ишлаб чиқариш - 84,3 фоизга, автомобиль прицеплари ва ярим прицеплари - 64,3 фоизга, компрессорлар- 57,2 фоизга, пахта териш машиналари - 58,3 фоизга, тракторлар ишлаб чиқариш - 85,9 фоизга тушиб қолди[189].

Самарқанд вилоятида эса биргина 1995 йилда саноат маҳсулоти 81,5 фоиз, халқ истеъмоли моллари 77,5 фоизга бажарилган. Гўшт ишлаб чиқариш эса 27 фоизга, сут маҳсулотлари - 52, қандолатчилик - 69, ип газламалар - 70, шойи - 36, трикотаж буюмлари - 45 фоизга камайиб кетган[190] бўлса, мазкур йилда Жиззах вилояти республикада энг кўп ғалла экиладиган вилоятлардан бири бўлишига қарамай кўзланган ҳосилнинг 40 фоизи етиштирилган ёки давлатга сотиш режаси атиги 53 фоизга етказилган[191], Наманган вилоятида эса барча турдаги хўжаликларда гўшт сотиш топшириғи 82, сут - 58, тухум - 63 фоиз бажарилган, холос[192].

Келтирилган статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, агар ҳар бир минтақа миқёсида ҳududнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муттасил таъминланишига эришилса, бу умумий

---

[187] Каримов И.А. Фаолиятингиз давр руҳига мос бўлсин. Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг биринчи сессиясида сўзланган нутқ // Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т. 2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 343-344 б.

[188] Каримов И.А. Ватан, эл манфаати муқаддасдир. Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ // Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т. 2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 61 б.

[189] Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ // Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 101 б.

[190] Каримов И.А. Халқ ташвиши билан яшайлик. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ // Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 101 б.

[191] Каримов И.А. Ислоҳот – аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир. Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг сессиясида сўзланган нутқ // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 198 б.

[192] Каримов И.А. Ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш – бурчимиз. Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 226 б.

тарзда мамлакат миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшган бўлар эди.

Мана шу ҳаётий заруриятнинг ўзи халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидан қонун берган ваколат доирасида тегишли ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишининг изчил ўсиб боришини таъминлашни тақозо қилади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Жойларда вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини тузишдаги асосий мақсад, биринчидан, шу жойларда давлат органларини тузишда аҳолининг иштирокини таъминлаш, иккинчидан, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни бамаслаҳат, кўпчилик бўлиб муҳокама қилиш ва тўғри қарор қабул қилиш, учинчидан, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан маҳаллий миқёсда назорат ўрнатиш эди”[193].

Ўрганилаётган даврда маҳаллий ҳокимият органлари ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган давлат сиёсатининг ҳудудлардаги ижросини таъминловчи тузилма сифатида иш кўрди. Хусусан, маҳаллий ҳокимият органлари аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ривожланишига йўналтирилган ҳудудий сиёсатни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи орган бўлиб қолди[194]. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунда бу органларга ўз ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кенг доирадаги масалаларни ҳал қилиш вазифаси юкланган. Масалан, қонуннинг 24-моддасида халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимнинг тақдимига мувофиқ ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлайди деб белгиланган бўлса, қонуннинг 25-моддасида эса вилоят, туман ва шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини халқ депутатлари Кенгаши тасдиғига ҳоким томонидан тақдим қилинади, деб кўрсатилган[195]. Булардан маълум бўлаяптики, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг у ёки бу ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини қабул қилишга қаратилган фаолияти, уларнинг ўз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги раҳбарликни таъминловчи асосий омиллардан деб ҳисоблаш керак.

[193] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 207 б.
[194] Ўзбекистонда давлат маҳаллий органларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари... – 7 б.
[195] “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлар тўплами. – Т.: Адолат, 1995. – 13-14 б.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига раҳбарлиги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунга "Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг иқтисодий асоси" деган махсус бобнинг киритилиши билан ҳам янги мазмун ва моҳият касб этди. Натижада раҳбарлик самарадорлигининг иқтисодий кафолати вужудга келди, зеро аввалги қонунларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг иқтисодий асослари четда қолган эди. Демак, бу қонун моддалари аввало, маҳаллий вакиллик органларининг иқтисодий томондан мустақиллигини таъминлашга ҳам қаратилди.

1991-2010 йилларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришдаги амалий фаолияти билан боғлиқ тажрибалар ҳақида гапирганда, аввало, ушбу масалалар маҳаллий Кенгашларнинг сессияларида мунтазам кўрилиб, муҳокама қилиб борилганини таъкидлаш лозим.

Масалан, кўриб чиқилаётган даврда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни Кенгаш йиғилишларида ва сессияларида мунтазам кўриб бордилар ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларини белгиладилар. Жумладан, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2003-2005 йилларда 10 марта сессияси ўтказилган бўлиб, 2003 йилда 8 та, 2004 йилда 10 та ва 2005 йилда 18 та ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурлари қабул қилинган. Бундан ташқари халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга оид масалалар бўйича назорат ишлари сони 2003 йилда 3 та, 2004 йилда 4 та ва 2005 йилда 4 та ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир масалалар бўйича назорат ишлари сони 2003 йилда 1 та, 2004 йилда 2 та ва 2005 йилда 2 тани ташкил этган[196].

Ана шундай саъйи-ҳаракатлар натижасида эса Фарғона вилояти Ўзбекистоннинг ривожланган ҳудудларидан бирига айланиб бораётганини кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Биргина 2007 йил давомида эришилган амалий натижалар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Шу даврда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш – 7,9 фоиз, саноат

[196] Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни мониторинги натижалари. Масъул муҳаррир Ф.Х.Отахонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2006. – 8-9 б.

маҳсулотлари – 7,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги – 8,4 фоиз, халқ истеъмоли моллари – 11,8 фоиз, пуллик хизматлар 20 фоизга ошгани вилоят иқтисодиётидаги ўсиш суръатларидан далолат беради. Бу борада, айниқса, енгил саноат тармоғида катта ишлар қилинмоқда. 2007 йилнинг ўзида соҳага 81,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция, жумладан, 20,2 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар жалб этилганини таъкидлаш жоиз. Вилоятда 2006-2007 йиллар мобайнида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида салкам 22 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу ўз навбатида 17,7 миллион доллар миқдорида валютани иқтисод қилиш имконини берди[197].

Мамлакатнинг бошқа вилоятларида ҳам маҳаллий Кенгашлар шундай ишларни амалга ошира бошладилар. Жумладан, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши сессияларида ҳам ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир масалалар мунтазам равишда муҳокама қилиб борилган ва тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2003-2005 йилларда 12 марта сессияси ўтказилган ҳамда жами 32 та ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурлари қабул қилинган. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга оид масалалар бўйича назорат ишлари сони 2003 йилда 2 та, 2004 йилда 3 та ва 2005 йилда 3 та ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир масалалар бўйича назорат ишлари сони 2 тани ташкил этган[198].

Тақиқотнинг аввалги қисмларида кўрилгандек, Президент И.А.Каримовнинг Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги дастурий маърузасида умумдавлат манфаатлари билан минтақавий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш, мамлакатда ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш учун парламент юқори палатасининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, шунингдек ижро этувчи ҳокимиятнинг маҳаллий органлари билан ҳамкорлигини тубдан яхшилаш зарурлиги алоҳида таъкидланган эди.

Шу мақсадда 2007 йил 26 январда Олий Мажлис Сенати қарори билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижро этувчи

---

[197] Каримов И.А. Халк депутатлари Фаргона вилояти кенгашининг сессиясида сўзланган нутк // Мамлакатни модернизация килиш ва иктисодиётимизни баркарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 256 б.

[198] Ўзбекистон Республикаси "Махаллий давлат хокимияти тўгрисида"ги Конуни мониторинги натижалари... – 8-9 б.

ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги, уларнинг минтақавий ривожланиш муаммоларини ҳал этишдаги фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш масалалари бўйича сенаторлар орасидан 14 кишидан иборат гуруҳ тузилди. Гуруҳга сенатор Ғ.Алиев раҳбар этиб белгиланди. Мазкур гуруҳ қисқа вақт ичида Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши ўз амалий фаолиятида ҳудудларнинг ривожига қандай раҳбарлик қилаётганини ўрганиб чиқди. Ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида гуруҳ аъзолари маҳаллий Кенгашларнинг, улар доимий комиссияларининг иши бўйича шундай хулосага келдиларки, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар дастурларини амалга оширишда маълум тажрибалар тўпланишига қарамай, уларнинг бу борадаги фаоллиги етарли эмас эди. Жумладан, маҳаллий Кенгашлар томонидан вакиллик ҳамда назорат ваколатларини амалга оширишда камчиликлар мавжудлиги, маҳаллий Кенгашларнинг сессияларида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга доир аниқ чора-тадбирларни кўриб чиқишга етарлича эътибор берилмаётгани, минтақаларни ривожлантириш дастурларини қабул қилиш, аҳоли турмушини яхшилаш йўналишида ташаббус кўрсатилмаётгани, доимий комиссиялар ишида эса расмиятчилик билан ёндошув ҳоллари кўп учрагани қайд қилинди. Аслида бу муаммолар ечими масаласи маҳаллий Кенгашлар ваколати доирасида кўриб чиқилиши, хусусан Кенгаш доимий комиссиялари ҳамда депутатлари ваколатига кирса-да, амалда фуқаролар мазкур маҳаллий аҳамиятга молик муаммолар бўйича Сенатга мурожаатлари ортиб борган. Бундан кўриниб турибдики, жойларда қабул қилинаётган янги қонунларнинг, мамлакат Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ҳукумат қарорларининг ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг онги ҳамда шуурига етказиш ишлари талаб даражасига кўтарилмаган. Хусусан, халқ депутатлари Пскент тумани Кенгаши (Тошкент вилояти) мажлисларида режалаштирилган масалалар кўрилмаган, мажлисларнинг баённомалари ҳамда қарорлари лозим даражада расмийлаштирилмаган. Бу эса ўз навбатида мазкур Кенгашда қабул қилинадиган қарорларга расмиятчилик билан ёндошилаётганлиги ва бу қарорлар бажарилмаслигидан далолат беради. Бундан ташқари халқ депутатлари Пскент тумани Кенгашининг доимий комиссиялари мажлислари мунтазам ўтказилмаган. Боз устига доимий комиссиялар-нинг

раислари ўз ваколатларини яхши билмайдилар. Халқ депутатлари Оқолтин (Сирдарё вилояти) ҳамда Бешариқ (Фарғона вилояти) туманлари Кенгашлари фаолиятида ҳам шундай камчиликлар аниқланган[199].

2007 йил мобайнида мазкур гуруҳ томонидан халқ депутатлари Бухоро ва Қашқадарё вилоят Кенгашларининг 2005–2006 йиллардаги фаолиятлари ҳам таҳлил қилиб чиқилди ва қайд этилдики, халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг сессияларида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенатнинг ва Сенат қўмиталарининг қарорлари ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги тўғрисида"ги 2006 йил 29 июнда қабул қилинган 200–I-сонли Қарори муҳокамаси ўтказилган. Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига тааллуқли ҳужжатлар ҳисобини юритиш ва уларни тизимга солиш ишлари амалга оширилган.

Айни чоқда халқ депутатлари Бухоро шаҳар ва Вобкент туман Кенгашларининг, шунингдек халқ депутатлари Қарши шаҳар, Яккабоғ, Чироқчи, Шаҳрисабз, Китоб, Касби туман Кенгашларининг доимий комиссиялари ишларида ижобий ўзгаришлар бўлган[200].

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2008 йил 31 январь куни бўлиб ўтган мажлисида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг 2005–2007 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилган.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини режалаштириш яхшиланганлиги натижасида улар томонидан кўриб чиқилаётган, минтақаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар доираси аввалги йилларга нисбатан анчагина кенгайган. Жойлардаги сенаторлар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари томонидан сайловчилар кўтарган масалаларни ҳал этишга қаратилган ишлар олиб борилган. Шунингдек, уларнинг минтақавий ривожланиш

---

[199] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенатнинг ва Сенат қўмиталарининг қарорлари ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги тўғрисида"ги Қарорининг бажарилиши ҳақида"ги № 294-I сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати жорий архиви. 2007.

[200] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Халқ депутатлари Бухоро ва Қашқадарё вилоят Кенгашларининг 2005–2006 йиллардаги фаолияти тўғрисида"ги № 368-I сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати жорий архиви. 2007.

масалаларни ҳал этишдаги фаолиятида самарадорликни ошириш мақсадида шу вилоятлардан сайланган сенаторлар ва мазкур Кенгашларнинг депутатлари олдига аниқ вазифалар қўйилган ҳамда улар муайян туманларга бириктирилган.

Жойлардаги иш аҳволини ўрганишда шу нарса маълум бўлдики, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари томонидан минтақа учун долзарб дастурлар, хусусан "Фермер хўжалигини ривожлантириш", "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш", "Вилоят аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш" дастурлари ишлаб чиқилиб амалга оширишга киришилган[201].

Сирдарё вилоятидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан минтақа иқтисодиётини ва ижтимоий соҳасини янада ривожлантириш билан боғлиқ тавсиялар ҳамда таклифларни амалга ошириш тадбирлари мунтазам ўтказиб келинган. Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг раиси, шунингдек, депутатлар ва сенаторлар томонидан вилоятнинг туман ҳамда шаҳарларида фуқароларни ҳар ҳафта қабул қилиш анъана бўлиб қолган. Аҳолини ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада жонлантириш масалалари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг мажлислари ҳамда Кенгаш сессияларида муҳокама этилган. Жумладан, вилоятда доимий комиссиялар сони 72 тани ташкил этган бўлиб, 2005-2007 йилларда жойларда фуқаролар билан 1400 дан ортиқ учрашувлар ўтказилган[202].

Тошкент вилоятида, бошқа вилоятлардан фарқли ўлароқ, маҳаллий Кенгашлар минтақанинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда иш олиб бориш йўлга қўйилган. Жумладан, вилоятдаги халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг аъзолари, сенаторлар ва депутатлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда аҳолини ишга жойлаштириш, шаҳарлар, шаҳарчалар ҳамда қишлоқларни ободонлаштириш дастурларини амалга оширишга, шунингдек, аҳоли ўртасида спорт ва соғломлаштириш ишларини яхшилашга қаратилган тадбирлар ўтказишган. Хусусан 2006–2007 йилларда Тошкент вилоятида қарийб 80 минг киши ишга

[201] Олий Мажлис Сенатида // Халқ сўзи, 2008. 1 февраль. №23.
[202] Масъулият ортида – халқ ишончи // Сирдарё ҳақиқати. 2008. 5 февраль.

жойлаштирилган, 67 та аҳоли пунктида ободонлаштириш ишлари ўтказилган.

Олий Мажлис Сенати Кенгаши шуни ҳам қайд этдики, олиб борилган ишлар натижасида халқ депутатлари Жиззах вилоят, Жиззах шаҳар, Фориш, Зомин, Зарбдор, Мирзачўл, Пахтакор туманлари, Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳар, Оқолтин, Ховос туманлари, Тошкент вилоят, Чирчиқ шаҳар, шунингдек, Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Зангиота туманлари Кенгашлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз берган. Шунингдек, Сенат Кенгаши мажлисида сенаторлар Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги халқ депутатлари айрим туман, шаҳар Кенгашларининг ишидаги мавжуд камчиликлар ҳамда фойдаланилмаётган резервларга эътибор қаратилган. Шу муносабат билан мазкур минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ устувор масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улардаги доимий комиссияларнинг ташкилий ишларни янада кучайтирилиши муҳим эканлигига алоҳида урғу берилди. Мажлисда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ва тегишли доимий комиссияларнинг мажлисларида минтақаларни устувор ривожлантириш масалаларини мунтазам равишда муҳокама этиш, қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан назорат олиб бориш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улардаги доимий комиссиялари ишини минтақанинг долзарб масалаларини инобатга олган ҳолда режалаштиришни янада такомиллаштириш, доимий комиссияларнинг қилинган ишлар юзасидан ҳисоботларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг мажлисларида тинглаш зарурлиги ҳақида ҳам таклифлар билдирилди[203].

Олий Мажлис Сенати мониторинги таҳлили шуни кўрсатдики, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг самарали фаолият олиб бориши соҳасида Сирдарё вилоятида муайян ижобий ўзгаришлар рўй бергани эътироф этилди. 2005-2008 йиллар мобайнида халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг ўн битта сессияси ўтказилиб, уларда минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинган. Ташкилот, уюшма ва бошқармалар раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш амалиёти яхши натижалар берган. Депутатлар ҳаётнинг турли жабҳаларига қизиқиш билдирганлар. Жумладан, вилоят сессияларининг бирида вилоят про-

[203] Олий Мажлис Сенатида // Халқ сўзи, 2008. 1 февраль. №23.

курори ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича бажарилган ишлар юзасидан уларга батафсил ахборот берган бўлса, яна бошқа бирида эса меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи касаначиликни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қилинган ишлар хусусида депутатларни хабардор этган. Яна бир сессияда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури"нинг бажарилиши юзасидан ҳисоботи тингланган. Ушбу масалаларнинг барчаси муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Олий Мажлис Сенати билан халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг алоқаларини мустаҳкамлаш доирасида доимий комиссияларнинг вилоят иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ тавсияномалари бажариб келинган. Шунингдек, қонунлар, фармонлар ва Кенгаш сессияларида қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Халқ депутатлари Янгиер шаҳар, Оқолтин ва Ховос туманлари Кенгашлари депутатлари фаолияти ижобий томонга ўзгарган.

"Парламент юқори палатаси томонидан ўтказилган мониторинг бизга кўп томонлама фойдали бўлди, - дейди халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия раиси Фарҳод Шерназаров. – Олий Мажлис Сенати билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасида ўзаро фикрлашдик ҳамда тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдик. Умумхалқ ишларига ҳар биримиз фидойилик билан ёндошсаккина, маҳаллий вакиллик органларига аҳолининг ишончи ортаверади"[204].

Тадқиқот давомида Андижон, Наманган ва Фарғона халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг 2005-2010 йиллардаги фаолияти таҳлил қилиб чиқилганда бир қатор ижобий ҳолатлар билан биргаликда бажарилиши зарур бўлган вазифалар ҳам мавжудлиги аниқланди.

---

[204] Маҳаллий Кенгашларда // Халқ сўзи, 2008. 3 февраль. №24.

Масалан, мазкур даврда Андижон вилоятидаги халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида 448 нафар депутат фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг 401 нафари олий, 32 нафари ўрта-махсус, 15 нафари ўрта маълумотга эга бўлган[205]. Наманган вилоятидаги халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 401 нафар депутат фаолият олиб борган бўлса, уларнинг 363 нафари олий, 28 нафари ўрта-махсус, 10 нафари ўрта маълумотли бўлган[206]. Фарғона вилоятидаги халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг 607 нафар депутатидан 529 нафари олий, 69 нафари ўрта-махсус, 9 нафари ўрта маълумотга эга бўлган[207].

Мазкур давр мобайнида халқ депутатлари Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари Кенгашлари ҳамда Андижон, Наманган, Қўқон, Асака шаҳарлари Кенгашлари ва Балиқчи, Олтинкўл, Чуст, Тошлоқ, Фарғона туманлари Кенгашлари сессияларида мунтазам равишда ҳудуд учун долзарб муаммоларнинг ечимига оид масалалар муҳокама этиб борилган.

Шу билан бирга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда улар ҳузуридаги доимий комиссиялар томонидан тегишли ҳудудга тааллуқли муаммоли масалаларни кўтариб чиқиш, уларни ҳал этишга қаратилган фаолиятнинг аввалги йилларга қараганда жонланганлигини кузатиш мумкин. Масалан, халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари доимий комиссияси томонидан шаҳарда ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ муаммони ҳал этиш мақсадида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида биргина 2007-2008 йилларда 14 та артезиан қудуғи ишга туширилган, бу мақсадларга 512 миллион сўмлик маблағ сарфланган[208].

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари доимий комиссияси томонидан эса Бешариқ, Данғара, Фурқат, Ўзбекистон туманлари сессияларида ҳудуддаги мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларда алмашлаб экиш орқали аҳволни яхшилаш масалалари муҳокама қилиб борилган ҳамда масалага оид аниқ таклиф ва ташаббус билан чиқилган[209].

Таҳлиллар давомида Олий Мажлис Сенати томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини жонлантириш,

---

205 Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг жорий архиви. 02-ҳужжатлар йиғмажилди. 2008. – 2 б.
206 Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг жорий архиви. 02-ҳужжатлар йиғмажилди. 2008. – 3 б.
207 Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг жорий архиви. 02-ҳужжатлар йиғмажилди. 2008. – 2 б.
208 Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши жорий архиви. 05-ҳужжатлар йиғмажилди. 2008. – 15 б.
209 Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг жорий архиви. 05-ҳужжатлар йиғмажилди. 2008. – 2 б.

уларни том маънода вакиллик органига айлантириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида маҳаллий Кенгашлар фаолиятида кўплаб ижобий ҳолатлар кўзга ташланганини кўриш лозим. Биринчидан, кейинги йилларда депутатларнинг фаоллиги анча ошганини, уларнинг ҳуқуқий онги, дунёқараши ўзгарганини, иккинчидан, депутатларда муайян масалаларни ҳал этишда дадиллик, узоқни кўра билиш, одамларнинг ўй-ташвишлари билан яшаш, эл-юрт манфаатлари йўлидаги фидойилик каби хусусиятлар намоён бўлганини, учинчидан, фуқароларнинг маҳаллий Кенгашлар ва депутатларга бўлган ишончи ҳам ортганини кузатиш мумкин. Муҳими шундаки, аҳоли аввалги йилларга қараганда, ўзларини қизиқтирган ёки қийнаётган масалалар юзасидан депутатларга кўпроқ мурожжаат қила бошлаганлар.

Шу билан бирга Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидаги халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятидаги камчиликлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммо ва масалаларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида иш юритишнинг аҳволи мавжуд талабларга тўла жавоб бермаётгани, уларнинг ҳисоботларида таҳлил, баъзи ҳолларда эса аниқлик етишмаётгани аниқланди Масалан, халқ депутатлари Қувасой шаҳар, Қува туман Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлар талабга умуман жавоб бермаслиги[210], халқ депутатлари Косонсой ва Наманган туман Кенгашларида эса халқ депутатлари туман Кенгашлари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар ўрнига туман ҳокимларининг ҳоким сифатидаги олиб борган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлар эшитилгани кўрсатиб ўтилган[211]. Бундан ташқари жойлардаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда улар ҳузуридаги доимий комиссиялар иш режаларини тузишида ҳам расмиятчиликка тўла барҳам берилмаганлигини кўриш мумкин. Айрим туман Кенгашларида режага киритилган масалалар қолиб, унда йўқлари кўрилган, иш режасига эса тегишли ўзгартиришлар киритилмаган. Масалан, халқ депутатлари Хонобод шаҳар Кенгашининг 2006 йилда иш режасига киритилган олтита масаладан фақатгина иккитаси, режадан ташқари эса бешта масала кўрилган[212].

---

[210] Халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгаши жорий архиви. 05-ҳужжатлар йиғмажилди. 2009. – 12 б; Халқ депутатлари Қува туман Кенгаши жорий архиви. 05-ҳужжатлар йиғмажилди. 2009. – 14 б.

[211] Халқ депутатлари Косонсой туман Кенгаши жорий архиви. 05-ҳужжатлар йиғмажилди. 2009. – 17 б; Халқ депутатлари Наманган туман Кенгаши жорий архиви. 05-ҳужжатлар йиғмажилди. 2009. – 15 б.

[212] Халқ депутатлари Хонобод туман Кенгаши жорий архиви. 04-ҳужжатлар йиғмажилди. 2008. – 16 б.

Ўрганилаётган даврда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳар бир ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва роли Наманган вилояти мисолида яққол кўринади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058 сонли "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармонининг вилоятда бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2008 йил 31 декабрдаги 222-сонли қарори тасдиқланган. Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Фармон ижроси бўйича 2008-2009 йилларда 26 марта йиғилиш ўтказилиб, бунда корхоналарнинг 42 тасини вилоят даражасидаги муаммолари ҳал этилган. 15 та муаммо Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилиниб, шундан 7 таси ижобий ҳал қилинган. Бундан ташқари вилоятда ишлаб чиқарилаётган енгил саноат ҳамда чармпойабзалли маҳсулотларни ихтисослаштирилган махсус дўконларда сотишни йўлга қўйиш мақсадида вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан ҳудудларда 21 та, "Матлуботсавдо" АК томонидан 11 та ҳамда вилоят "Ўзулгуржисавдоинвест" МЧЖ томонидан эса 9 та дўконлар ташкил этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 августдаги "2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида"ги 246-сонли Қарори вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, вилоятнинг ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, ички бозорни маҳаллий товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини ва даромадини оширишга қаратилган. Унда вилоятда 2009 йилда 2684 та янги иш ўрни, 2010 йилда 3094 та, 2011 йилда 4151 та, 2012 йилда 5215 та янги иш ўринлари яратиш белгиланган[213]. Мазкур қарорлар ижроси доимий равишда вилоят Кенгашининг сессияларида муҳокама қилиб борилган ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

---

[213] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2009 йил 27 мартда қабул қилинган "Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида"ги 624-I сонли Қарорининг ижро этилиши ҳақида халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот. Наманган вилояти ҳокимлиги, 2009. – 3-9 б.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилашда И.А.Каримовнинг Наманган вилояти юзасидан чиқарган 3 та махсус қарорларини бажариш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд қилиш лозим. Хусусан, Президентнинг "Наманган вилоятининг индустриал салоҳиятини ошириш тўғрисида"ги, "Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида"ги 2009 йил 6 августдаги Қарори, вилоят ҳокимининг 2009 йил 10 августдаги Қарорида Наманган шаҳрини меъморий қиёфасини тубдан яхшилаш, ижтимоий инфратузилмани, шаҳар муҳандислик-коммуникация тармоқларини комплекс жойлаштириш ва ривожлантиришни таъминлаш, бунинг асосида вилоят ва шаҳар, жумладан ҳар бир сайлов округи ҳудудида маҳаллаларда аҳоли учун муносиб қулай шароит яратиш, турмуш даражасини ошириш масалалари атрофлича белгилаб берилган. Бу ҳақда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари  сайловчиларга доимий тарзда тушунтиришлар бериб боришган.

Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлик гуруҳларининг Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш доирасида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган масалаларни кун тартибига қўйиш борасидаги фаолияти кучайган.

Айниқса, бу борада халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, 2009 йилнинг 20 апрель куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари XXI сессиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, доимий асосда ишловчи сенатор А.Алтиев иштирок этди ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаш, инқирозга қарши кураш бўйича доимий комиссиялар ва депутатлар томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан танқидий ёндошиб, галдаги вазифалар, ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди. Сўнгра халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссияларининг "Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури" ишлаб чиқилди.

Шунингдек, 2009 йил 29 июль куни халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг XXII сессияси кун тартибига "Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг жаҳон молиявий инқирозига қарши

амалга ошириладиган 2009-2012 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлари Дастурининг ижроси тўғрисида"ги масала киритилди. Мазкур масала юзасидан тегишли мутасадди раҳбарлар ҳисоботлари эшитилиб, вилоят Кенгашининг қарори қабул қилинди. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари доимий Комиссияларининг 2009 йил давомида амалга оширилган фаолиятини таҳлилини ҳам кўриб чиқишимиз мумкин (3.2-жадвал).

**3.2-жадвал**

**Халқ депутатлари Наманган вилояти, шаҳар ва туман Кенгашлари доимий Комиссияларининг 2009 йилдаги фаолияти**

| ойлар | тадбирларда қилинган маърузалар | ўтказилган учрашувлар | фуқаролар қабули | депутатлик мурожаати |
|---|---|---|---|---|
| Январь-сентябр ойларида жами | 849 | 712 | 773 | 188 |

| телевидения орқали | радио орқали | газеталарда чоп этилган мақолалар |
|---|---|---|
| 60 | 17 | 90 |

Вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари ҳудуддаги корхона ва ташкилотларга бириктириб қўйилган. Бундан ташқари депутатлар вилоятдаги мавжуд 760 та маҳалла фуқаролар йиғинларига, аҳоли яшаш пунктларида зарурий ижтимоий маиший хизмат кўрсатишнинг энг зарур шоҳобчаларини ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги ПҚ-1041 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида бириктириб қўйилди.

Масъул депутатлар ҳар бир маҳалла ҳудудида 3 тадан маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари ташкил этиш орқали янги иш ўринлари ташкил этмоқдалар. 2009 йил 15 сентябрь ҳолатига жами 760 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида 916 та маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу билан эса қўшимча 2707 та иш ўринлари яратилди[214].

Яна шуни айтиш жоизки, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажаришга жалб қилиниши, охир-оқибатда улар масъулиятининг ошишига олиб келди.

[214] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги 624-I сонли Қарорининг ижро этилиши ҳақида ...– 35 б.

Масалан, И.А. Каримовнинг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир" номли маърузасида ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қонунлар қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишга, барча босқичдаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир муайян масалаларни ҳал қилиш борасидаги ишига таъсир кўрсатишга қаратилган фаолиятини кучайтириш зарурлиги таъкидланган эди[215]. Мазкур маърузанинг асосий қоида ва хулосаларини рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тегишли Ҳаракат дастури қабул қилинган бўлиб, унда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини кучайтириш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг 2010 йил 9 сентябрь куни Андижон вилоят ҳокимлигида ва 14 сентябрь куни Хоразм вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 4 декабрда қабул қилинган "2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида"ги қарорининг, қишлоқда уй-жой қурилиши ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш дастурларининг халқ депутатлари Андижон ва Хоразм вилоят Кенгашлари томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди. Мажлисларда таъкидланганидек, халқ депутатлари Андижон ва Хоразм вилоят Кенгашлари томонидан юқоридаги дастурлар бажарилишининг бориши устидан назоратни таъминлаш вазифаларини белгилаб олишга, мўлжалланган натижаларга эришиш, суиистеъмолликлар ва қўшиб ёзиш ҳолларига йўл қўймаслик учун кескин чоралар кўриш, шунингдек, вилоятда ушбу дастурларни амалга ошириш учун масъул доимий комиссиялар ва депутатларнинг, ижро этувчи ҳокимият мансабдор шахсларининг ахборотларини эшитиш юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилинган. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг тегишли доимий комиссиялари томонидан Булоқбоши,

---

[215] Олий Мажлис Сенатида // Халқ сўзи, 2010. 28 январь.

Избоскан туманларида ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг тегишли доимий комиссиялари томонидан Урганч шаҳрида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, Андижон вилоятининг Пахтаобод, Қўрғонтепа, Бўз туманларида, Хоразм вилоятининг Боғот, Ҳазорасп туманларида уй-жой қурилиши ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалалари ўрганилган. Ўрганиш натижасида мазкур масалалар бўйича мўлжалланган чораларни амалга ошириш учун жавобгар бўлган ушбу туман ҳокимликларининг ҳамда вилоят ва туман даражасидаги тегишли бўлинмаларнинг фаолияти танқид остига олинди. Хусусан, ўтган давр ичида Андижон ва Хоразм вилоятларида тегишли тарзда 42842 та ва 32660 та, шу жумладан ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 1204 та ва 2762 та, кичик корхоналар, микрофирмалар барпо этиш ва якка тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 20764 та ва 10565 та, касаначиликни ташкил қилиш ҳисобига 13376 та ва 10949 та, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига 1248 та ва 1760 та, фермер хўжаликларини (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқаларни – Д.Н.) ривожлантириш ҳисобига 5667 та ва 6152 та, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 166 та ва 472 та иш ўринлари яратилган[216]. Ўз навбатида Андижон ва Хоразм вилоятларидаги депутатлар корпусининг иш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда сенаторлар томонидан маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат ва ҳудудий дастурларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, 1991-2010 йилларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари минтақаларда маданий-маърифий ишларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Жумладан, халқ депутатлари Ғузор тумани Кенгаши ижтимоий-маданий ривожлантириш, оила, аёллар ва ёшлар ишлари масалалари доимий комиссияси ташаббуси билан 3500 нафар аҳоли истиқомат қиладиган Оқтош ва Кудуқ қишлоғида сайловчилар билан бўлган учрашувларнинг бирида сайловчилар қишлокда болалар боғчаси бўлса, деган таклиф билан чиқишган эди. Туман ҳокими, сенатор Ш.

[216] http://uza.uz/uz/politics/14031

Донаев ҳам ушбу таклифни қўллаб-қувватлади. Туман халқ таълими бўлими раҳбарлари билан келишган ҳолда фойдаланилмай ётган бинони ҳашар йўли билан болалар боғчасига айлантирилди. Бу муассаса 60 ўринга мўлжалланган бўлиб, “Лола” болалар боғчасининг филиали сифатида фаолият юрит бошлади[217].

Маълумки, ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларида таълим-тарбия ишларини ташкил этишнинг аҳамияти катта. Мамлакатда 2010 йилда қабул қилинган “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида бу борада тегишли чора-тадбирлар белгилангани йигит-қизларнинг билим ва кўникмаларини, уларнинг ҳаётга мустақил муносабатини шакллантириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Бу борада маҳаллий Кенгашлар ҳам дастур ижроси бўйича қатор ишларни амалга оширишган.

Масалан, Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфида 40 дан ортиқ умумтаълим мактаблари бўлиб, уларда 2 минг 100 нафардан ортиқ ўқитувчилар ёшларга таълим-тарбия беришган. Шаҳар Кенгаши доимий комиссияси мактабларда “Устоз-шогирд” анъанасини янада кенг қарор топтириш, ўқитувчи-мураббийлар билим ва малакаларини замон талаблари асосида узлуксиз ошириб бориш бўйича бажарилаётган ишларни ҳам мунтазам назорат қилиб боришган[218].

2010 йил декабрь ойида бўлиб ўтган Фарғона вилояти фаоллари йиғилишида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш ўринлари билан қамраб олиш бўйича ишлар кўламини янада кенгайтириш борасидаги вазифалар ҳам белгилаб олинган. Ана шу йўналишда ташкиллаштирилган “Меҳнат ярмаркалари”да шаҳар саноат корхоналари ва ташкилотлари томонидан тақдим этилган бўш иш ўринларига минглаб ёш мутахассислар қабул қилинганлар. Ушбу масала халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва доимий комиссияларининг мунтазам назоратида бўлиб келган[219].

Маълумки, Президент И.А.Каримов 2009 йил 16 октябрда Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Қўқон шаҳри фуқаролари ва ёшлар вакиллари билан суҳбатлашган эди. Ўшанда шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгилаш ва ёшлар учун марказ бунёд этиш борасида таклиф билдирган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шаҳар ҳокимлиги, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши саъй-ҳаракати

---

[217] http://qashqadaryo.gov.uz/view_post.php?id=728
[218] Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши жорий архиви. 05-ҳужжатлар йиғмажилди. 2010. – 44 б.
[219] Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши жорий архиви. 05-ҳужжатлар йиғмажилди. 2010. – 36 б.

Қўқонда янги бинолар, кенг йўллар, боғ ҳамда ҳиёбонлар барпо этиш, модернизация қилинган корхона, ташкилотларда очилган янги иш ўринларига ёш мутахассисларни жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган. Хусусан, "Ёшлар маркази" барпо қилиш, ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва спорт маҳоратларини оширишлари учун Ўрдаолди майдонини кенгайтириш кўзда тутилди. Бу ерда "Боулинг", 3 та теннис корти, шахмат-шашка клуби, 2 та кафе ва 2 та замонавий фаввора бунёд этилиши режалаштирилган[220].

Умуман, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши сессияларида ҳам доимий равишда ҳудуд учун муҳим бўлган масалалар ижроси муҳокама қилиб борилган ва ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари эшитиб борилган. Сессияларда маъқулланган қарорлар асосида ўтган йиллар давомида вилоятда 101 та спорт иншооти ҳамда 4 та болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилган ва қайта таъмирланган. Ушбу таълим муассасаларига 255 минг ўқувчи-ёшлар жалб этилган. Бундан ташқари вилоятдаги 836 та умумтаълим мактабида таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Жумладан, 11 та мактаб қурилган, 216 та мактаб капитал реконструкция қилинган, 357 таси капитал, 252 таси жорий таъмирдан чиқарилган[221].

Шунингдек, Фарғона шаҳри ҳамда Риштон, Бувайда, Қува, Бешариқ туманларида 5 та янги касб-ҳунар коллежлари қурилиб, фойдаланишга топширилган. Аввал қуриб ишга туширилган Фарғона 1-, 2-тиббиёт, Олтиариқ, Бағдод, Ўзбекистон туманларидаги педагогика, Сўх туманидаги агросаноат коллежлари учун 650 ўринли 6 та ётоқхоналар қурилган. Мазкур масалалар юзасидан 47-Заркент сайлов округидан депутат, Тошлоқ тумани ҳокими Ҳ.Умаров, 54-Ғафур Ғулом сайлов округидан депутат, вилоят "Электр тармоқлари" АЖ раиси А.Эҳсонов ҳисоботлари тингланган.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари доимий комиссияси депутатлари ташаббуси билан "Таълим тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш борасида туманларда олиб борилаётган ишлар ўрганиб чиқилган. Бу ҳақида эса 13-Ипакчи сайлов округидан депутат Ш.Султонов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи З.Тешабоев, Олий Мажлис

[220] www.senat.gov.uz
[221] http://uza.uz/uz/sport/16191/

Сенати аъзоси, Бувайда педагогика коллежи директори Р.Қўрғонова-ларнинг ахборотлари эшитилган[222].

Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий Комиссияси томонидан биргина 2010 йилда 150 нафардан ортиқ фуқаролар муаммолари, талаб ва таклифлари ўрганиб чиқилди. Улар асосида мутасадди ташкилотларга 50 га яқин депутатлик сўрови юборилди. Депутатлик сўровлари натижасида кўпгина масалалар ижобий ҳал этилди. Хусусан, Касби туманидаги “Алачабоб” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги мактаб биноси қурилиши режага киритилди. Комиссия томонидан Қамаши, Китоб, Косон, Касби туманларида ҳудудда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масаласи ҳамда “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунлар ижроси ўрганилган ва мавжуд камчилик, муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилган[223].

Бундан ташқари Халқ депутатлари Косон шаҳар Кенгаши депутатлари тумандаги 40, 93, 81, 70, 66, 35, 16-мактаблар биноларининг ҳолати талаб даражасида эмаслигини аниқлаб, бу масалаларни ҳал этиш юзасидан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғига хат билан чиқишган[224].

1995-2010 йилларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакилик органларининг ҳудуд маънавий-маърифий соҳаларини ривожлантиришдаги фаоллиги тобора ошиб борди. Маҳаллий Кенгашлар сессияларида ушуб соҳаларга оид ҳудуд учун долзарб бўлган масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар чиқарилган. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси фаолиятида ҳам буни кўриб чиқиш мумкин. Ушбу ҳудудда спорт соҳасини ривожлантириш мақсадида ўтган йиллар давомида 95 замонавий спорт иншооти фойдаланишга топширилган. Биргина 2010 йилнинг ўзида саккиз иншоот қурилиб, ишга туширилган. Нукус олимпия захиралари спорт коллежи қошида замонавий ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилган. Шунингдек, Нукус шаҳридаги кураш мактабини реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилган. Умумтаълим мактаблари ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Амалга оширилган ушбу чора-

[222] http://www.fargonahaqiqati.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&nom=33&id=251
[223] Маҳаллий Кенгашларда // Халқ сўзи, 2011 йил 23 январь.
[224] http://www.qashqadaryogz.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&raz=1&id=1473

тадбирлар мунтазам равишда Жўқорғи Кенгеси сессияларида муҳокама қилиб борилган[225].

Жиззах вилоятида ҳам бу борада ижобий ишлар амалга оширилган. Маҳаллий Кенгашлар сессияларида маънавий-маърифий соҳага оид масалалар юзасидан тегишли қарорлар чиқарилган ва амалиётга жорий этилган. Хусусан, биргина 2010 йилнинг ўзида вилоятда бешта янги спорт иншооти қурилган бўлса, Ғаллаорол туманидаги 4-мактаб, Пахтакор туманидаги 1-мактаб ва Жиззах туманидаги 38-умумтаълим мактабларининг реконструкция қилинган. Вилоятда 2004-2010 йиллар давомида 73 таълим иншооти бунёд этилган бўлиб, уларнинг саккизтаси алоҳида лойиҳалар бўйича қад ростлаган. 51 та мактабда спорт заллари қурилган, 14 спорт мажмуаси реконструкция қилинган. Ушбу иншоотларининг 63 таси ёки 89 фоизи қишлоқларда барпо этилган[226].

Сурхондарё вилоятида эса 2003-2010 йилларда 94 та иншоот қурилиб, фойдаланишга топширилган. Уларнинг 86 таси қишлоқ жойларида барпо этилган. 64 та мактабда спорт зали, учта сузиш ҳавзаси, учта болалар мусиқа ва санъат мактаби бунёд этилган[227].

Халқ депутатлари Каттақўрғон шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси депутатлари шаҳардаги дам олиш ва маданият масканлари, таълим муассасалари, спорт иншоотлари аҳволини ўрганиб чиқишган ҳамда мазкур масалаларни Кенгаш сессиясида муҳокама этиш таклифини билдиришган[228].

Олий Мажлис Сенатининг "Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси" томонидан Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ўрганилганда сессиялар ва доимий комиссиялар мажлисларида ҳудудий дастурлар ижроси, ҳудудларни маънавий-маърифий ривожлантиришга қаратилган масалалар кўриб борилгани аниқланган.

Жумладан, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг иштироки тўғрисидаги ахборот 2010 йил 20 феврал куни халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг иккинчи сессиясида, 2010 йил 31

[225] http://uza.uz/uz/sport/16193/
[226] http://uza uz/uz/sport/16157/
[227] http://uza.uz/uz/sport/16105/
[228] http://www zamews uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&raz=1&god=2008&mes=3&id=1733

май куни халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг иккинчи сессиясида эшитилган[229].

